

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ



Салиева М. К.

**ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ
ЖУРНАЛИСТИКАСИ**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2026

УДК:070(575)

ББК:76.02(5Ў)

С82. Салиева Муҳаббат Кушановна. Осиё мамлакатлари журналистикаси Ўқув қўлланма:/ - Т.: 2026.

Ташқи тақризчи:

Филол фанлар бўйича (Phd) Рўзиқулов Д.

Тақризчилар:

Филол фанлар бўйича (Phd) Нарзуллаева Г.

Нашр учун масъул Р.Эльмуратова

Муаллифдан:

“Осиё мамлакатлари журналистикаси” халқаро журналистика йўналиши талабалари учун зарур ўқув предмети ҳисобланади. Ўқув қўлланма мавзунини кенгроқ тадқиқ этиш учун анчагина тадқиқотлар, изланишлар олиб боришга тўғри келди. Россия ва Ўзбекистон журналистика соҳаси мутахассислари ва олимларининг манбаларидан фойдаланилган.

Мазкур ўқув қўлланма ўзбек тилида яратилган дастлабки тажриба ҳисобланади. Бинобарин, ўқув қўлланма юзасидан билдирилган барча таклиф – мулоҳазалар мамнуният билан қабул қилинади ва улар келгуси фаолиятимизда инобатга олинади.

e-mail: Muhabbat 2962@ mail. ru

Кириш

Бутун дунё ОАВ каби, Ғарб ва Шарқ журналистикаси ривожланиб бормоқда ва тараққиёт жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Оммавий ахборот воситаларининг таъсири, интернет тармоқларининг ниҳоятда илгарилаб бораётгани, ахборот тарқалишининг жадаллашуви натижасида одамлар онгида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, миллий идрок характерининг журналист фаолиятида ўз аксини топмасдан иложи йўқ. Профессional журналист ёки тадқиқотчи, олим менталитетга хос қарашлардан ҳоли бўлиб оммага ахборот, янгилик ва илмни тақдим этишда прогрессив йўл тутиши лозим. Ахборот баёни ёки интер-претациясининг бошқа йўлларда амалга оширилиши турли хил халқаро қоидаларга зиддир. Шундан келиб чиққан ҳолда, журналист хабарни мафкура ва миллий меъёрлардан ҳоли ҳамда объектив тарзда узатиши лозим.

Шу жиҳатдан Ғарб ва Шарқ журналистикасининг ривожланиш тамойиллари хусусиятларини қуйидагича таърифланади:

– Телевидение ва радио станцияларининг энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлганлиги, газета ва журналларнинг, давлат ҳамда нодавлат шаклларининг ранг-баранглиги, аудиториясининг кенгайиб бораётганлиги;

– Интернет ва аудиовизуал коммуникация турларининг шаклланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатларнинг кучайиб бораётганлиги;

– Оммавий ахборот воситаларининг глобаллашуви ва концепциялашуви;

Осиё мамлакатларининг ички давлатлари журналистикаси ривожланишида ОАВларнинг бир хил шароитда иш олиб бориши ва бир-бирларини ўрганиши давр талабига айланди.

Ушбу малакатлар журналистикаси тараққиётининг миллий ўзига хослиги яққол кўзга ташланаётган интеграциялашув жараёнларидан ташқари бир томондан мамлакат миллий ўзлигининг юзага чиқиши, иккинчи томондан эса ОАВларидаги глобаллашув тамойилларига қарши таъсир натижасида миллий хусусиятларини сақлаб қолишга бўлган интилиш кучайиб бормоқда.

Ғарб ва Шарқ журналистикасининг ривожланиш тамойиллари бугунги кунда илмий кашфиётлар устида иш олиб бориши, универсал техника ва технологияларнинг имкониятлари орқали ахборот тарқатишининг глобаллашуви, яъни ахборотнинг бутун дунёни қамраб

олиш жараёнлари шиддат билан ўсиб бораётган бир даврда интернет тизими орқали ахборот алмашинуви, ғоявий таъсир ўтказиш усуллари ҳам ортиб бормоқда. Ғарб ва Шарқ журналистикасининг ривожланиш тамойилларини ўрганишнинг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга жаҳоннинг бир қатор етакчи мамлакатларида, хусусан Япония, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб давлатлари ва шу билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Туркменистон Тожикистон, ва Қирғизистонда журналистика тизимининг ҳозирги кундаги аҳволи, жамиятдаги ўрни ҳамда йирик оммавий ахборот воситаларининг замонавий шаклдаги фаолияти ҳақидаги аниқ маълумотларга асосланиб ўрганилади.

Осиё мамлакатлари журналистикаси бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида замонавий техника ва технологияларнинг янги тизими жорий этилишида, журналистиканинг тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилишида, оммавий коммуникация воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам дастурий базасини яратмоқда.

Замонавий давр талабига жавоб берадиган ОАВнинг эркин ва жадал ривожланишини, ахборот соҳасининг самарали фаолиятини таъминлайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганилигининг ўзи журналистика соҳасининг давлат даражасидаги мақомини белгилайди. Шунингдек, ўрганиш объекти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотларнинг амалга оширилаётгани, глобаллашув даврида Осиё мамлакатлари ОАВнинг кескин ривожланиб бораётганлиги аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги кунга келиб, жамиятдаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий фаолият соҳаларидан бирига айланиб улгурган Замонавий Осиё мамлакатлари журналистикасига таъриф беришдан аввал, шу соҳа тараққиётининг жадаллашувига туртки бўлган бир қатор омилларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Бундай омиллар қуйидагилар:

Иқтисодий омил. Умумжаҳон иқтисодий маконида янги пайдо бўлган давлат ва минтақаларни ўз ичига олган иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви.

Технологик омил. Саноатда, илм-фанда, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ахборот технологиялари ва замонавий компьютерлар орқали ўрнатиладиган алоқаларнинг кенг тус олиши, шу билан бир қаторда, коммуникацион технологияларнинг

глобаллашуви, очик ахборот жамиятлари сонининг ортиб бориши ва бошқалар.

Инсон омили. Дунё миқёсида саводхонлик даражасининг ошиши, жамият бўғинларида, илм-фан ва таълимни такомиллаштириш, яъни инсон ҳуқуқлари тенглигини таъминлаган ҳолда барча учун имконият ва эркинлик бериш заруратининг англаб етилиши. Инсонпарварлик, тенгҳуқуқлилик ғоялари, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиладиган ўзаро ҳурматга асосланган халқаро муносабатлар ва журналистиканинг шаклланиши ҳамда кенг тарқалиши.

Юқоридаги барча шартлар дунёда бўлаётган ижтимоий ҳодисаларга нисбатан фаол кузатувчи ва шарҳловчи вазифасини юклаган ҳолда Осиё мамлакатлари журналистикасининг қанчалик аҳамиятли соҳа эканини кўрсатади.

Халқаро журналистика замонавий босқичда трансмиллий технологик тизим ва эркин бозор иқтисодиёти асосида давлат ва жамият кишилари ҳаётининг фаолиятини типиклаштирувчи, стандартлаштирувчи давлатлар ҳамда минтақалараро жараёнларга борган сари кўпроқ эътиборни жалб этади.

“Хорижий журналистика”, “Халқаро журналистика” ва “Жаҳон журналистикаси” атамаларининг ҳар бири ўзига хос баҳо, маъно ва йўналишларга эга бўлиши билан бирга, умуман олганда бир тушунчани ифодалайди. Шу асосда хорижий журналистика минтақавий журналистика (Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон), МДҲ давлатлари журналистикаси (Украина, Озарбайжон, Россия), шунингдек, Европа ва Америка мамлакатлари журналистикаси кабиларни ўз ичига олади.

Жаҳон журналистикаси (“жаҳон адабиёти”, “дунё санъати” иборалари сингари) биринчи навбатда журналистик фаолиятнинг бой анъана ва тажрибасига эга бўлган иқтисодий ва технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар журналистикасини ўзида ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодиёт, техника, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш соҳаларидаги тараққиёт даражаси коммуникация воситаларининг техник-полиграфик асоси билан узвий боғланган сиёсий эркинлик, ижтимоий ҳаётдаги тармоқланиш, кўппартиявийлик, ўз навбатида, матбуот нашрларини ахборот эшиттирувчи хизматларнинг хилма-хиллиги ва турли характерга эга бўлиши учун йўл очади. Яна бир мақсад журналистика соҳасига қизиқувчиларни Марказий Осиё мамлакатларининг журналистика

соҳасида кенг тараққий этган ОАВ фаолияти, ўзига хос услуги, тамойиллари билан таништиришдир.

Замонавий Ғарб ва Шарқ мамлакатлари журналистикасини таҳлил қилишнинг асосий мезони ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий, илмий-назарий жиҳатдан тараққиёт даражасини ўрганишдан иборат.

Миллий-маданий ўзига хосликлар, менталитет ва ахлоқий-тарбиявий меъёрлар, анъаналар, масалан, Шарқ минтақасига оид характерлари ҳам журналистиканинг ўзига хослигини, унинг асарлари характерини ифодалаб беради.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган:

- Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ОАВ глобаллашувининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Ғарб ва Шарқ мамлакатлари журналистикаси тамойилларининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш;
- Замонавий Ғарб ва Шарқ мамлакатларида анъанавий ОАВ ривожланиш қонуниятларини кузатиш;
- Шарқ мамлакатлари журналистикасида замонавий (рақамли) технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти нимадан иборат эканлигини ўрганиш;
- замонавий оммавий коммуникация шакллариининг ривожланиб бориши, янги имкониятларнинг пайдо бўлиб бораётганилигини тушуниб етиш;
- Интернет тизимининг кенг ахборот макони сифатида фаолият юритишини тадқиқ этиш ва бошқа.

Журналистика соҳасида миллий ва жаҳон журналистикаси тажрибалари, жумладан, босма нашрлар ҳамда аудиовизуал журналистикада кузатилган ижобий, танқидий мисолларга, оммавий комму-никациянинг турли шаклларида Марказий Осиё журналистикасининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва Марказий Осиё мамлакатларида замонавий журналистика тизимининг ривожланиш жараёнини кузатишдан иборат.

Бугунги кунда ушбу фанни Халқаро журналистика факультетида ўқитиш анъанавий маъруза ва интерактив мулоқот, слайд орқали ҳар бир давлат ОАВлари аудиторияда кўргазмалар шаклида ташкил этилиши зарур. Талабалар керакли адабиётлар билан таништирилади, кўргазмали воситалардан фойдаланилади, оммавий ахборот воситаларидан тўпланган мисоллар талабалар иштирокида таҳлил

қилинади, хулосалар чиқарилади. Талабаларда қиёсий таҳлил кўникмаси шакллантирилади, эркин фикрлаш ва муҳокамага қўйиш, уни асослаш кўникмаси ривожлантирилади. Шу билан бирга талабаларга журналистикага оид бўлган таянч сўзлар эслатиб борилади: Журналистика, аудиовизуал коммуникация, ҳуқуқий коммуникация, глобаллашув ва концепциялашув, менталитет, кабелли телевидение, рақамли телевидение, мобиль телефонлар, интернет, каллиграфик ҳарфлар, агентлик, интернет журналистикаси, миллий қадрият, демократия, масъулият, миллий идрок характери, энг машҳур ва оммабоп кундалик газеталар, диалектлар ва бошқа – сиёсий луғатлар жамланмаси.

Ғарб ва шарқ журналистикасининг ривожланиш тамойиллари

РЕЖА

1. Ғарб ва шарқда журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
2. Энг сўнгги техникага эга бўлган телевидение ва радиостанциялар, газета ва журналлар
3. Интернет тармоғининг шаклланиб бориши
4. ОАВ глобаллашуви ва концентрациялашуви

Шарқ мамлакатлари тарихи ниҳоятда бой ва у бир умр сақланиши шарт, бунинг учун улар технологияларини ривожлантириши зарур. Чунки ОАВлари катта ҳажмда технологиялар меҳнати ва ривожланган илмни талаб қилади. Қачонки технология ривожланган бўлса конвейерлар ишга тушса ривожланиш жадаллашди.

Ахборот технологиялари мустақил равишда ривожланса, ушбу мамлакат бошқа мамлакатларга қарам бўлмайди.

Бугунги кунда Замонавий Ғарб ва Шарқ мамлакатлари журналистикаси жуда тезликда ривожланиб бормоқда ва у бошқа мамлакатлар тараққиёти жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳозирги кунда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари журналистикасини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

Тамойиллар:

1. Энг сўнгги техникага эга бўлган телевидение ва радиостанциялар, газета ва журналлар, давлат ҳамда нодавлат шакллариининг турли-туманлиги, аудиториясининг кенгайиб бораётганлиги;
2. Интернет тармоғининг шаклланиб бориши, ОАВ ўртасидаги рақобатнинг кучайиб бораётгани.
3. ОАВ глобаллашуви ва концентрациялашувининг кучайиб бораётгани.

Дунёдаги журналистлар фаолияти ва журналистик ҳуқуқлар, сўз ва матбуот эркинлигини қонунан ва амалий таъминлаш борасидаги муаммолар давлат томонидан тадбиқ қилинаётган қонунлар асосида тадқиқ этилади. Улар қуйидагилар:

– Журналистиканинг тўртинчи ҳокимият мақомини олишига кўмаклашиш;

– Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ахборот олиш эркинлигининг конституциявий қонунлар билан қафолатланиши.

– Осиё мамлакатларида ОАВни хусусийлаштириш қонун билан белгиланганлиги.

– Ахборот глобаллашуви

– ОАВ ни давлат рўйхатидан ўтказиш масалалари.

– Осиё мамлакатлари ОАВ экспорти ва импорти.

– Журналистикага давлат аралашувидан сақланиш муаммоси.

– Барча саъйи ҳаракатлар, амаллар, анъаналар, тўй ва маъракаларни ўтказиш жараёнларида қатъий меъёр талабларига риоя қилишга ўрганиш, кичик оилавий тадбирларни маҳалла, ҳудуд, туман, бутун шаҳар миқёсидаги маросимларга айлантириб юбормаслик;

– Сўз ва иш бирлигига риоя қилиш, ваъдабозлик, ортиқча чираниш, мақтанчоқликка мойиллик сингари иллатларга қарши кураш олиб бориш ҳар бир нарса ҳодисани ўз номи билан айнан ифодалашга ўрганиш;

– Бутунлик фалсафасини турмуш тарзимиз, феъл атворимиз мазмун моҳиятига айлантириш, ёш авлод вакилларини баркамол шахс сифатида шакллантириш, фикри сўзига, сўзи амалига, амали манфаатларига айна мувофиқ бўлишига эришиш;

– Одамларда ўз феъл-атвори, саъй-ҳаракати ва интилишлари, маънавий ҳолатининг қиёси хусусида шахсий тафтиш малакасини шакллантириш, ўз устида доимий ишлаш, ўзидан қониқмаслик фазилатларини шакллантириш хусусиятларини таркиб топтириш.

XXI аср ахборот, тарғибот асридир. Зеро, бу даврда илғалмас даражада қудратли тарғибот кучлари демократик ривожланишни издан чиқарадиган халқлар ва миллатлар ўртасидаги таҳдидни кучайтириш имкониятига эга бўлган технологиялар кириб келмоқда. Ҳозирги кунда мазкур масала Осиё мамлакатларидаги энг хавфли кучлардан бири ҳисобланади.

Осиё мамлакатларида журналистиканинг ривожланиши ўзгача тарзда кечди. Европа матбуотининг тараққиёти у ердаги ишбилармонлик муҳитига боғлиқ ҳолда давом этган бўлса, Осиё ва Ўрта шарқ мамлакатларида ушбу жараён Фарбнинг аралашуви ҳамда мустамлакачилик сиёсати сабабли анча орқага сурилди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги, яъни мазкур давлатларда

халқнинг мустабид тузум шароитида турмуш кечириши, аҳолининг саводсизлиги ва бошқа қийинчиликлар даврий матбуот ривожига салбий таъсирини ўтказмай қолмади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Осиё ва Шарқ мамлакатларида матбуот мустамлакачилик кайфиятида эди. Газета ва журналлар асосан мустамлакачилар ҳамда ҳокимият органлари учун мўлжалланиб, метрополистлар тилида нашр этиларди. Шри Ланканинг “Гавернмент газетт” (1802), Ҳиндистоннинг “The Bengal Gurette” (1816), Сингапурнинг “Straits Timis” (1845), Бирманинг (Мьянма) Burma News International (EN), Burma Today – (only in Burmese), Burma Net News (EN) “Моулмейн кроникл” (1836) сингари инглиз нашрларида, Туркиянинг “Milli Gazetti” (1831), Жазоирнинг “Монитор альжерьен” (1832) каби француз тилидаги нашрларида фақатгина мустамлакачи маъмуриятнинг қарори ва фармойишлари чоп этиларди. Ушбу газеталар аслида мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватловчи восита вазифасини ўрнатди.

Газета ва журналларни нашр этишда метрополист раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишди. Филиппинда 1811 йилда нашрдан чиққан “Дель супериор говиерно” газетаси испан мустамлакасининг губернатори томонидан ташкил этилди. Цейлонда 1832 йили чиқа бошлаган “Коломбо джорнал” газетасида эса фақат Колумбияда туриб оролни бошқарган губернаторнинг мақолалари чоп қилинди. Шуни айтиш керакки, ўша пайтдаги газеталарда метрополист раҳбарларининг манфаатларигина ёритилиб борилган.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ғарб ва шарқда журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабаблари ҳақида нима биласиз?
2. Энг сўнгги техникага эга телевидение ва радиостанциялар фаолияти ҳақида манбалар келтиринг.
3. Шарқ давлатларида газета ва журналлар қачон юзага келган?
3. Интернет тармоғининг шаклланиб бориши, манбалардан мисоллар келтиринг.
4. ОАВ глобаллашуви ҳамда концентрациялашуви борасида фикрларингизни изоҳланг.

ЗАМОНАВИЙ ХИТОЙ ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Замонавий Хитой Журналистикаси

РЕЖА

- 1. Хитой матбуоти ҳақида умумий тушунча*
- 2. Хитой телевидениеси ва радиоси*
- 3. Хитойда чоп этиладиган газета ва журналлар*
- 4. Хитой ахборот агентликлари*
- 5. Хитойда интернет тармоқлари*
- 6. Хитой ОАВларининг ривожланиш истиқболлари*

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БАЙРОҒИ

Хитой Халқ Республикаси

Майдони: 9597 минг кв. км.

Аҳолиси: 1 млрд. 285 миллион киши (2014 й.).

Пойтахти: Пекин (тахм. 10 млн. киши)

Қисқача географик тавсиф: Жаҳоннинг энг қадимий ва йирик давлатларидан бири ҳисобланган ҳозирги Хитой 1949 йилнинг 1 октябрида ташкил топган. Майдонининг катталиги бўйича жаҳонда учинчи ўринда туради. Хитойни кўп миллатли мамлакатлар қаторига киритиш мумкин. Унда 60 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари яшайди. Бироқ аҳолисининг 90% дан кўпроғини хитойлик ханлар ташкил қилишини эътиборга олсак, Хитойни шартли равишда бир миллатли давлат деб баҳолаш мумкин. Ҳозирги вақтда жаҳон аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғи Хитойда яшамоқда.

Матбуоти: Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши янги типдаги Хитой журналистикаси ҳамда ОАВ тизимининг бир бутун

ҳолича қайтадан шаклланишига замин ҳозирлади. Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ижтимоий-сиёсий шаклланиш биринчи навбатда, “давлат манфаатларини шахсий манфаатларга мувофиқлаштириш” сиёсатининг юзага келишига ҳамда бу пиروвардида давлат ва хусусий матбуот нашрлари, радио ва телеканалларнинг ташкил этилишига турткидир.

XX асрнинг биринчи ярмида Хитой матбуоти оғир иқтисодий шароитни ўтказди. Мамлакат халқи оғир иқтисодий, сиёсий вазиятларни бошидан кечирди. Бу ҳол бошқа соҳалар қатори, матбуот равнақида ҳам ўз оқибатини намоён қилди. Бироқ тараққийпарвар халқ ҳар қандай шароитда юксалиш сари йўл топади. Бу ҳолни айнан Хитой матбуоти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатда коммунистик партия ҳукмрон эканлиги маълум. Чоп этиладиган нашрларнинг аксарияти ўша мафкурага хизмат қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Хитой матбуотининг халқаро журналистика майдонида салмоқли ўрни бор.

1946 йил 15 майда Ханьдан шаҳрида матбуотнинг етакчи нашрларидан бири “Renmin ribao” (Женмин Жибао) газетасига асос солинган. 1948 йил июнидан бошлаб газетани Шицзянчжуане шаҳар босмахонасида, янги каллиграфик ҳарфларда нашр этиш йўлга қўйилди. 1949 йил 2 февралда газета таҳририяти пойтахт шаҳар-Пекинга кўчирилди. Дастлаб газета тўрт, олти саҳифада 90 минг нусхада чикқан эди. 1955 йилда газета саккиз саҳифада чиқиб, адади 700 минг нусхадан ошди. 80 йилларга келиб, унинг нусхаси 5 миллиондан ошган. 1982 йилдан бошлаб инглиз тилидаги нашри Сан-Францискода 300 минг нусхада чоп этилди, 2012 йилдаги маълумотларга қараганда 3 000 000 нусхада чоп этилади ва 122 та мамлакатга тарқатилади.

“Вэнхуэй бао” (Маданият газетаси)га 1938 йилнинг январида Шанхайда асос солинган. Умуммиллий нашрнинг адади 1 млн. 300 мингдан ортиқ, шунинг тўртдан уч қисми Хитойнинг бошқа шаҳарлари ва шунингдек, хорижга ҳам тарқатилади. Газета АҚШ, Канада, Япония, Таиланд, Мексика ва бошқа баъзи мамлакатларда ўз мухбирларига эга. У ўз иловалари сони бўйича Хитойда биринчи ўринни эгаллайди, 13–14 га яқин иловалари нашрдан чиқади.

Энг машҳур газеталар қаторига “Гуангмин жибао” (Хитой демократик лигаси Марказий Қўмитасининг нашри, адади 1,5 млн.дан ортиқ), “Гунжэнь жибао” (ишчилар газетаси умумхитой касаба уюшмалари федерацияси ижроия Қўмитасининг нашри, адади 1,8 млн.

Нусха), “Чжунго цинян бао” (Хитой ёшлари газетаси, Пекинда ҳафтасига 3 марта 3,1 млн. нусхада чоп этилади) кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Замонавий Хитой газеталари, америкалик мутахассислар фикрича, мавқеи жиҳатидан АҚШнинг “Нью Йорк таймс”, “Вашингтон пост”, Англиянинг “Таймс”, Германиянинг “Вельт”, Франциянинг “Монд” газеталари билан тенглашган эди. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, мазмун-моҳиятига кўра газетанинг хитой тилидаги нашри билан инглиз тилидаги нашри ўртасида анчагина фарқ мавжуд.

1945-50 йилларда ташкил этилган зиёли Союзи тарғиботчиларининг “Шиши шоуцэ”, халқаро сиёсий мавзуларни ёритишга мўлжалланган “Шице чжиши”, умумхитой хотин-қизлар демократик федерациясининг “Синь-Чжунго Фунюй” журналлари ҳам анча оммалашиб кетди.

Муҳим ахборотлар билан миллий ОАВни таъминлашда “Синьхуа” ахборот агентлиги алоҳида аҳамиятга молик. 1950 йилларда бу агентликда 810 та ходим фаолият кўрсатиб, 1952 йилда улар сони 2 мингдан ошди. 1950 йиллардан бошлаб марказлашган давлатнинг ахборот агентлигига айлантирилган. “Синьхуа”нинг 28 та мухбирлар пункти бор эди. Унинг Нью-Дели, Прага, Москва, Берлин ва бошқа шаҳарларда ваколатхоналари фаолият кўрсатади.

Модомики халқаро сиёсий майдонда Хитой матбуоти салмокли ўрин тутар экан, унинг тараққиёт босқичларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Журналлар: Бугунги кунда Хитойда 305 хилдаги турли йўналишдаги журналлар нашр этилади ва улардан 106 таси умумдавлат нашрлари ҳисобланади. Нисбатан ёшларга мўлжалланган “Чжунго цинян” (“Хитой ёшлари”), умумхитой адабиёти ва санъати ходимлари ассоциациясининг “Жэнмин венхуэ” (Халқ маданияти) номли Пекинда 1 млн.дан ортиқ нусхада чоп этиладиган адабий-бадий журнал, умумхитой аёллар демократик федерациясининг “Синь Чжунго фунюй” (“Янги Хитой аёллари”) ва бошқа йирик ва эътиборли журналлар бир ойда бир марта чоп этилади. Кейинги йилларда газета нусхалари 21%, журналлар эса 28 % га ошди. Бу эса халқнинг янгиликларга бўлган эҳтиёжи ошганидан далолат беради.

Шарқ жавоҳири



Телевидение минораси 468 метрни ташкил этиб, архитектор Цзян Хуан Ченом томонидан ишлаб чиқилган ва 1991-1995 йилларда қуриб битказилган.

Радио ва телевидение. 2014 йил маълумотларига кўра Хитойда умумий 140 та радио эшиттириш компаниялари фаолият юритган. Эфир дастурлари турли диалектлар ва инглиз тилида ҳам узатилган. Кўпчилик радиостанциялар ахборот, мусиқа, йўл ҳаракати ходисалари, молиявий ҳамда қишлоқ хўжалигига

оид янгиликларни бериб боради. Сўнгги вақтларда радиостанциялар дастурларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлашни тарғиб этишга оид мақола ва хабарлар марказий ўринга чиққан.

Хитой ахборот тарқатиш корпорацияси. Марказий станцияси Тайпейда жойлашган, шунингдек у турли ҳудудларда 9 та маҳаллий станцияларга ҳам эга. Мазкур тармоқлар оммабоп мусиқа, миллий янгиликлар, саноат ва молиявий хизматлар, таълим билан бирга диний дастурларни узатишга катта эътибор қаратади.

Хитой Халқ Республикасининг миллий радиостанцияси – Марказий ахборот узатиш тизими Хитой **Мандарин** тили ва шунингдек, 7 та хитой диалектида турли тармоқларда ўз эшиттиришларини узатади.

Хитой халқаро радиоси ҳозирги вақтда 38 та хорижий ҳамда 4 та бирмунча катта таъсирга эга диалектларда, яъни умумий 43 тилда эшиттиришлар тайёрлаб, эфирга узатади.

Сўнгги йилларда мамлакатда жамоатчилик телевизион тизимининг шаклланиши, хусусий кабелли телевидениелари фаолиятига қонуналик рухсат этилиши ҳамда рақамли телевидениега нисбатан қизиқишнинг кучайиши мамлакат миқёсида телевидение соҳасида ўзига хос тараққиётга ва янги замонавий ахборот технологияларининг кириб келишига замин яратди.

Охири статистик маълумотларга кўра, давлатда 100 га яқин кабель тизимлари фаолият кўрсатади. Улар обуначиларга 70 та канал орқали ойлик миқдори 20 АҚШ долларидан кўп бўлмаган ҳақ эвазига янгиликлар дастурлари, миллий ва хорижий кинофильмлар,

мультифильмлар, диний, спорт, мусиқа ҳамда дам олиш дастурларини намоиш этиб боради. Бугунги кунда мамлакатда фаолият кўрсатаётган энг йирик TVBS-N, FTV news, The Power TV (PTV) янгиликлар канали, the Eastern TV каби каналларни мисол қилиш мумкин.

Ахборот агентликлари: Республикада иккита йирик ахборот агентликлари фаолият кўрсатади, “Синхуа” ва “Чжунго синвэньшэ”.

“Синхуа” нафақат мамлакатда, балки дунёда энг йирик ахборот агентликлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. “Синхуа”, Ўрта Шарқда, Осиё ва Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси ва Африка ҳудудларида ўз бошқармаларига эга бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларида 93 та бўлимлари фаолият юритади. Давлатнинг барча ҳудудларида мухбирлар пунктлари мавжуд бўлиб, у мамлакатдаги 150 дан ортиқ оммавий ахборот воситаларини зарурий ахборот билан таъминлайди. 120 дан ортиқ мамлакатлардаги 170 нафар обуначиларга инглиз, француз, испан ва хитой тилларида кундалик ахборотни етказиб беради.

Синхуа агентлиги: Ҳозиргача беш ахборот агентлиги – Ассошиэйтед Пресс, Юнайтед Пресс Интернэшнл, Рейтер, Франс Пресс ва ИТАР-ТАСС – умумжаҳон ахборот агентликлари деб ҳисобланиб келинган эди. XXI асрнинг бошида буларга “Синхуа” (“Янги”) агентлиги қўшилишга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, ҳар бир ахборот агентлигининг қуввати энг аввало, уни қўллайдиган сиёсий кучлар, молиявий имконият ва иш профессионаллиги билан белгиланади. Ушбу учликдан бирор бир шарт бажарилмаса, ахборот агентлиги умумжаҳон даражасига кўтарилиши амри маҳол. XX асрнинг иккинчи ярмида энг бақувват ахборот агентликлари сифатида мутахассислар томонидан юқорида қайд этилган тўртта давлатнинг бешта ахборот агентлиги эътироф этилган эди.

XX асрнинг 80-йилларида “Хитой ислоҳотларининг бош архитектору” Дэн Сяо Пин ғоялари асосида мамлакатда иқтисодий юксалиш бошланди. Ўттиз йил давомида ушбу давлат томонидан таъминланган ўсиш суръатларига бирор бир бошқа мамлакат эришолмади, чунки бу ерда ҳар йили миллий даромад ўрта ҳисобда 6-10% га етди. Хитой Халқ Республикасидек улкан мамлакат учун бу мисли кўрилмаган юксалиш. Мазкур ютуқларга миллий оммавий ахборот воситалари, жумладан, Синхуа ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Синхуа агентлиги 1931 йилда ташкил этилиб, 1937 йилгача “Қизил Хитой” деб номланди. 1949 йилда, Хитой коммунистик партияси давлат раҳбарлигига эришганидан сўнг, агентлик бош миллий ахборот манбаига айланди. Бугунги Синхуанинг шиори – янгиликларни узатишда ҳақиқат, холислик, бетарафлик ва тезкорлик. Агентлик юздан ортиқ мамлакатларда 170 дан ортиқ ўз бўлимларига эга.

Хитойнинг иқтисодий даромадлари кўпайиб боргани сари агентликнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда. Давлатнинг узоқ вақтдан бери дунёда энг катта аҳолига эгаллигига қарамасдан, XX асрнинг охирларигача, Ғарбий Европа мамлакатларининг миллий агентликлари дунё ахборот маконида Синхуадан кучли эди. Аммо XXI асрнинг бошида аҳвол аста-секин ўзгара бошлади. Энди Синхуа жаҳон ахборот ҳудудида олтинчи монополиячи бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Масалан, агентлик 2012 йилнинг 1 мартда “Ҳаракатчан Синхуа” (“Мобильный Синхуа”) деб номланган ва инглиз тилида янгиликлар тарқатадиган сервисни ишга туширган эди. Бу анъанавий ахборот агентлигини замонавий, глобал миқёсда маълумот етказадиган ахборот манбаига айлантириш учун жиддий тадбир бўлди. Бугунги кунда ушбу сервис маълумотларини хоҳлаган одам “App-store” магазинларида “Apple” ва “Anroid” дастурларида бепул олиши мумкин. Мазкур сервис томонидан кўрсатиладиган хизматлар доираси жуда кенг, буларнинг таркибида матнларнинг 30 дан ортиқ форматлари, фото, видеоматериаллар, электрон хатлар юбориш ва бошқа имкониятлар мавжуд.

2012 йил 6 июль куни Москвада иккинчи умумжаҳон медиа-саммит ўтказилди. Саммитда Синхуа бош директори Ли Цун Цзюнь “XXI асрда оммавий ахборот воситаларининг тарихий танловлари” деб номланган маърузасини эълон қилди. Маърузадаги икки масалани айниқса долзарб дейиш ўринли.

Биринчидан, Ли Цун Цзюнь таъкидлашича, ОАВнинг технологик ривожланиши даврнинг талабига айланиб, таҳририятлар учун ихтиёрий жараён бўлмай қолди. Бугун технологик юксалишга етарли даражада эътибор бермайдиган ОАВ ҳаётдан орқада қолиб кетмоқда. Шунинг учун Синхуа рақамли технологиялардан жадал равишда фойдаланмоқда. Маърузада ушбу фикрни тасдиқловчи бир қатор мисоллар келтирилган.

Иккинчидан, умумжаҳон медиа-саммит турли мамлакатларнинг ОАВ соҳасидаги сиёсатида ўз позицияларини бир-бирига яқинлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ташкилотга айланаяпти. Жумладан, Саммитнинг президиуми ва котибияти 2012 йил 28 июнда “ОАВ фаолияти билан боғлиқ интеллектуал мулкни ҳимоялаш тўғрисида”ги Конвенцияни қабул қилди ҳамда ушбу мавзуда дунёнинг турли мамлакатларида бир қатор анжуман ва семинарлар ўтказди. Маълумки, Хитой дунёда энг кўп муаллифлик ҳуқуқини бузаётган мамлакатдир. Бу ҳаракатни – шунга жавоб деб ҳисобланса, айни муддао.

2012 йилнинг 10 августида Гуйян шаҳрида (Гуйчжоу вилояти, жанубий-ғарбий Хитой) Осиё-Тинч Океани минтақасининг молиявий форуми очилди. Шу куни агентлик томонидан янги ишлаб чиқилган эксклюзив тизим тақдироти намойиш этилди. Бу дастур “Синхуа агентлиги қимматбаҳо қоғозлар ва жамғармавий бозорларининг ахборий таҳлил тизими” (**система агентства Синхуа по информационному анализу фондовых рынков и торговле ценными бумагами**) деб номланган эди. Маълумки, халқаро иқтисодий ва молиявий бозор – кўп бўғинли, кўп қиррали ва жуда мураккаб дунё, ҳар бир мамлакат ҳам унда бемалол фаолият юрита олмайди. Янги дастур – қимматбаҳо қоғозлар ва инвестицияларни тизимли равишда ишлаб чиқадиған платформадир. Мазкур ҳужжат ушбу фаолиятга бағишланган умумхитой дастурининг таркибий қисми сифатида юзага келди. Бунинг асосий мақсади – хорижий инвесторлар учун мамлакатдаги инвестицион муҳитни ўрганишга кўмаклашиш, истиқболли иқтисодий тармоқларни билиш, инвестицияларни қайси соҳаларга киритишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга ёрдам беришдир. Тақдирот вақтида айтилганидек, мазкур дастур ушбу типдаги дунёвий марраларга етишга мўлжалланган.

Бугунги кунда агентликда саккиз минг нафар одам ишлайди. Шулардан 6,4 мингга яқини – коммунистик партия аъзоларидир. Агентлик директори Ли Цунг Зюн – партия Марказий Қўмитасининг аъзоси. Иш фаолияти етита давлат тилида олиб борилади. Синхуа раҳбарлигида 40 йўналишдаги мавзули нашр чоп этилади. Бир кунда мингдан ортиқ маълумот ишлаб чиқилади ва тарқатилади. Ташкилот юборадиган ахборотларидан 300дан ортиқ радиостанция, 370 га яқин телестудия, 2200 газета ва 10000 га яқин даврий нашрлар узлуксиз фойдаланиб туради.

Миллий ОАВни ва бу соҳадаги сиёсатни мамлакат қўмфирқасининг тарғибот бўлими бошқаради. Мазкур бўлимнинг амалиёти бўйича кенг аҳолига етказиладиган хорижий ахборотларини “тозалаш”, филтрдан ўтказиш – кундалик амалиётга айланган. AP, UPI, CNN, BBC, World Service ва шу каби ахборот манбалари кўпроқ салбий маънода баҳоланади. Radio China International да малака оширган Шимолий Америка журналисти Фидел Кастрони диктатор деб айтгани учун ишдан бўшатишган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Синхуа ҳар томонлама Хитой давлатининг ойнаси, аксидир. Бу мамлакат юксалгани сари, Синхуа ҳам янги умумжаҳон ахборот монополиячисига айланиб бормоқда.

“Чжунго синьвэншэ” (“Хитой ахборот хизмати” қисқарган шакли “Чжунсиньшэ”) 1952 йилнинг 14 сентябрида Пекинда ташкил этилган. Ҳозирда Хитой ҳудудидаги юздан ортиқ ОАВ ҳамда хорижда яшаётган хитойликлар учун ахборот тарқатади.

Хитойда интернет ривожланиши: Хитойга интернет 1987 йил 20 сентябрда кириб келди. Профессор Цянь Тяньбай (кит. 钱天白) биринчи электрон хат матнини куйидаги мазмунда: «**Преодолевая Великую китайскую стену, чтобы соединиться с миром**» жўнатди. Кейинги йил Пекиндаги физика университети интернет орқали Европа ва Шимолий Америка билан юқори энергиядаги алоқани тиклади. Цинхуа университети тармоғи Британия, Колумбия Канада университетлари ўртасидаги баённомага асосан, 1993 йилда Физика институти спутникни AT&T юқори энергия орқали Stanford Linear Accelerator Center билан боғланиш учун ижарага олган.

2012 йил 2 ноябрдаги маълумотларга қараганда, 1994 йилда Хитойга интернет кириб келган, 2011 йил охирларида мамлакатда фойдаланувчилар сони 513 миллионга етди. Бугунги кунда эса уларнинг сони 61 392 012 нафарни ташкил этади¹.

1990 йил 28 ноябрда Домен тезда DDN-NIC.cn дан давлат учун рўйхатдан ўтган эди. InterNIC (инглиз тилида) 1993 йилда унинг DNS-сервери, юқори энергияли Физика институтига кўчирилган.

1995 йилда China Telecom компанияси икки канал орқали Sprintни ижарага олди. АҚШга интернет телефон линияси орқали боғловчи DDN тармоғи ташкил этилиб, 64 кб/с да Пекин ва Шанхайга

¹ <http://www.pcworld.in/news/chinas-internet-users-cross-500-million>

ўтказиш имкониятига эга бўлди. Кейин компания давлат backbone Chinanetни ташкил этишни бошлади.

Энг катта провайдерга эга бўлган China Telecom (48 % бозорда), China Unicom (16 %) ва China Mobile (11 %), уй интернет мобиль телефонларга уланиш WAP ва мобиль интернет, шунингдек, EDGE CDMA China Telecom тармоғи учун ўз хизматларини таклиф қилмоқда.

Интернетдан фойдаланиш: Хитойда 2014 йилга келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 338 миллионга етди. Статистик маълумотларга кўра мамлакатда ҳафтасига бир неча соат интернетга кирадиган 2 миллиард интернет фойдаланувчилари бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 129 миллион.

Хитойда мобиль телефонлардан интернетга кириш учун сифатли даражадаги хизмат кўрсатадиган Wireless фаолияти мавжудлиги туфайли 73.05 миллион яъни, барча интернетдан фойдаланувчиларнинг 28,9 % и интернетга мобил телефонлар орқали уланади.

Интернет тизими. Мамлакатда Интернет тизими бўйича энг йирик тўртта тўр(тармоқ) мавжуд. Булар CSTNet, ChinaNet, CERNET ва CHINAGBN. Айнан шу тармоқлар бутун мамлакатдаги барча интернет тизимларини қамраб олган. Жамоат учун Интернет хизмати бу тармоқларда турли телекоммуникациялар орқали амалга оширилади.

Фойдаланувчилар: CNNICнинг 2012 йил ўрталаридаги маълумотларига кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 54,9 %ини эркаклар, 51,2%ини эса 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Хитойда 2003 йилдан бошлаб Бутунхитой халқ интернет фойдаланувчилари йиғилиши ташкил этилган.

Интернет фойдаланувчилари учун хитой тилидаги турли қизиқарли маълумотлар тарқатадиган порталлар Sina.com ва Sohu хизматининг ҳақи бир дақиқаси Ўзбекистон валютасида 163 сўм ҳисобланади. Булар Хитойдаги интернет фойдаланувчилари орасида энг машҳурдир.

Интернет қидирув тизими. Кейинги уч йилда кенг фойдаланувчиларга эга бўлган Хитойдаги энг машҳур ўн та қидирув сайтлари фаолият юритади.

Улар қуйидагилар: (%)

Baidu 54,6

Google 17,7

Алибаба 8,7
Yahoo 7,9
Sohu 7,9
Tencent 2,8
SINA 0,7
ZHONGSOU. Com 0,6
Microsoft MSN 0,3
372.com 0,2

Интернет – реклама бозори: Ҳозирги кунда Хитойдаги интернет реклама бозори 3,3 миллиард юанга тенг. Бу кўрсаткич ундан олдинги ҳолатларга нисбатан 19,1 % га яхшиланганлигининг ифодасидир.

Интернет–реклама бозоридаги энг юқори кўрсаткичлар Baidu.com, Inc, Sina Corp ва Google каби порталларга тўғри келади. Айни пайтда Baidu портали CPA деб номланган янги савдо дастури тизимини йўлга қўйган бўлса, Sina Corp интеллектуал инвестиция рекламаси тизимини ишлаб чиққан. Интернет реклама бозоридаги нархлар унчалик қиммат эмас. Мутахассислар тахминига кўра, келажакда интернет-рекламаларининг асосини автомобиллар, кўчмас мулк ҳамда молиявий ҳамкорликлар ҳақидаги маълумотлар ташкил этиши эҳтимолга яқинроқ.

Онлайн энциклопедиялар. Хитой тилидаги онлайн энциклопедияларнинг энг машҳури ва энг кўп фойдаланиладиганлари қуйидаги интернет энциклопедиясидир:


Hudong, 3 миллион мақоладан иборат,

Baidu Baike 1,5 миллион мақоладан иборат манбаларни кузатиш мумкин.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

- 1.Хитой матбуоти ҳақида презентация қилинг.
- 2.Хитой телевидениеси ва радиоси қачон пайдо бўлган?
- 3.Хитойда газета ва журналлар ташкил этилган вақт?
- 4.Хитойда нечта ахборот агентликлари бор ва улар қандай номланади?
5. Хитойда интернет тармоқлари қачон кириб келди?
6. Хитой ОАВларининг ривожланиш истикболлари ҳақидаги фикрларингизни билдиринг.

ЗАМОНАВИЙ ЯПОНИЯ ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Япония байроғи

РЕЖА

1. Япония матбуоти ҳақида умумий тушунча
2. Япония телевидениеси ва радиоси
3. Японияда чоп этиладиган газета ва журналлар
4. Япония ахборот агентликлари
5. Японияда интернет тармоқлари
6. Япония ОАВларининг ривожланиш истиқболлари

Умумий майдони: 376 минг кв. км.

Тузилиши: унитар давлат бўлиб, 47 префектурага бўлинади.

Аҳолиси: 126 910 000 млн. киши (дунёда 8-ўринда). 99 % аҳоли япон миллатига мансуб.

Пойтахти: Токио (аҳолиси 9 млн. киши)

Япония ҳозирги кунда дунё миқёсида жуда кучли ривожланган мамлакатлардан бири. Япониянинг ўзига хослиги шундаки, у ўз ахборотларини жуда мулойимлик билан етказди. Дунё ахборотлашувида тутган ўрни мамлакатлар глобаллашувида ахборот технологияси ривожланганлиги билан белгиланади.

Сўз ва матбуот эркинлиги Япония конституциясида фундаментал (асосий) инсон ҳуқуқларидан бири сифатида кафолатланади. Япониядаги юксак саводхонлик даражаси, халқининг янгиликка ўчлиги, таъсирчан, руҳлантирувчи ахборотга нисбатан чанқоқлиги оммавий ахборот воситаларининг оммалашувини таъминлайди. Киши бошига тақсимлаганда, Япония газеталар адади бўйича энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, японияда одамлар бир кунлик вақтининг 44,1 дақиқасини газета, 24,8 дақиқасини китоб, 16,8 дақиқасини журнал ўқишга сарфлайди.

Шунингдек, аудиториянинг 55,5 фоизи билим ва кўникмаларини айнан матбуот ёрдамида бойитишни, 50,6 фоизи ўз бизнеси учун газеталардаги ахборотлар фойдали эканини эътироф этгани ҳам эътиборга молик. Японлар бошқа барча мамлакатлар халқларига қараганда вақтини кўпроқ телевизор кўришга сарфлашар экан.

Япония бугунги кунда дунё миқёсида жуда кучли ривожланган мамлакат бўлсада, ўз халқига инглиз тилининг сингиб кетишига хайрихоҳ эмас ва давлатдаги барча хужжатлар фақат япон тилида юритилади. Япония ўз ижтимоий келиб чиқишини бошқа давлатлар билан алмаштиришни хоҳламайди.

Матбуоти: Токио, Осака, Киота ва Нагасаки шаҳарларида мамлакат худудидаги янгиликларни тарқатувчи илк газеталар фаолияти 1868 йилдан бошланган. 1871 йилга келиб, дастлабки кундалик газета “Иокохама Маиничи Шинбун”га асос солинди. Шундан сўнг бошқа газеталар ҳам чиқа бошлади. Ҳозирги вақтда чоп этиладиган аксарият йирик кундалик газеталарнинг тарихи 1870 йилга бориб тақалади. 1945 йил 10 сентябрда “Сўз ва матбуот эркинлиги тўғрисида меморандум”, ўша йилнинг 19 сентябрида “Японияда чоп этиладиган газеталар тўғрисида”ги қонун (матбуот кодекси) қабул қилинди. Шундан сўнг, ҳукумат газеталар фаолиятига аралашмай қўйди. ЮНЕСКО томонидан чоп этиладиган йиллик маълумотлар тўпламида қайд этилишича, 1990 йилнинг бошида Японияда чоп этилган газеталарнинг адади Норвегия ва Гонконгдан кейинги учинчи ўринда туради.

Японияда бугунги кун газеталари телевизион тармоқлар, маданий ва бизнес ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладиган йирик матбуот концернларининг марказий аъзоларидир. 2013 йил май ойидаги маълумотларга кўра Японияда 122 номдаги кундалик газеталар 72,2 миллион нусхада чоп этилган бўлса, улардан 4 таси умуммиллий нашрлар – “Йомиури Шинбун” (14,4 млн), “Асахи Шинбун” (12,4 млн.), “Маиничи Шинбун” (5,6 млн.), “Нихон Кейзай Шинбун” (4,7 млн) нусхада чоп этилди. Эътиборлиси “Йомиури Шинбун”, “Асахи Шинбун”, “Маиничи Шинбун”, “Нихон Кейзай Шинбун” адади бўйича бутун япон нашрларининг 45,5 фоизига тўғри келади.

Бугунги кунда чоп этиладиган газеталарнинг 88,5 % и умумий характердаги, 11,5 % и спорт хабарларига ихтисослашган. Йирик сиёсий партиялар ҳам ўз кундалик нашрларини чоп этади. “Сарик” матбуот, саноат-махсус савдо нашрлари ва дам олишга мўлжалланган

янгилик нашрлари сотилмай қолиб кетаётган газеталарни ташкил қилади.

Бешта энг катта газеталар маҳаллий нашриётларда ҳам кўпайтириб чиқарилади ва ҳисобларга кўра умумий ададининг 50% и сотувга чиқади. Ададининг кўплиги бўйича куйидаги “Йомиури Шинбун”, “Асахи Шинбун”, “Маиничи Шинбун”, “Нихон Кейзай Шинбун”, “Санкей Шинбун” газеталар ажралиб туради.

1879 йилда Асока шаҳрида нашр юзини кўрган “Asahi Shinbun” газетасининг **айни вақтдаги адади 9120820 ни** ташкил этиб, бутун япония нашрлари орасида адади бўйича “Yomiuri Shinbun” дан кейинги 2-ўринда туради, “машҳурлиги” бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

“Asahi” аудиторияни жалб этиш мақсадида ўз нашрларига кўплаб ўзгаришлар киритди. Биринчи навбатда ҳажвий расмлар беришни жорий этган “Asahi Shinbun” дир. Жумладан, “Asahi” жаҳонда биринчи бўлиб, 20 дақиқа фарқ билан Токио ва Санноро шаҳарларида ўз сонини чоп этишга эришди. Бу шаҳарлар орасида минг километрлик масофа ётади. Кейинчалик бир вақтнинг ўзида турли шаҳарларда нашр қилиш усули дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам тарқалди. Бундан ташқари, “Asahi” илк бор автоматик саҳифалаш учун *Ordinateur* номли жиҳозлаш техникасини қўллаган.

Айнан, Японияда биринчи бўлиб газеталарни уйма-уй тарқатиш тажрибаси муваффақиятли амалга оширилди.

Замонавий япон журналистикаси тараққиётида аудитория ҳам, индикатор ҳам дитикатор вазифасини бажаради. Айнан, шу сабабли сўнгги йилларда аудитория билан ишлашга Япония оммавий ахборот воситалари алоҳида эътиборни қаратмоқда. Жумладан, PR, интерактив воситалар, социологик тадқиқотлар орқали ривожлантириб келинмоқда.

Online газетасининг ўзига хослиги ва унинг қулайликлари куйидагилардан иборат:

1. виртуал мулоқотнинг мавжудлиги;
2. дунё бўйлаб тарқалиши;
3. ахборот базасининг чексизлиги;
4. ҳеч қандай тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги;
5. керакли ахборотларнинг зарур пайтда қўл остида эканлиги;
6. ахборотнинг турли кўринишларда мавжудлиги (аудиовизуал, фото, матнли ахборотлар);
7. архивнинг мавжудлиги;
8. тезкорлиги;

9. қулайлиги;
10. дунёдаги давлатлар билан алоқага кириша олиш имкониятининг мавжудлиги;

Шу билан бирга **Online** салбий хусусиятларига ҳам эга. Булар:

1. ахборотни ҳимоялаш имкониятининг йўқлиги;
2. ахборотни қидириш руҳининг кучлилиги;
3. ахборот базасининг бир ёқлама экани;
4. газета ўқилгандаги иштиёқнинг йўқлиги;
5. компьютер орқали соғлиққа етадиган зарар;
6. аудиовизуал эффектнинг меъёридан ортиқ экани;

“**The Japan Jimes**” энг йирик газеталардан бири бўлиб, асосан чет элликлар бунга газетага алоҳида эътибор билан қарайдилар. Газета нафақат Япония ҳақида, балки, халқаро майдонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар хусусида ҳам тезкор ва холисона битилган материаллар тақдим этиши, етакчи ахборот агентликлари янгиликларидан самарали фойдаланиши “**The Japan Jimes**” обрўсининг мунтазам равишда ошиб боришига имкон яратиб келмоқда. Унинг фаолиятида ижобий хусусиятлар кўплаб топилади. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқот ва сўровнома натижаларига қараганда ҳар 1000 кишининг 576 нафари мунтазам равишда газета ўқиши маълум бўлди. Шу нисбат бўйича Буюк Британияда газетахонлар сони иккинчи поғонани эгаллайди. Германияда ҳар минг кишидан 330, Францияда 218, Америкада 212 ва Россияда 105 нафар киши доимий тарзда газета ўқир экан.

Япония газеталар ададининг кўплиги бўйича ҳам бошқа давлатларга қараганда анча илгарилаб кетган. Газеталарнинг деярли барчаси кунига икки марта чиқарилади.

Бугунги кунда “**The Japan Jimes**” обуначилари 9,5 млн.дан ошиб кетди. Тиражи эса 10-12 млн.ни ташкил этади. Бу чет элликларга мўлжалланган энг йирик газета ҳисобланади. Шу боис Японияда унга талаб жуда катта.

Япониянинг энг йирик бешта миллий газеталарининг 2012 йилги ададларига эътиборни қаратадиган бўлсак, бу қуйидагича кўриниш олади:

(Бирлик: минг нусха ҳисобида)

Манба: Япония газета нашриётчилари ва муҳаррирлар ассоциацияси.

Бу йирик газета таҳририятларининг барчаси ўз денгиз орти бюроларига эга ва баъзилари ҳозирда кундалик денгиз орти нашрларни чоп этишда фойдаланиладиган рақамли маълумотни

узатиш учун сунъий йўлдошли коммуникацияларни қўлламоқдалар. Кўпгина ҳудудий шаҳар ва шаҳарчалар маҳаллий янгиликларни тарқатиш учун ўз газеталарига эга.

Дастлаб, газеталар китоб дўконларида сотилган. 1903 йилдан “Хочи Шинбун” томонидан йўлга қўйилган тизим – уйга тарқатиш амалиёти тезда оммалашди. Бугунги кунда газеталарнинг 93% и мамлакат бўйлаб 480 минг хизматчи ишлайдаган 23 минг тарқатиш агентлари томонидан тўғридан-тўғри уй ва идораларга етказиб берилмоқда. Матбуот сотиш дўконлари савдоси 7 % дан кўп эмас. 1930 йилда Японияда яна бир тизим – тарқатувчи агентлик ҳам обуна қилиш билан шуғулланувчи ўзига хос тижорий фаолиятни биргаликда иш олиб бориш кенгайган ва ҳозир ҳам ўз таъсирига эга. Бу тизимлар Японияда газеталарнинг кўп адад билан чиқишини сақлаб турибди.

Японияда ҳафталик, икки ҳафталик, ойлик ва чораклик турли характерли журналлар нашр этилади. 1996 йилда 3,177 та ойлик ва 80 та ҳафталик журнал чоп этилган. Бундай журналларнинг умумий миқдори 5,12 миллиардга етган. Журналларнинг кўпчилиги йирик газета ва китоб нашриётлари томонидан, баъзилари журналларга ихтисослашган босмаҳоналар, яна **бошқалари эса мустақил ташкилотлар ёки манфаатдор гуруҳлар томонидан чоп этилмоқда.**

Ҳафталик журналлар даставвал газеталар нашриётлари томонидан нашр қилинар эди, лекин 1956 йилдан бошлаб китоб босмаҳоналари ҳам “Weekly Shincho” (ҳафталик шинчо)га асос солиш билан бу соҳага кириб келди.

Японияда инглиз тилида 4 та кундалик газеталар: Asahi Evening News, The Daily Yamiury, The Japan Times ва Mainichi Daily News чоп этилади. Айрим хориж газеталари Японияда ҳам ўз нашрларини чоп этади. Бошқалари денгиз ортидан ҳаво транспорти орқали юборилади ва уларни (урбан) марказий темир йўл ва метро станциялари яқинида жойлашган меҳмонхоналар, китоб ва матбуот дўконларидан топиш мумкин.

Кўп нусхада тарқатиладиган ҳафталик журналлар кундалик газеталар мундарижасига муқобил ахборот етказди. Улар таркибан gamut (ҳамма нарса)ни ўз ичига олади. Сиёсий можаролардан тортиб, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳақидаги ғийбатлар ва шов-шувли жинойий ҳодисаларгача барча янгиликларни қамрайди. “Guerrilla journalism” сифатида улар Конституцияда кафолатланган матбуот эркинлигини тез-тез талаб қилишади.

– **Cure** (яп. オフィシャル?) – Cure (журнал)

– **Gothic & Lolita Bible** (яп. ゴシック&ロリータバイブル – **Gothic & Lolita Bible** – чораклик, яъни уч ойда бир марта 100 000 нусхада нашр қилинадиган журнал.

– **Shoxx** (яп. ショックス *Сёккусу* – Shoxx маданий журнал.

– **Afternoon** (яп. アフタヌーン *Афутанун*) – ойлик журнал, **88\00дан** ортиқ давлатларга тарқатилади. Тиражи 110,417. Веб-сайти kc.kodansha.co.jp/magazine/index.php/13871_afternoon.co.jp.

“Бунгей Шинжу”, “Чуо Корон”, “Секай” каби умумий характердаги журналлар ва бошқа ойномалар 10 йилдан бери аҳолининг зиёли қатлами орасида алоҳида шуҳрат қозонди. “With and More” сингари аёллар учун мўлжалланган сўнгги фасон (мода)лардан сўз юритувчи журналлар ҳам кўп нусхада тарқатилади. Кейинги йилларда журналлар саҳифасида, чунончи коллекционерлар, спорт ишқибозлари ва шахсий компьютердан фойдаланувчиларнинг интилиши ва мафаатларидан келиб чиқиб ўз таркиблари, мавзундарижаларини анчайин чегаралаб олдилар, Хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатган журналлар ҳам янги худудларга етиб бормоқда, масалан, “News Week” (1986 йилдан бери) журналининг япон тилидаги наشري чоп этиб келинмоқда.

Ёшлар ва ўсмирлар орасида ҳажвий журналлар ниҳоятда оммалашган. Жумладан, “Манга”, яъни ҳажвий (карикатура) йўналишидаги журнал чоп этилади. Мамлакатда ҳажвий журналларнинг шунчалик катта бозори юзага келганки, умумий савдо ҳажми барча матбаа ишларининг 30% дан ортигини ташкил этади. Япон мангасига ихтисослашган журналистик асарларнинг катта миқдори чет тилларга ҳам таржима қилинмоқда ва кундан кунга бутун жаҳон бўйлаб тарқалмоқда.

Ҳар йили Япониядаги янги журналлар ўз акцияларини ўтказди, шунинг учун ҳам журналларнинг савдо бозоридаги ўзаро рақобати кучайиб бормоқда ва баъзи журналлар охир-оқибат ўз-ўзини таъминлай олмай қолмоқда. Биргина 1989 йилнинг ўзида 56 та журналлар фаолияти тўхтатилгани ҳолда, 112та янги журналлар нашр этила бошланган.

Радио ва телевидение. Японияда радио эшиттиришлар 1926 йилдан фаолият юрита бошлаган, бироқ Иккинчи жаҳон уруши охирларига қадар улар давлат томонидан бошқарилган. Жумладан, Nippon Hoso kyokai (NHK) Япония ахборот тарқатиш корпорацияси

(давлат томонидан монополлаштирилган эди) қошида фаолият юритган эди. 1950 йилдан бошлаб кучга кирган янги ахборот тарқатиш тўғрисидаги Қонуни НКнинг на давлат, на хусусий мулкка мансуб бўлмай, махсус корпорация сифатида қайта шакллантирилишига замин ҳозирлади. Хусусий компаниялардан фарқли равишда НК фаолияти ҳукумат томонидан таъқиқланган субъектдир. Дастурларни режалаштириш ва бошқа қарорлар Dietнинг тасдиғидан ўтган, сўнгра аъзолари бош вазир томонидан кўрсатилган бошқарув органи – Менежмент Комиссияси томонидан қабул қилинади. НК радио ва ТВсида тижорий рекламалар берилмайди. Тахминан 97 % фаолият даромадлари ойлик обуна ҳақларидан келади.

НК ТВси ўз тақдимотини 1950 йилнинг февраль ойида Токиода ўтказган. Ўша йилнинг августида Yomiuri Simbunнинг филиали бўлган биринчи тижорий ахборот узатиш маркази ўз ишини бошлаган эди.

Япония оммавий ахборот воситалари деярли икки асрлик тараққиёт босқичини босиб ўтди. Мазкур давр оралиғида ҳар бир оммавий ахборот воситасининг алоҳида ўзига хос тарзда ривожланганининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кунга қадар замонавий технологияларнинг жорий этилиши, жамиятнинг ўзгариши, такомиллашиши нафақат япон иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётига балки ОАВга ҳам бир қанча янгиликлар олиб кирди. Аммо, ҳар бир технологик янгиликнинг япон миллий руҳиятида амалиётга татбиқ этилишига катта эътибор қаратилди. Япон журналистикаси тажрибаси асосида биз аудитория билан ишлаш, мулоқот тизимини йўлга қўйиш ҳамда интернет орқали ахборот узатишнинг ўзига хос миллий усулини амалиётда қўллаш учун сабоқ олишимиз мумкин.

Animax .

Компания 1998 йил 29 майда ташкил топган Animax Broadcast JapanInc. (яп. 株式会社アニマックスブロードキャスト・ジャパン

Кубусики-гайся Анимаккусу Буро:докасутто Дзяпан?). биринчи кўрсатув 1 июнда эфир юзини кўрган. 2009 йилга келиб юқори частотали спутник платформа **SKY PerfecTV!** тармоғи ўз ишини бошлаган.

Fuji Television. Fuji Television Network, Inc. (яп. 株式会社フジテレビジョン кабусики-гайся Фудзи Тэрэбидзён)ТҮО: 4676 – япония телевизион тармоғи Одайбе, Минато, Токио, Японияда у Fuji TV (яп. フジテレビ Фудзи Тэрэби) каби машҳур ёки **СХ**. Бу асосий телестанция Fuji News Network (FNN) ва **Fuji Network System**

(яп. フジネットワーク) ёки **FNS**. Бу ҳам унга тегишли бўлган Nippon Broadcasting System, Inc.дир.

NHK

NHK, Эн-Эйч-Кей (яп. 日本放送協会 *Nippon Хо:со: Кё:кай*, Япония ахборот корпорацияси – япония ахборот телерадиокомпанияси. Бугуни кунда компанияга иккита кўрсатув телеканалли (NHK General TV) ва NHK Educational TV), учта спутникли (NHK BS – 1) (NHK BS –1, NHK BS – 2, яна NHK Hi – Vision) ва учта радиоэшиттиришлар канали (NHK Radio 1, NHK Radio 2 ва NHK FM). Хориж аудиторияси учун NHK иш олиб боради. NHK World, телеканаллар ичида NHK World TV, NHK World Premium ва қисқа шаклли тўлқинларда ва яна интернетда (22 та тилда, рус тилидан ташқари) фаолият олиб боради – NHK World Radio Japan .

NHK World – Япония умумий телеканалли BBC World News, DW France 24 ва RT, ушбу канал спутник орқали халқаро телеканалларга уланади.

NHK World эшиттириш дастурига тегишли **NHK** радиостанцияси *NHK World Radio Japan* ва яна телеканаллари *NHK World TV* и *NHK World Premium*. Катта хажмдаги дастурларни онлайн орқали ҳам узатиб боради.

Корпорация телевизион тармоғи Ниппон (яп. 日本テレビ放送網株式会社 *Nippon Тэрэби Хо:со:мо: Кабусики-гайся*) – япон телевизион тармоғи, Сёдомэ Токиода жойлашган. У ҳам Nihon TV ёки NTV каби машхурдир. Nippon Televisionнинг мақсади ахборот дастурлари, кино, спорт, кўнгилочар кўрсатувлари, мультфильмлар ва бошқа кўрсатувларини доимий равишда дунёга етказишдан иборат.

TBS TV ёки TBS Television (яп. TBSテレビ *Ти:би:эсу Тэрэби*) – япон ҳудудий телеканалли, Канто ҳудудида кўрсатувларини узатади.

Телеканал – **Tokyo Broadcasting System Television, Inc.га тегишлидир.** (яп. 株式会社TBSテレビ. қисқача **TBS**) номланади, – у ҳам ўз ўрнида умумий ҳолда холдинг компанияси Tokyo Broadcasting System Holdings, Inc.га тегишли.

Tochigi Television Co., Ltd. (яп. 株式会社とちぎテレビ *Кабусики –гайся Тотиги тэрэби*) – япон телекомпаниясига 14 май 1997 йилда асос солинган. Аббревиатура канала – учта лотинча харф

билан белгиланади. **GYT**, **TTV**, эмас биринчи қарашда кўзга кўринмайди. **TTV** бугунги кунда Tama TV^[ja].деб юритилади. – “**Tochitele**” (яп. とちテレ *Томитэрэ²*), **Tochigi** (яп. とちぎ *Томиги*) television (яп. テレビ *тэрэби*).

Tokyo Broadcasting System Holdings, Inc. (яп. 株式会社東京放送ホールディングス *кабусики-гайся бу хам: Хо:со: Хо:рудингусу*), **TBS Holdings, Inc.** ёки **TBSHD** дек Токио, Япония. – акционер компаниясидир.

Tokyo Broadcasting System Television, Inc. (яп. 株式会社TBSテレビ, қисқача **TBS**) ва радиосетда **TBS Radio & Communications, Inc.** (яп. 株式会社TBSラジオ&コミュニケーションズ) деб номланади

TBS Television, Inc. 28 та янгиликларни етказиб борувчи сет бўлиб **JNN** (*Japan News Network*) деб номланади, у хам 34 радиотармоқларни **JRN** (*Japan Radio Network*) етказиб берувчи шу каби *TBS Radio & Communications, Inc.* (**TBS** радио) билан биргаликда иш олиб боради.

TV Asahi Corporation (яп. 株式会社テレビ朝日 *кабусики гайсятэрэби асахи*), бу хам **EX, Tele-Asa** (яп. テレ朝 *тэрэ аса*) дек жуда машхур ёки **5 Channel** – телевизион тармоқдир унинг штаб-квартираси Токио, Японияда жойлашган блогида манбаларни ўз номи билан ёзади, кичик ҳарфларда “tv asahi”. Компания яна All-Nippon News Network ташкилотига қарашлидир.

TV TOKYO Corporation (яп. 株式会社テレビ東京 *кабусики-гайся тэрэби бу хам ўз ўрнида:ТҮО: 9411*) – японя телекомпанияси ҳисобланади ва бош офиси Токиода жойлашган. У хам **Teletv** (яп. テレ東 *Тэрэто:*) каби жуда машхур ёки **ТВ Токио** каби телеканал тармоғи TXN (en:TXN). Асосий ҳомийси – Нихон Кэйдзай Симбун дир.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Япония матбуоти ҳақида презентация қилинг
2. Япония телевидениеси ва радиоси қачон пайдо бўлган?
3. Японияда газета ва журналлар ташкил этилган вақт?

4. Японияда нечта ахборот агентликлари бор ва улар қандай номланади?
5. Японияда интернет тармоқлари қачон кириб келди?
6. Япония ОАВларининг ривожланиши истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни билдиринг.

ЗАМОНАВИЙ ҲИНДИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Ҳиндистон байроғи

РЕЖА

- 1. Замонавий Ҳиндистон матбуоти ҳақида умумий тушунча*
- 2. Ҳиндистон телевидениеси ва радиоси*
- 3. Ҳиндистонда чоп этиладиган газета ва журналлар*
- 4. Ҳиндистон ахборот агентликлари*
- 5. Ҳиндистонда интернет тармоқлари*
- 6. Ҳиндистон ОАВларининг ривожланиш истиқболлари*

Майдони: 3,3 млн. кв. км. Сиёсий-худудий тузилишига кўра Ҳиндистон Федератив республика бўлиб, 25 штат ва 7 та иттифоқдош худудни ўз ичига олади.

Аҳолиси: 1 млрд. кишидан зиёд.

Пойтахти: Деҳли

Ҳиндистон Республикаси (ҳинди, *Bhārat Gaṇarājya* IAST, инглиз. Republic of India) – Жанубий Осиё давлати, майдони бўйича дунёда еттинчи, аҳолисининг сони бўйича иккинчи ўринда туради. Ҳиндистон Покистон, Хитой, Непал ва Бутан, шарқда Бангладеш ва Мянма, ғарбда Шри-Ланка, Индонезия, хусусан, Жамму ва Кашмир штатлари Афғонистон билан чегарадош. Ҳиндистон қадимий бой маданиятга эга. Ҳиндистонда индуизм, буддизм, сикхизм ва джайнизм каби динлар раванқ топган. Милодий биринчи минг йилликларда Ҳиндистондаги жуда катта худудга субконтинент кириб келдики, зороастризм, христианлик ва мусулмон динларининг турли туман маданиятлари эгаллади. 1947 йилда мамлакат мустақилликка эришди. Мамлакат Иқтисодиётда, ҳарбий ривожланишда катта муваффақиятга

эришди. XX асрда Ҳиндистон иқтисодиёти дунёдаги тез ривожланувчи мамлакатлардан бирига айланди.



Матбуоти. Вақтли матбуот нашрлари сонининг ўсиб бориши бўйича Ҳиндистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Чунончи, ўтган асрнинг охириги йилларида газета ва журналларнинг сони 46 655 тани ташкил қилиб, ҳозирда, қисқа вақт ичида улар **5,34 фоизга кўпайган.**

Ҳиндистон матбуоти кўп тиллиликка хос. Мамлакат ҳудудидаги матбуот нашрлари 90 дан зиёдроқ тилларда чоп этилади. Кундалик нашрларнинг энг кўпи 14 млн. нусха ҳинд тилида, 10 млн. нусха инглиз тилида, 2848 таси урду тилида чиқади. Кундалик газеталар кашмир тилидан ташқари Ҳиндистоннинг қарийб барча тиллари (диалектлари)да нашр қилинади. Вақтли матбуот мамлакатнинг барча штат ва ҳудудларида чоп этиб тарқатилади. Жуда катта миқдорда чоп этиладиган тижорий нашрларга 4 та энг йирик газета компаниялари: “The Times of India”, “Indian Express”, “The Hindustan Times” ва “Ананда базар патрикес” бошчилик қилади. Кундалик газеталар чиқариш бўйича Уттар Прадеш штати етакчилик қилади². XXI асрнинг дастлабки йилларида Ҳинд газеталарининг умумий адади 12 миллиардни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу сон бир неча баробарга ортди.

Мамлакатда ҳозирга қадар ОАВ орасида матбуот ўз етакчилигини қўлдан бермай келмоқда. Матбуот нашрларининг характери турлича бўлиб, улар ҳар хил ижтимоий, миллий, иқтисодий компаниялар билан бир қаторда айнан матбуот учун ихтисослашган йирик ташкилотлар муассислигида ҳам чиқади. Жумладан, “Indian Newspaper Society” (INS – “Ҳинд газеталари жамияти”) томонидан мамлакат миқёсида 733 та вақтли матбуот нашри чоп этилади. Улардан 338 та кундалик, 105 та ҳафталик, 56 таси ҳафтада 2 марта, 54 та ойлик ва яна бошқа турдаги нашрлар. Унинг газеталари орасида энг йириги ва машҳури “Indian Today” (“Бугунги Ҳиндистон”) 410,055 ададга эга.

Мамлакатда муайян бир соҳага ихтисослашган нашрлар ҳам ўзига хос мавқега эга бўлиб бормоқда. Бундай турдаги нашрлар

² Круглов Е.В. Индустрия информационных технологий Индии. Ст. в сб. «Зарубежная журналистика в 2003 г.», М., 2004.

сирасига электрон ОАВ, хусусан телекоммуникация соҳасига ихтисослашган “Импоймент ньюс ва Кормошекстра”, “Ел”, “Космополитен”, “Фемина” ва бошқа аёллар журналлари, шунингдек, кино оламига бағишланган “Стандарт”, “Дуния” кабиларни киритиш мумкин.

Ҳиндистондаги энг йирик матбуот нашрларига қуйидагиларни киритиш мумкин (ададлар 2011 йил маълумоти):

“Молянан Монашара” – 811.639 нусха

“Гужарот Самачар” – 680.517 нусха

“Сандин” – 537.083 нусха

“Ҳинду” – 536.438 нусха.

“Ананда Базар Патрике” – 503.604 нусха

Ҳиндистонда нашрларнинг кўпчилик қисми хусусий мулкка қарашлидир. Рўзнома компанияларининг тўртта жуда йирик гуруҳи мавжуд:

Таймс оф Индия” 1838 йил 3 ноябрдан чоп этила бошлаган, инглиз тилида Деҳли шаҳрида нашр қилинади. – 3 146 000 нусха (ададлар 2014 йил маълумоти) газета Ҳиндистоннинг энг йирик медиа гуруҳи “Bennett Coleman CO Ltd” томонидан нашр этилади. “The Times of India” таркибан доим мақтовга лойиқ бўлган. Лекин шундай пайтлар бўлганки, газета сариқ матбуот элементларига кўп аҳамият берганликда, журналистик маҳоратнинг етишмаслигида, ўзига ҳомийлик қиладиган“ компаниясини кўп реклама қилганликда айбланган. Ҳозирги кунда бу газета ҳар куни 2,6 млн нусхада чоп этилиб сотилади. Мазкур газета Ашок Жайн хонадони томонидан назорат қилинмоқда. “Times of India” гуруҳига турли тилларда чоп этиладиган 16 та йирик кўп нусхали нашр қарашлидир.



“Санди Таймс” – 1090453 нусхада (The Hindustan Times) – инглиз тилида чоп этиладиган кундалик газета Нью-Деҳли, Калькутта, Ранчи, Чандигар, Бхопал ва Джайпурда чиқади ва энг катта – 8047.346 нусха ададга эга. **Бирла** бойларининг хонадони (Семья Бирла)³ томонидан назорат қилинади.

Бу гуруҳга 10 та нашр қарайди.

³ Сайт: <http://www.hindustantimes.com/>

3. **“The Indian Express”** – Ромнатх Гоэнкий хонадони томонидан назорат қилинади, бу гуруҳга 11 та нашр қарашлидир.

4. **“Ананд базар патрика”** Ашок Сэркар хонадони томонидан назорат қилинади. Бу гуруҳга 10 та нашр қарашли.

IRS (хинд ўқув хизмати) томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2011 йилнинг энг машҳур нашрлари:

1. “Airya” (маратҳи тилида чиқади).
2. “ Dainir bhaskar” (хинд тилида 22,5 млн ўқувчиси бор).
3. “Malayala Manorama” (малаялам тилида).
4. “Dainik Jagran” (хинд тилида 19,2 млн. ўқувчиси бор).
5. “ The Times of India” (инглиз тилида 7,05 млн. ўқувчиси бор).
6. “Amar Ujala” (хинд тилида)
7. “Anandfazar patrika” (бенгал тилида).
8. “Eenadu”(телугу тилида)
9. “Grihshobha”, “Lormat” (хинд тилида)
10. “India Today” (ҳафталик хинд тилидаги нашри машҳурроқ)
11. “Sambhaav”, “Gujarat Samachar” (гужарат тилида)
12. “Daily Thanthi” (тамил тилида).

Ҳиндистон газеталари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу эса ўқувчининг эътиборини жалб этади. Нашрлар жуда арзон, масалан, “The Times of India” 1,5 рупий туради, бу бизнинг 35 сўмимизга тўғри келади. “The Hindustan Times” 2 рупий, “The Hindu” ҳам 2 рупий туради. Бу 50 сўм дегани. Газеталар барча даромадни рекламадан олади, нашрнинг қарийб 50% ини реклама ташкил этади. Яна бир фарқли жиҳати шундаки, аҳоли газетага обуна бўлмайди. Махсус нашр тарқатувчи ташкилотлар газета компаниялари билан бир йиллик шартнома тузади ва пул тўлайди. Ташкилот эса бу пулнинг маълум қисмини ўзида олиб қолиб, қолганини компанияга топширади. Гарчи Ҳиндистон Шарқ давлати бўлсада, газеталарининг услуби ва типи Ғарбникига яқин, яъни инглизлар услубига ўхшаб кетади. Умуман цензура йўқ.

Ҳиндистон ОАВ хоҳлаган пайтда давлат ёки ҳокимиятни қоралаши мумкин, давлат эса бунга салбий муносабат билдирмайди. Яна муҳим фарқлардан бири шуки, газеталар халқ ҳаёти, муаммолари билан шуғулланмайди, яъни матбуот халқ ва давлат ўртасида воситачи эмас. Матбуот ўз юртидаги ва жаҳондаги энг муҳим сўнгги янгиликларни, маълумотларни ёритиб боради. У фалон штатдаги очарчилик ёки бошқасидаги ишсизлик муаммоларини ёритиб, давлатдан ёрдам сўрамайди.

Мазкур муаммолар билан давлат шуғулланади, матбуотнинг вазифаси эса ҳинд халқини дунёдан хабардор қилиб туришдан иборат. Ҳинд халқи ўз журналистикасидан норозилик билдирмаган.

Бундан ташқари, Ҳиндистонда партиялар, юқори ташкилотлар ўз хусусий газетасига эга эмас, яъни нашрлар тармоқланмаган. Уларнинг фаолиятини ёритиш ҳам маҳаллий газеталар зиммасидадир.

Олимлар, зиёлилар бирор бир унвонга эришиши учун газетада ўнлаб илмий мақола чиқаришлари шарт эмас, улар китоб чиқаришади. Газеталарда эса таҳлилий, илмий мақолалар деярли йўқ.

Қизиқарли жиҳатларидан яна бири шуки, Ҳиндистонда журналистика факультетлари умуман йўқ. Махсус журналистика курслари бўлиб, бу ерда соҳага қобилияти бор шахслар ўқиб, ишга киришлари мумкин. Уларда журналистларга масъулият юкланмайди, маълум журналистик қонуниятларга бўйсунушмайди, жанр хусусиятларига эътибор беришмайди. Журналистнинг иши бирор штатда муҳим воқеа бўлдимиз, тезликда уни оммага етказиш, холисона ёритишдан иборат, улардан катта журналистик маҳорат талаб қилинмайди. Шунинг учундир, ҳинд халқи ўз газеталаридан тўлиқ қониқади ва ҳеч қачон танқид қилмайди. Масалан: “The Hindustan Times” газетаси 2006 йил 19 январ сони ва шу газетанинг илова сони “City” (“шаҳар”). Газета рангли ва сифатли. Биринчи бетида Ҳиндистон ва дунёдаги энг сўнгги ва муҳим янгиликлар берилган. Газетанинг шиори йўқ, биринчи бетидаёқ катта реклама жойлаштирилган. 2-3 саҳифалари “Metro” деб номланиб, Деҳли ҳаёти, хусусан криминал воқеалар келтирилган. 2-3 саҳифалар бошқа штатларда чиқади. Маҳаллий “The Hindustan Times” нашри турлича мазмунда берилади, яъни муайян штатнинг ички муҳим янгиликларига ўрин берилади. 4-5 саҳифаларда бир нечта ёднома ҳамда ҳинд тилида ёки инглиз тилида таъзияномалар чиқади. Бунга қўшимча равишда 3 та криминал воқеа ва бир нечта рекламалар берилади. 4 саҳифанинг бурчагида 3 кунлик об-ҳаво ҳамда авиасоҳат учун махсус харитада об-ҳаво ўзгариши бериб ўтилган. Газета 22-25 саҳифадан иборат бўлиб, Ҳиндистоннинг ҳаётида рўй бераётган хабарларнинг барчасини акс эттиради. “City” эса асосан кўнгилочар саҳифалардан иборат бўлиб, шоу-бизнес янгиликларига қизиқувчилар учун мўлжалланган ва шу билан бирга 2 та суратли реклама мода янгиликлари берилиб борилади. “Holiday” ва “Masala maar ke” филмлари ва сюжети ҳақида мақолалар ёритилади ҳамда фильмларнинг турли қизиқарли жойларидан ҳикоя қилинади. Шунингдек, турли кинозалларда

кўрсатилажак ҳинд ва Голливуд фильмлари анонслари берилган. Саҳифа ранго-ранг рекламалар билан безатилган. Бу газета 35 саҳифадан иборат. Ҳиндистон матбуоти турли хил газетхоннинг талабига жавоб бера олиш имкониятига эришган. “Hindustan Times” кундалик газетасининг ҳомийси бирла оиласи, Муассис HT Media Ltd, Бош муҳаррир Санджой Нараян, 1924 йилда ташкил этилган, сиёсатга доир, инглиз тилидаги газета, бош офис, 18-20 Kasturba Gandhi Marg, New Delhi 110001 India, адади: 1 143 000⁴.

“Hindustan Times” (HT) – Ҳиндистоннинг инглиз тилидаги кундалик газетаси, 1924 йилда асос солинган. Bhutan Times (Бутан янгиликлари) – Бутандаги илк хусусий газета, қиролликнинг иккинчи нашриёти Kuensel томонидан чиқарилади. Bhutan Times газетасининг биринчи сони 30 апрел 2006 йилда 32 та саҳифада чоп этилган. Мана шу сонда Бутаннинг шахзодаси Джигме Кхесар Намгъял Вангчукнинг интервьюси берилган. Бу газета Бутандаги эркин газеталардан бири, 2007 йил декабр ойидан ҳафталик, кейинчалик ҳафтада икки марта чиқа бошлаган.

The Hindu кундалик газета бўлиб, Kasturi & Sons Ltd. компаниясига тегишли. Таҳририяти The Hindu Group⁵, бош муҳаррири Нарасимхан Рам 1878 йил 20 сентябрда асос солинган. Инглиз тилида чоп этилади. Адади 1 453 405 нусха.

The Hindu очиқ веб-сайтга эга биринчи Ҳиндистон газетаси, 13 та шаҳарда чоп этилади – Бангалор, Ченнаи, Коимбатур, Дели, Хайдарабад, Кочи, Калькутта, Мадуро, Мангалор, Тируванантапурам, Тиручирапалли, Виджаява ва Вишакхапатнамда.

Калкутта шаҳрида кўп тарқатиладиган бенгал тилидаги газеталар Ananda bazar Patrika, Bartaman, Sangbad Pratidin, Jago Bangla, Aajkaal, Dainik Statesman, Ganashakti, инглиз тилидаги газеталар: Times of India, Hindustan Times, The Hindu, The Indian Express, The Statesman, The Telegraph ва Asian Age кундалик нуфузли газеталар The Economic Times, The Financial Express, Business Line ва Business Standard ҳисобланади.

The Hindu нинг адади 1,47 млн.ни ташкил қилади – инглиз тилидаги газеталар ичида “The Times of India”дан кейинги иккинчи ўринда туради. 2008 йилги тадқиқотларга кўра “The Hindu”



⁴ <http://www.hindustantimes.com/>

⁵ thehindu.com

ўқувчиларининг сони 5,2 млн.ни ташкил этади. 1995 йилдан газетанинг онлайн версияси пайдо бўлди.

Журналлар: Hindustan – журнали болалар учун мўлжалланган ойлик журнал, адади 30.000 нусхада чоп этилади.

Economic and Political Weekly ҳафталик журнали 1949 йилда асос солинган, журнал инглиз тилида чоп этилади. Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида жойлашган, журналда ўзининг илмий мақолалари билан қатнашиб турадиган сиёсий арбоблар Андре Гундер Франк, Сумантра Банерджи, Ашок Митра, Прабхат Патнаик, Парта Чатерджи, Биплаб Дасгупта, Амия Кумар Багчи, Виджай Прашад, Азад⁶ ва бошқалар.

Economic and Political Weekly⁷ журналида 1984 йилда асос солинган, инглиз тилида ойда икки марта чиқади. Бош муҳаррири Нарасимхан Рам. Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, илмий, кино ва санъат йўналишларидаги журнал.

India Today янгиликларни ёритиб борадиган ҳафталик журнал, 1975 йилда асос солинган, инглиз тилида Мумбай шаҳрида чоп этилади. Бугунги кунда унинг таркибида 13 турдаги журналлар, 3 радиостанция, 4 телеканал, 1 газета, Music Today номли мусиқа ёзиш студияси, китоб босмахонаси мавжуд. 1,1 млн. ададга эга журналнинг 5,62 млн.лик аудиторияга эга.

Бош муҳаррири Арун Пури. Журналнинг муассиси Living Media адади: 1100 000.

Outlook (журнали) 1995 йилдан чиқа бошлаган янгиликларни ёритиб боровчи ҳафталик журнал, инглиз тилида. Таҳририяти Нью-Дели шаҳрида жойлашган. Бош муҳаррири Кришна Прасад. Адади 1,5 млн.ни ташкил этади.

Бугунги кунда Ҳиндистонда 20 мингдан ортиқ нашрлар чоп этилади. Шуларнинг ичида китоб ва рисолалар 15 мингтани ташкил қилади. Майда нашрлари 74 %, ўртача нашрлари 24 %, катта нашрлари 2 % дан иборат.

Ҳиндистон давлат телекомпанияси – Doordarshan мамлакат ҳудудига қадар ёйилади. Иккита бепул телеканаллар бор. Хусусий каналлар инглиз, бенгал, ҳинд тилларида узатиладиган кабелли каналларда, спутникдан ва интернетдан ёзиб олинади. Ҳиндистонда илк телестанция 1959 йилнинг 15 сентябрда очилган. 1960-70

⁶ Круглов Е.В. Индийская пресса в 2008 – 2009 гг. // Ежегодник Зарубежная журналистика: 2008. – М., 2009.

⁷ Economic and Political Weekly.

йилларда Дехли ва Мумбай, 1974 йилга келиб Мадрас, Калькутта ва Канпурда телемарказлар бирин-кетин ишга тушди. Телевидение нодавлат ташкилот мақомини ола бошлади. 1976 йилнинг апрелидан давлат телевидениеси Умумҳиндистон радиосидан ажралиб чиқди ва “Дударшан” деб номлана бошлади. **140 та телемарказлари, узатиш станциялари ва спутник алоқаси мавжуд.** Телевидение таълим бериш ва ахборот тарқатиш воситаси сифатида ташкил этилган бўлса-да, томошабин йиллар ўтгани сари кўнгилочар дастурларни афзалроқ билмоқда. Оммавий коммуникация институти томонидан Дехли ва унга яқин туманларда бир неча йил аввал кўнгилочар дастурларни томоша қилган томошабинларнинг, 6,8% и ўқув дастурларини муҳим деб ҳисобласа, телеинформацияни биринчи ўринга қўймас эди. Бундай вазиятда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти учун телевидениеда самарали ва таъсирли усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

“Бир марталик” телефильмлар ҳинд кўрсатувлари амалиётида кам учрайди. Айниқса, “Биз барчамиз инсонмиз”, “Эҳ бу ҳаёт!”, “Мистер ёки Миссис”, “Оила” каби бошқа⁸ оилавий сериаллар машҳурдир.

Мамлакатдаги мавжуд оммавий саводсизликни камайтириш, юзага келиши мумкин бўлган ахборот тақчиллигининг олдини олиш мақсадида телевидение соҳасида жиддий ижобий ўзгаришларни амалга оширишга эришилди. Мазкур ўзгаришлар телевидение соҳасига давлат маблағи билан бирга хусусий сармояларни жалб этишни йўлга қўйиш ва пировард натижада янги техника ва кадрлар малакасини ошириш масалаларининг ҳал бўлгани билан изоҳланади. Ҳиндистон телевидениесидаги янги босқичда нодавлат ташкилот мақоми остида ўз фаолиятини бошлаган ИНСАТ тизимининг ташкил қилинишига йўл очиб берди.

Дастурларини мамлакат бўйлаб тарқалишида бир қатор жиддий тўсиқлар мавжуд. Булардан бири аҳолининг қарийб 70 % қишлоқ жойларида яшаши, кўпчилик қишлоқлар электрлаштирилмаган ёки электр таъминоти борасида ҳали жиддий мавжудлигидир.

Дастурларнинг учдан бир қисми дам олиш, 25 % маърифий, 20 % ахборот, қолгани ижтимоий ва бошқа масалаларга бағишланган⁹.

ТВда ахборотларга катта эътибор қаратилган. I каналда хорижда ва мамлакатда рўй бераётган воқеалар ва ҳодисалар ҳақидаги

⁸ Круглов Е.В. СМИ Индии//Зарубежная журналистика в 2002 г. – М., 2003.

⁹ Круглов Е.В. Индийская пресса в 2008 – 2009 гг.// Ежегодник Зарубежная журналистика: 2008. – М., 2009.

маълумотлар кунига икки марта “охирги янгиликлар” дастурида эфирга узатилиб борилади. 1965 йилда ҳинд телеэкрани нафақат ўқув, балки информацион хусусиятда эди. Кўрсатувлар хажми бир мунча ўсган. Ҳозирги йилларда “Осиё телеузатилиши” иттифокининг аъзосига айланиб, Дурдаршан ахборот кўрсатувларини бевосита Осиё ва Тинч океани мамлакатларидан эфирга узата бошлади.

“Янгиликлар ва қарашлар” номли беш дақиқалик матбуот шарҳи ҳам мавжуд. Маҳаллий телемарказлар, айрим ҳудудлар тилларида кўрсатувлар тайёрланади. Мунтазам эфирга чиқариладиган информацион дастурлардан ташқари, катта сондаги парламент дебатлари, турли хил ички сиёсий ҳаётга, сайловолди компанияларига, йирик сиёсий арбобларнинг ташрифига доир янгиликлар ҳам эфирга узатилади.

Телевидениедаги дастурнинг қанча вақт эфирга узатилиши ҳомийлар томонидан тўланадиган сумманинг маблағлаштирилишига боғлиқ (кўрсатувни эфирга узатиш учун аудитория қизиқишига боғлиқ ҳолда фирма олдиндан 50, 100 ёки 200 серияга пул тўлаган бўлса, қолган серияларни ҳам сифатли тасвирга тушириш ва эфирга узатиш учун маблағ беришни давом эттиришга мажбурдир. Буларнинг ҳаммаси кўп серияли ҳинд телемахсулотларининг умумий даражасида акс этади ва мутахассислар, газета шарҳловчилари ва албатта, томошабинларнинг адолатли кутиб олишларига сабаб бўлади).

Тижорат нуқтаи назаридан Дурдаршан учун хорижий сериалларни сотиб олиш ўзиникини ишлаб чиқаришдан кўра сезиларли даромадлидир, бу унга ўн маротаба арзон тушади. Бироқ хорижий телемахсулот экспортини кенгайтириш бир мунча хатарлидир. Телереклама кўрсатувлари кунига бир неча марта узатилади. Оммавий коммуникация институти томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, 36,6 % томошабин телерекламаларда янги товарлар ҳақидаги керакли маълумотларни кўриб эшитишга қизиқади холос, 26 % и реклама роликларини кўради.



Радиоси. Ҳиндистонда 48 тадан ортиқ радиостанциялар мавжуд, улар турли маҳаллий ҳудудлар шароитидан келиб чиқиб, ўша ҳудудлар учун нисбатан 80 дан ортиқ асосий диалектда ўз дастурларини узатади. Умумҳиндистон радиоси янгиликлар,

сухбатлар, қишлоқ аҳолиси учун махсус эшиттиришлар, мунозаралар, мусикий, адабий ҳамда болаларга бағишланган дастурлар билан мамлакатда машҳур. Калькутта, Бомбей, Мадрас ва Дехли каби марказий шаҳарларда бир қатор тижорий радиоканаллар ҳам фаолият кўрсатади, дастурларининг асосини реклама ҳамда хорижий аудиторияга мўлжалланган мавзулар ташкил этади.

Бутунҳиндистон радиоси. 1936 йилдан бери ҳукумат хизматида амал қилади. Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттиришлар вазирлиги (министрлиги) томонидан назорат қилинади. 84 та радиоси мавжуд, 38 тилда эшиттиришлар олиб борилади (16 та ҳинд ва 22 чет эл тилларида, шу жумладан, рус тилида). Радио кўпроқ ҳинд аҳолисига эмас, чет элга Ҳиндистон янгиликларини узатиш учун хизмат қилади. Ҳиндистоннинг барча радиолари миллий станция бўлиб, **Калкуттанинг АМ????** радио тўлкини ва шунингдек, 12-ҒМ радиостанция бундан мустасно бўлиб, улар умумҳиндистон радиоси



ҳисобланади.

“Radio Mirchy” (“қалампир”) ҒМ канали орқали ток-шоулар ташкил қилинади. Тингловчилар телефон ёрдамида боғланиб, табрик йўллашлари ёки ток-шоуларда қатнашишлари мумкин.

Ахборот агентликлари: 1947 йилда Ҳиндистон ўз мустақиллигига эришгач, умумҳиндистон ахборот агентлиги бўлган “Press Trust of India” (PTI – “Ҳиндистон ишонч матбуоти”) ташкил топди. Агентлик мамлакат ҳудуди ва хорижга ахборот тарқатувчи етакчи агентлик саналади. Миллий ОАВга сезиларли таъсир ўтказувчи энг йирик ахборот агентликлар — “Пресс траст ов Индия”, “Юнайтед ньюз ов Индия”, “Сентрал ньюз сервис” ва “Индия пресс эйдженси”дир.

Шунингдек, мамлакатда яна саккизта ахборот агентлиги фаолият юритади. Улар жумласига:

1. Умумҳиндистон ахборот агентлиги бўлган “Press Trust of India” (PTI – “Ҳиндистон ишонч матбуоти”);

2. Ҳинд тилида ахборот тарқатувчи “Ҳиндистан Самачар”;
3. Жаҳоннинг баъзи йирик агентликлари билан алоқадор “Самачар Бхарти”;
4. “Юнайтед Ньюс оф Индия” ахборот агентлиги киради.

Press Trust of India (PTI) билан бугунги кунда дунё бўйича 150 дан ортиқ вакиллик ҳужжатлари имзоланган.

1947 йилда Associated Press и Reutersнинг Ҳиндистон филиаллари ташкил топган. Улар Ҳиндистон ва Осиё давлатлари оммавий ахборот воситаларини янгиликлар билан таъминлаб туради. PTI штаб-квартираси Нью-Дехлида, вакилиги эса Бангкок, Пекин, Коломбо, Дубай, Исломобод, Куала-Лумпур, Москва, Нью-Йорк ва Вашингтонда жойлашган. Бош директор – Винит Кумар Джейн.

PTI 100 дан ортиқ ахборот агентликлари билан ахборот алмашади, булар: Associated Press, Agence France-Presse, ва Bloomberg. PTI нинг Ҳиндистондаги йирик обуначилари Times of India, Indian Express, Hindustan Times, All India Radio ва Doordarshan ва бошқалардир.

Press Trust of India Жанубий Осиёда ягона ахборот агентлиги бўлиб, унинг хусусий сунъий йўлдоши (спутники) бор.



Интернет тармоғи



Ҳинд компаниясининг сайти

Индия онлайн

film.on.org.ua – 518 × 750 – бошқа
размерларда

Интернет тармоғи Алоқа вазирлиги
назоратида бўлиб, маҳсулотни тезликда етказиш
воситаси сифатида компьютер технологиялари

ёрдамида унинг фаолият кўлами янада кенгайиб, такомиллашиб борди.

ОАВ кейинги иккинчи ўн йилликда марказдан телекоммуникациянинг асосий талаб доирасидаги зарурий ғоявий жиҳатдан барча тарқоқ ҳудудлар маданиятини юксалтириши сиёсий бошқарув, чунончи, ягона ҳудудда ахборотнинг чегарагача етиб бориши таъминланди. Яқинда рус политологи айтганидек, “Интернет бешинчи ҳокимиятга айланди”, айтиш мумкинки бошқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тўртинчи, ОАВ ва замонавий дунёда Интернет кейинги даражани эгаллади. Биринчи учта ҳокимиятни, кам ҳаракатланади, дейиш мумкин эмас, чунки улар ҳам давлат ҳокимиятидир¹⁰. Ҳиндистон ахборот технологиялари вазири Капил Сибал бир нечта катта интернет компаниялари бошқарув раҳбарларини чақирди. Жумладан Google, Yahoo, Конгресс партиялари ва ИНКнинг Соня Ганди, Бош вазир Манмохан Сингга қарши бўлган материалларига ўз норозилигини билдирди.

“Биз Соня Гандини кўришни истамаймиз”¹¹ номли сайт нафақат унинг италянча нашрлари, балки коррупциянинг қизғин жанглари ва Ҳиндистондаги охирги янгиликлар, раҳбарларга сатирик характер берувчи, Ҳиндистон Бош вазири ҳақида ҳам ортиқча ахборот берганликда айбланди. Агар интернет компаниялар ўз маҳсулотларини назоратга олмаса, Вазир цензурага йўл қўйилишини айтди. Ҳозирги кунда Ҳиндистонда интернет жуда ривожланди. Ҳатто шундай сайтлар борки, уйда ўтириб бемалол хоҳлаган таомни ёки кийим-кечакни, ҳаттоки уй савдосини ҳам бажариш мумкин. Интернет орқали хоҳлаган шахснинг автобиографияси билан танишиш ёки керакли китобни олиш, истаган тилда газета, журнал, кино каби телекоммуникация тармоғига уланиш, дўстлар билан алоқа ўрнатиш, билим олиш, расмларни кўриш, нусха олиш ва бошқа турли амалларни бажариш имконияти анча юқори.

¹⁰ Круглов Е.В. Индийская пресса в 2008 - 2009 гг.// Ежегодник Зарубежная журналистика: 2008.- М., 2009.

¹¹ Economic and Political Weekly

Катта шимолий қадамжо (Большое южноиндийское путешествие)



Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

- 1. Ҳиндистон матбуоти ҳақида презентация қилинг*
- 2. Ҳиндистон телевидениеси ва радиосиқачон пайдо бўлган?*
- 3. Ҳиндистонда газета ва журналлар ташкил этилган вақт?*
- 4. Ҳиндистонда нечта ахборот агентликлари бор ва улар қандай номланади?*
- 5. Ҳиндистонда интернет тармоқлари қачон кириб келди?*
- 6. Ҳиндистон ОАВларининг ривожланиши истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни билдиринг.*

ЗАМОНАВИЙ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

РЕЖА

- 1. Замонавий Араб мамлакатлари матбуоти ҳақида умумий тушунча*
- 2. Араб мамлакатлари телевидениеси ва радиоси*
- 3. Араб мамлакатларида чоп этиладиган газета ва журналлар*
- 4. Араб мамлакатлари ахборот агентликлари*
- 5. Араб мамлакатларида интернет тармоқлари*
- 6. Араб мамлакатлари ОАВларининг ривожланиши истиқболлари*

Майдони: 1 960 582 кв.км.

Аҳолиси: 27345986 киши

Пойтахти: Эр-Рияд

Араб мамлакатлари ичида Бирлашган Араб Амирлиги, Миср, Яман, Иордания ва Фаластин каби мамлакатларнинг матбуоти ўзининг бирмунча тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Бутун араб дунёсига кенг тарқалган газеталарга “Ал-Аҳрам”, “Аш-Шарқ ал-авсат” ва “Ал-қаят” каби нашрларни киритиш мумкин. Араб мамлакатлари ўзига хос имиджга эга. Шу боисдан уларнинг электрон версияларини ўқиш анча мушкуллик туғдиради.

Араб мамлакатлари ичида энг кекса матбуот Миср матбуоти ҳисобланади. Мамлакатда илк матбуот намунаси дастлаб Напалеон Бонапартнинг мамлакатга қилган ҳарбий экспедицияси даврида 1798 йилда француз тилида чоп этилган. Араб тилидаги дастлабки нашрлар эса Муҳаммад Али ҳукмронлиги даврида “Ал-Вақфия ал-Мисрийя” номи билан ҳукумат томонидан чиқарила бошланган. Мамлакатдаги энг йирик нашр “Ал-Аҳрам” номи билан чоп этилади. “Ал-Аҳрам” араб дунёсида нисбатан кўп йиллик тарихга эга бўлган ва нуфузли кундалик газета ҳисобланади. У ҳар куни 39-40 саҳифадан иборат 80 000 нусхада нашрдан чиқарилади. Айнан шу газетанинг оқшом сони “Ал-Аҳрам ал-масайй” номи билан 70-80 минг нусхада чиқади ва бутун араб дунёсига, шу жумладан, хорижда истиқомат қилувчи араблар учун ҳам тарқатилади.

Саудия Арабистонида айни вақтда 25 дан зиёд кундалик нашрлар чоп этилади. Шулардан энг йириги “Аш-Шарқ ал-авсат” газетаси

ҳисобланади ва мазкур нашр халқаро майдонда ҳам севиб мутолаа қилинади. Саудия Арабистонида “Муқаддас Қуръон” номли диний масалалар билан шуғулланувчи ташкилот мавжуд бўлиб, у мамлакатдаги нашрлар фаолиятининг ривожига хизмат қилади.

Миср матбуоти. Араб дунёсида энг қадимий ҳисобланади. Мамлакатда биринчи газета 1798 йил француз тилида Напалеон Бонапартнинг ҳарбий юришларилари даврида чоп этилган. Фақатгина 1828 йилга келиб маҳаллий ҳукмдорлардан Муҳаммад Али даврида биринчи ойлик газета араб тилида "الوقايه المصريه" “Алвақоятул-Мисрийту”, “Миср воқеалари” номи остида чиқарилган. Мазкур нашр сиёсий характерда бўлиб, ҳукумат манфаатларини кўзлар эди. Мамлакатдаги ижтимоий характерга эга нашрлар силсиласи “**النيل واذى**” “Водий ан-Нил” газетаси билан бошланади. Шундан кейин бу хилдаги турли-туман матбуот нашрлари пайдо бўла бошлади ҳамда XX аср бошларида уларнинг умумий сони 80 тага етди.

Ҳозирги вақтда Миср Араб Республикаси (МАР)да чоп этиладиган нашрлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар мавзусига кўра сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жамият тармоқларини қамраб оладиган 295 дан ортиқ газета ва журналларни ўз ичига олади.

Мамлакатдаги матбаа нашрлари учун кундалик тезкор ва долзарб мавзудаги хабарларни етказиб турувчи бир қатор йирик ахборот манбалари ҳам мавжуд. Улардан энг асосийси нафақат мамлакат худуди, балки бутун араб дунёсида энг йирик ва нуфузли ахборот манбаи ҳисобланган.

Асосан барча ахборотлар “МЕНА” (Middle is New) ахборот агентлигидан олинади. Унинг кўп мухбирлари Миср Араб Республикасининг турли ҳудудларида, 39 та хорижий мамлакатдаги бўлимларида фаолият олиб боради. Нашр ахборотларни ўзининг бевосита штатда ишлайдиган ва жамоатчи мухбирларидан олади.

Мамлакатнинг етакчи умуммиллий газета ва журналлари 8 та нашриёт уйи ва корпорациялар томонидан чиқарилади. Уларнинг ичида энг нуфузлиси ва йириги “Ал-Аҳром” корпорациясидир. Мазкур корпорация мамлакатнинг етакчи ташкилоти саналиб, унинг айна вақтдаги бошқарувчиси - Иброҳим Нофеъа. Корпорация ишланадиган асосий босма маҳсулотнинг ҳажми ниҳоятда катта бўлиб, улардан айримларига алоҳида тўхталамиз.

“Ал-Аҳром” газетасига 1875 йилда асос солинган. Бу нашр мамлакатнинг ва араб дунёсининг энг қадимги, нуфузли кундалик газетаси. Унинг ўртача ҳажми 32 - 40 саҳифани ташкил этади, 250-300

мингга яқин нусхада босмадан чиқади. Газета саҳифалари мавзу жиҳатидан ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, унда хусусан турли соҳалардаги ҳалқаро мавзуларни ёритиш асосий ўрин тутаети. У мамлакат ва хорижда ўзининг кўп сонли мухбирлар ҳамда реклама берувчи ташкилотлар тизимига эга.

“Ал-Аҳром” корпорацияси бошқарувчиси Иброҳим Нофеъа мазкур газетанинг бош муҳаррири ҳам саналади. У мамлакатнинг нуфузли журналистларидан биридир. Шунингдек, газетанинг ҳар бир сониде таҳлилий материаллари ва жума кундаги сониде махсус мақоласи билан қатнашади. У МАР ҳукумати йўналишини ҳаётга тадбиқ этади, газетада давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда учрайдиган айрим камчилик ва муаммоларни холис танқид қилиб боришга интилади. Ташқи сиёсатда бош муҳаррири Иброҳим Нофеъа Президент ва ҳукумат олиб бораётган сиёсат тарафдори ва айни вақтда у АҚШ ва Исроил сиёсатига нисбатан газеталар танқидий чиқишлар ҳам қилиб туради. Жума куни газетанинг ижтимоий-сиёсий иловаси бепул чиқади.

“Ал-Аҳром ад-дуваий” газетаси. Асосан Қоҳира нашри бўлиб, 24 саҳифали “дайжест” газетаси ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзиде хорижий мамлакатларда ҳам нашр этилиб, Сунъий йўлдоши алоқасининг уланишига қараб юборилади. Унда Америка, Европа ва Осиёда яшовчи араблар учун 150 000 табоқда босмадан чиқарилади.

Корпорациянинг халқаро майдондаги нуфузи ҳақида гап кетганда, унинг бу борадаги муваффақиятли фаолиятига ҳисса қўшаётган бир қатор чет тилларида чоп этиладиган матбуот нашрларини ҳам санаб ўтиш лозим. Жумладан, инглиз тилида чиқадиган “Ал-Аҳром ункли” газетаси “Ал-Аҳром” газетасининг инглиз тилидаги нусхаси ҳисобланади. Шунингдек, унда баъзи мақолалар, таҳлиллар таржима ҳолатида ва янгидан ёзилиб чоп этилади. Газетада ички ва ташқи сиёсатга доир рукнлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт, маданият ва спорт хабарларига кенг ўрин берилган. Тиражи 30000 га яқин. У МАР ва бошқа юртларда яшовчи чет эллик газетхонлар учун мўлжалланган. Бош муҳаррири – Хесни Гинди. “Ал-Аҳром эбдо” эса французча ҳафталик газетадир. 20 000 нусхада чиқадиган бу газета кўриниш жиҳатидан “Ал-Аҳром ункли”га ўхшаб кетади. Бош муҳаррири – Муҳаммад Салмау.

“Ал-Аҳбор” газетаси 1875 йилдан чоп этила бошланган. Тиражи 230-250 минг нусха. “Ал-Гумхурия” газетаси эса 1953 йилдан чоп этила бошланган, тиражи 80 000 нусха. Бундан ташқари, корпорация

томонидан турли-туман ихтисослашган ҳамда ижтимоий-сиёсий масалаларга оид маълумотларни ёритиб борадиган кўплаб нашрлар ҳам чиқарилади, хусусан, 16 саҳифали оқшомги асосий нашр саналган ва 70-80 минг нусхада чоп этиладиган “Ал-Аҳром ал-масай” газетаси.

Gulf News¹² 1978 йил 26 сентябрда ташкил топган кундалик газета Бош муҳаррири Абдулҳамид Ahmad. Штаб-квартираси Дубайда жойлашган, тиражи 117036 нусха.

Хафталик журналлар.

“Роз Ал Юсуф” журнали 1925 йилдан чоп этила бошлаган, тиражи 40 минг нусха. “Ал-Мусаввар” 1924 йилдан чоп этила бошлаган, тиражи 60 минг нусха. “Ахир Саа” 1934 йилдан чоп этила бошлаган, тиражи 60-70 минг нусха.

Шунингдек, корпорация томонидан бир қатор ойномалар ҳам чоп этилади. Улардан бири “Ал-Аҳром ал-иктисодий” журнали бўлиб, у корпорациянинг ҳафталик иқтисодий нашри саналади. Жами 76 саҳифа ҳажмида 30.000 нусхада босмадан чиқадиган бу журнал 1950 йилдан бери чоп этилади. Журналда хорижий мамлакатларнинг муаммоларига ҳам эътибор қаратилади. Яна бир йирик журнал “Ал-Аҳром ал – араби” бўлиб, унинг чиқа бошланганига кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, ахборот майдонида жуда тез эътибор қозонди. Ижтимоий – сиёсий характердаги мазкур ҳафталик нашрга 1997 йилда асос солинган. Унинг ёритадиган асосий мавзулар кўлами умумараб мамлакатлари муаммолари билан боғлангандир. Умумий ҳажми 100 саҳифани ташкил этадиган журнал 30.000 адад билан чиқади. Араб мамлакатларига тезроқ тарқатиш мақсадида уни 2002 йилдан бошлаб Қувайт босмаҳонасида нашр этиш йўлга қўйилди. Бош муҳаррири Усама Сарайядир. 45000 нусха чиқариладиган “Ал-Аҳрам ар-риёдийа” ҳафталик журнали яна бир ёрқин мисолдир.

Ойлик журналлар. “Ат-Талиа” 1965 йилдан чоп этила бошлаган, тиражи 10 минг нусха. “Ал Иштироки” 1965 йилдан чоп этила бошлаган, тиражи 20 минг нусха.

Мисрда матбуот радио ва телевидение қаторида ҳокимият сиёсатини бошқариш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда шакллантиришдаги энг муҳим воситалардан ҳисобланади. Вақтли матбуотда давлат томонидан белгиланган расмий цензура йўқ, бироқ унинг ўрнига ўз-ўзини назорат қилиш услуби амал қилади. Ҳар бир нашрнинг бош муҳаррири газета ва журналлар саҳифаларида чиқарилаётган ҳар бир ахборотнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун

¹² gulfnews.com

асосий жавобгар шахс ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида аксарият нашрлар ўз саҳифаларида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ характердаги материалларни кўпроқ ёритишига имкон беради. Бу борада яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Миср Халқ Кенгаши (Парламенти) юқори палатасига қарашли Матбуот кенгаши мамлакатда чиқариладиган умумий нашрлар ададининг 80 % ини ташкил қилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, энг йирик умуммиллий газета ва журнал давлат маслаҳатчилари мулки ҳисобланади. Бошқа нашрлар фаолиятини сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа муассис ташкилотлар ўз назоратлари остига олган.

Мисрда матбуот ташкилотларининг хусусий бошқарилишига қонунда рухсат этилган бўлса-да, амалда бундай ҳолат учрамайди. Матбуот Кенгашида махсус назорат органи ҳам мавжуд бўлиб, унинг таркиби ва фаолият доираси, вазифалари махсус қонунда белгилаб берилган. Кенгаш ўз таркибига Маслаҳат кенгаши раисларидан ташқари, бошқарув ва умуммиллий нашр бош муҳаррирлари, партиявий органлар матбуоти бош муҳаррири, журналистлар уюшмаси (синдикати) бошлиғи, давлат ахборот хизматлари бошқарувчилари ва МЕНА бош директори, матбуот нашрларни тарқатувчи йирик миллий компаниялар, давлат ва жамоат вакиллари, ҳуқуқшунослар ва бошқалар киради. Матбуот Кенгашининг махсус тавсиялари МАР Президентининг фармони билан чиқарилади. Қонунга кўра, бу орган кенг имкониятларга эга. Унинг рухсати билан кадрлар тайёрлаш, уларни ўзгартириш ҳамда босмаҳонани зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади. Мамлакатнинг ахборот вазирлиги ва ҳукуматнинг ўзаро келишуви асосида матбуот кенгаши мамлакат ҳудудида ОАВ фаолияти йўлга қўяди, мамлакатнинг моддий техника базасини ривожлантириш, журналистларни рағбатлантириш каби масалаларни ҳал этади.

Кенгаш журналистларга нисбатан ўзининг муайян таъсирини ўтказиб туришга интилади. Унинг мажбурияти матбуот тараққиёти учун зарурий шарт-шароитларни яратишдир. Кенгаш яна ўз мукофотлаш фонди ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаларига ҳам эга.

Таъкидлаш керакки, ҳукумат раҳбарлари матбуот нашрларига ўз таъсирларини ўтказишга интиладилар. Улар ОАВга қиммат ва эксклюзив имконият сифатида Президент ва Бош вазирнинг хорижга сафарлари, аҳолининг индивидуал шароитини яхшилаш, шахснинг

моддий таъминоти каби мавзуларда интервьюлар тайёрлашни тавсия этади.

Менталитет атамаси замирида элатларнинг руҳий ва ақлий ривожланишидаги ўзига хос, қатъий хусусиятларни тушунамиз. Бу хусусиятлар кўпинча ақлий жараёндан кўра ҳиссий, руҳий жараёнларда намоён бўлади ва ажабланарлиси, биологик тарзда бўлмасада авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Менталитет (баъзан уни миллий характер деб ҳам айтишади) жамиятда айрим сифат ва ақлий салоҳиятга эга бўлсада, доимо мавжуд. Миллатларнинг менталитетлари асрлар давомида ўзгармай яшайверади. Бу жараён эса даврлардаги тарихий ўхшашликлар, қайтарилишлар сабабини уларда миллий менталитет таъсирини аниқламай туриб ўрганиш мумкин эмас, деган фикрга олиб келади.

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг матбуотига умумий тавсиф бериш муҳимдир.

Миср матбуоти каби замонавий оммавий ахборот воситалари бўлишига қарамай, Саудия Арабистони ОАВнинг асосини матбуот нашрлари ташкил қилади. Мамлакатда юздан ортиқ араб ва хорижий тилларда чоп этиладиган газета ва журналлар фаолият кўрсатади.

Улар ичида араб ва мусулмон оламида энг кўп тарқалгани “Ар-Риёд” (1965 йил, май) ва “Ал-Жазира”¹³ (1964 йил июнида Риёдда чоп этилади) газеталаридир. Уларнинг биринчиси ярим қисми расмий (Мисрдаги «Ал-Аҳром» сингари) бўлса, қолганлари маҳаллий ўқувчиларга мўлжалланган нашрдир. Пойтахтда босиладиган ҳар иккала газета ҳукумат расмий хабарларига, чет эл янгиликларига, шу билан бирга йирик халқаро ахборот агентликлари хабарларини қайта нашр этишга, Ғарб матбуот воситалари материаллари таржималарини чоп этишга кенг ўрин ажратади.

«Ал-Жазира» газетасининг биринчи сони 1964 йилнинг июнида нашр қилинган. «Ар-Риёд» чоп этган кўпгина хабарларни такрорлайди. Ушбу рўзнома кўпроқ маҳаллий ўқувчиларга мўлжалланган.

Президентларининг журналистлар билан биргаликда дунё кезишлари, тўғридан-тўғри мулоқотлар олиб борилаётганлиги бу давлатлараро муносабатларни янада мустахкамлайди ва журналистика соҳасининг равнақи ривожланиб, янги технологияларнинг жорий этилишига асос. Ўзбекистон Президенти ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай дейди: – Маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиш мушкул. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак хато эмас. Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий²⁰.

ТУРКМАНИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Туркманистон байроғи

РЕЖА

1. Замонавий Туркманистон матбуоти
2. Туркманистон телевидениеси ва радиоси
3. Туркманистон Интернет тармоқлари
4. Туркманистон Ахборот агентликлари
5. Туркманистон журналистикасининг истиқболлари

²⁰ И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият” 2011. – 135 б.

Туркменистон 1991 йил октябрь ойидан мустақиллик мақомини олган.

Майдони: 488.100 кв.км.

Аҳолиси: 4776 минг кишини ташкил қилади.

Пойтахти : Ашхабад.

Туркменистонда 20 дан ортиқ турдаги газета ва журналлар чоп этилади. Жумладан, рус тилида “Нейтральный Туркменистан” (“Бетараф Туркменистон”), туркман тилида “Туркменистан” газеталари нашр этилади. Туркменистон давлат ахборот агентлиги (ТУРКМАН ПРЕСС), туркман миллий телерадиокомпания фаолият юритади. Туркменистонда мунтазам телерадио эшиттириш 1927 йилдан, телевизион кўрсатувлар эса 1959 йил ноябрдан бошланган.

Матбуоти. Ҳозирги кунда Туркменистонда 13 та давлат нашрлари мавжуд. Улардан атига биттаси – “Нейтральный Туркменистан” рус тилида нашр қилинади. Қолганлари эса (яъни 12 та) туркман тилида давлат аҳамиятига эга. “Туркменистан”, “Ашхабат”, “Ватан”, “Мары-Шыху-Джахан”, “Балкан” вилоят газеталаридир. “Эсгер” (аскар), “Адолат”, “Мугалымлар”, “Туркмен дунясы” газеталари ва “Лукман”, “Гурбансалтан-эдже” ва бошқа.

Кундалик Оммавий нашрлар.

“Туркменистон”²¹ – ҳар куни чиқади, адади 23000.

“Нейтральный Туркменистан” – ҳар куни чиқади, адади 23110.

“Ашхабат” – ҳафтада 3 марта чиқади, адади 15000.

“Ватан” – ҳафтада 3 марта чиқади, адади 11000.

“Эсгер” – ҳафтада 1 марта чиқади, адади 7000.

“Адолат” – ҳафтада 1 марта чиқади, адади 7000.

“Мугалымлар” – ойда 2 марта чиқади, адади 10670.

“Туркмен дунясы” – ойда 2 марта чиқади, адади 6200

“Гурбансалтан-эдже” – ойлик адади 2000

“Лукман” – 3 ойда 1 марта, адади 1000

Türkmen sporty. Туризм ва спорт давлат кўмитасининг кундалик газетаси. Туркман, рус, инглиз тилларида чоп этилади. Бош офиси: Ашхабадда жойлашган. “Туркмен спорты” – давлат газетаси ҳисобланиб, ҳафтада бир марча нашр қилинади ва Туркменистонда чоп этиладиган ягона спорт нашридир. Спортда эришилган ютуқлар, жамият ҳаётининг соғломлаштириш, халқнинг оммавий жисмоний тарбия билан шуғулланишини таъминлаш ва тарғиб этишга қаратилган. Газетанинг нишона сони 2012 йил бошида чиққан.

²¹ Туркменистан международный журнал www.turkmenistaninfo.ru

Газетанинг таъсисчиси Туркманистон Президенти ва Туркманистон давлат туризм ва спорт кўмитаси.

Туркманистонда турк тилидаги “Замон” газетаси ҳам машҳур.

Туркманистонда ҳар бир нашр мафқурани тарғиб қилиши шарт. Ҳар бир нашрда Президент расми бўлиши шарт. Ҳар бир газета Туркманбоши хизматларини мақтайди. Қолган мақолалар эса совет руҳида суғорилган. Яъни, мақолаларда бажарилган режалар миллий байрамлар анъаналар баёнлари қўлланади.

Туркманистон аҳли газета ва журналларни ўқишни хуш кўрмайди. Шунинг учун давлат мажбурий равишда обуна ташкил қилади. Барча давлат хизматчилари журналларга обуна бўлишга мажбур. Туркманистонда мухаллиф газеталар ва журналлар йўқ. Фақатгина Россияда “Эркин Туркманистон” мухаллиф газетаси бор. Лекин, бу журнал Туркманистон ҳудудига олиб кирилмайди. Шунинг учун ҳам бу журнал номаълум.

“Диёр” номли журнали сиёсий журнал бўлиб, Туркменистон ва дунё алоқалари ҳақида, “Қорақум” номли адабий журнал, “Гурбансолтан эдже” аёллар журнали, “Altyn Asyryň Ýkdysadyýeti” – молиявий-иқтисодий журнал, “Täze Oba” – тоза ҳаво-қишлоқ ҳўжалиги тўғрисидаги журнал, Соғлиқ- журнали, “Гюнеш” – болалар журнали. “Türkmenistanuň lukmançylygy” – медицина тўғрисидаги журнал, “Ведомости Меджлиса Туркменистана” – Туркманистон Ҳукуматининг Қонулар, қарорлар, буйруқлари, фармонлари эълон қилинадиган тўплам. “Собрание актов Президента Туркменистана” – Туркманистон Президентининг барча буйруқлари эълон қилинадиган босма нашридир.

Телевидение. 1990 йил бошларида тижорий телестанцияси ташкил этилган. У учта шаҳарда фаолият олиб борган. 1994 йилда ушбу тижорий кўрсатув иқтисодий товламачилик билан махсус айблов орқали йўқолиб қолди. Вазирлик алоқа бошқарувининг учта станцияси билан биргаликда давлат марказий телевидение ва радионинг барча кўрсатув ва эшиттиришларини қаттиқ назоратга олди. Шундан кейин Туркманистонда фақат иккита радиостанция фаолият олиб борди.

Туркманистон телевидениеси салкам 50 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, 7 та миллий давлат ва кабелли каналлар эфирга узатилади. Булар қуйидагилар: “Алтын Асыр”, “Мирас”, “Яшлык”, “Туркменистан”, “Туркмен овалы”, “Ашхабад”, “Спорт”. Дастурлари юқори савияда эмас. Томошабинлар

норозилигини билдириш учун Президентнинг розилиги керак. Телевидение фаолияти цензура билан боғлиқ. Электрон ОАВ – телевидение ва радио бўйича Туркменистон ҳудудида 3 та миллий канал мавжуд: ТМТ-1, ТМТ-2, ТМТ-3. Барча каналлар туркман тилида юритилади. Суткасига 16-17 соат ишлайди. Вақтининг 10% и ахборотга ажратилган, қолган эфир вақти иккига бўлинади: 1-мусликий йўналиш, 2-“Туркманбоши сабоқлари”. Эфир вақтининг 20-25 %и фильм ва мултфильмларга ажратилган. Ҳар бир миллий каналнинг логотипи рамзи акс этади. Эфир вақти ўзгариши Президентнинг нутқлари ва ҳукумат йиғилишларига боғлиқ. Бундай ҳолларда эфир вақтининг 50 % и мажлисларга ажратилади. Ва кунига 3 марта такроран кўрсатилади. Туркменистон миллий радиоси туркман тилида бир катор дастурлар олиб боради. Дастур тузилиши телевидениеникидан фарқ қилмайди. Чет эл радиоларидан фақатгина Россия радиостанциясининг “Маяк” эшиттириши мавжуд.

Хусусий телерадиокомпаниялар Туркменистонда мавжуд эмас. 1998 йил октябрь ойида Россия телеканалли – ОРТнинг эфир вақти 5-6 соатгача қисқартирилди.

Олтин Асир ТМТ – 1. республикада марказий телеканал ҳисобланади.

Ёшлик ТМТ – 2 ёшлар канали.

Мерос ТМТ – 3 туркменистон халқининг маданият ва маърифат канали.

Туркменистон ТМТ – 4 халқаро канал 7 та тилда эфирга чиқади.

Туркман Овози муслиқали канал.

Ашхабад Марказий телеканал.

Туркменистон спорти. Спорт телеканалли.

Радиоси. Давлат тилида телевидениедан фарқ қилмаган ҳолда олиб борилади.

“Маяк” эшиттириши 2004 йил июнь ойида тўхтатилган.

1990 йил бошларида мамлакатда тижорий телестанция ташкил этилди. 1994 йилда тижорий эфир йўқолди. Уларни молиявий товламачиликда махсус айблашди. Миллий давлат телевидение ва радио фаолияти назоратга олинган, барча эфирлар учта станция орқали бошқарилган. Ва бугунги кунгача фақат иккита радиостанция ишлаб турган.

Бугунги кунда TR1 Wattan radio (Ватан), EK2 Car tarapdan (тўрт томондан), TR3 Miras (Мерос), TR4 owaz radio (муслиқавий эшиттиришлар), ушбу тўртта радиоэшиттиришлар орқали бутун

Туркменистон халқига дунё янгиликларидан хабарлар етказиб турилади.

Туркменистон залатой век – (<http://www.turkmenistan.gov.tm/>)

Туркменистон Давлат хабарлари – (<http://www.tdh.gov.tm/>)

Электрон газета “TURKMENISTAN.RU” –

(<http://www.turkmenistan.ru/>)

Туркман Информ – (<http://turkmeninform.com/>)

Замонавий Туркменистон – (<http://www.zamantm.com/tm/>)

Интернет – сайтнинг бирида “туркменистонликлар интернетдан фойдаланишлари учун” дейилган. Туркменистонда эркин интернет тизими дунёда энг қолақ тизим ҳисобланади. Сапармурот Ниёзов (Туркменбоши) давлатни бошқарган даврда Интернет норасмий тарзда ёпиқ бўлган. Ашхабодда биринчи интернет провайдер “Туркментелеком” Қурбангули Бердимухаммедов Президент бўлиб сайлангач туркман компания ташкил этилган ва интернет тез ривожланди. Қ. Бердимухаммедов телевидениедаги суҳбатида: “Хоҳлайманки, янги технология, халқаро интернет тармоқ алоқалари ҳар бир кишига етиб бориши керак”.

Бу эътироф амалда ўз аксини топди, яъни 2007 йил 17 февралда Ашхабодда 2 та замонавий интернет кафе ўз фаолиятини бошлади. Интернетдан 1 соат фойдаланиш 4 евро туради. Туркменистон алоқа вазирлигининг ҳисоботида кўра яқин кунларда Ашхабодда, вилоят ва туман марказларида яна 15 та интернет – кафе ишга тушди. Интернетдан бепул фойдаланувчилар асосан талабалар, олий ўқув юртлари ходимлари ва тадқиқотчилар, ўқувчилардан иборат.

Бугунги кунда Туркменистонда яшайдиган барча аҳолининг оиласига интернет кириб борган. 1,5 миллион киши интернетга уланган. Жуда кўп мактаблар нафақат шаҳар, чеккада жойлашган ҳудудлар, мамлакатдаги барча олий ўқув юртлари интернет тармоғига уланган. Асосан сўнгги йилларда Туркменистондаги барча мобиль телефонлар орқали интернетдан фойдаланиш мумкин.

Давлат назорати. Туркменистон сингари “YouTube”, “Facebook”, “Twitter”, “LiveJournal” сайтларни ёпиқ сақлайди, шунинг учун бу ерда фаолият олиб борган кўплаб чет эл кўшма компаниялари ҳам ўз алоқасини йўқотган. Интернет қаттиқ назоратга олинган. Ҳаттоки, **Opera mini** мобиль телефонларда блок ҳолатига туширилган. Туркменистонликлар “Одноклассники.ru”, “Мой мир”, “Вконтакте” интерфейси ва унга халқаро версия VK.com дан фойдаланади.

Сайтлардан фойдаланиш тижорий мобиль алоқа воситаларини интернетга улаш, видеокўриш нархи 3-7 минутга 1,5 доллар деб баҳоланган. Сифати ва самараси истаклар асосида. Туркменистонда интернетдан фойдаланувчилар 5 %ни ташкил қилади²².

Ахборот агентликлари. Ҳозирги кунда Туркменистонда ягона давлат ахборот агентлиги – “Туркмен девлет хаберлари” (“ТДХ”) мавжуд. Бу ахборот агентлигини барча ахборотларни Президент матбуот хизмати ёки белгиланган давлат муассасаларидан олади. “ТДХ” агентлигининг раҳбари Президентнинг матбуот секретари Кокамурод Балыев эди.

Чет эл агентликлари Туркменистонда жуда катта назорат ҳолатида иш юритади. Улар фақат Туркменистон сиёсатини ёритиш билан машғул.

Ахборот агентлиги махсус ахборот билан таъминловчи оммавий ахборот воситалари ташкилотлар (корхона, хизмат, марказ)дан олади.

Уларнинг асосий вазифаси тезкорликда сиёсий, ижтимоий, маданий хабарларни газета таҳририятларига етказди. Шунингдек, телевидение, радио эшиттириш ва бошқа ташкилотлар, бошқармалар, тадбиркор шахслар, уларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли обуначилари агентлик қошида йиғилиб фаолият юритадилар. Агентлик ахборотларни йиғиб, уларни турлари ва шаклларига қараб ажратади ва аҳоли эътиборига ҳавола этади. Агентлик, авваламбор ахборотларни тизимлаштиради. Унинг хавфсизлигини таъминлайди, назоратга олади. Фотостудия, таҳририят, телевидение, архивларда бўлимлар ташкил этиш, веб сайтлардан зарурий аудиовизуал маҳсулотларни йиғиш, ахборот агентлик мижозларига сифатли хизмат қилиш билан ҳам шуғулланади.

“Туркмендовлет хабарлары” (Туркменистон давлат ахборот хизмати) – Туркменистон марказий давлат ахборот агентлиги

Туркменистонда янгилик портали. – Бугунги кунда “ТУРКМЕН хабарлар” мустақил нодавлат ахборот агентлиги 2007 йилда ташкил топган, узлуксиз хизмат кўрсатади. МДХ давлатларида ўз мухбирлик пунктларига эга.

2009 йилда “ТУРКМЕН хабарлар” янги хизмат очди. Талабгорлар учун ярим ёпиқ қабул имкониятидан фойдаланиш шароитлари яратилди. Янги тўлов SMS орқали мобиль телефонларга жорий этилди.

²² <http://www.centrasia.ru/newsA.php>

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Замонавий Туркманистон матбуоти ҳақида фикрларингиз?
2. Туркманистон телевидениесининг дастурлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Туркманистон радиоси дастурларининг ўзига хослиги ҳақида суҳбат
4. Туркманистон Интернет тармоқлари ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
5. Туркманистон Ахборот агентликлари фаолияти ҳақида сўзланг.
6. Туркманистон журналистикасининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

ТОЖИКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Тожикистон Республикаси байроғи

РЕЖА

- 1.Замонавий Тожикистон матбуоти
2. Тожикистон телевидениеси ва радиоси
- 3 Тожикистон Интернет тармоқлари
4. Тожикистон Ахборот агентликлари
5. Тожикистон журналистикасининг истиқболлари

1991 йил 9 сентябрдан Мустақил давлат мақомини олган.

Майдони:

Аҳолиси:

Пойтахти: Душанбе

Тожикистон матбуоти: Тожикистон ва ўзбек халқларининг яшаш шароитлари, урф одатлари, турмуш тарзи ниҳоятда яқин. Асрлар давомида кўпгина ўзбек ва тожик санъаткорлари бир-бирига устоз, шогирд бўлиб ижод қилиб келишган. Маданий ва адабий алоқаларининг раванқ топишида бадиий таржимачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2000 йилдан Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси очилди. Давлатлараро сиёсий иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мувофақлаштириш йўлида хизмат қилмоқда.

Тожикистонда бир қанча газета ва журналлар нашр этилади. Асосийлари “Жумҳурият” (тожик тилида 1925 йилдан чоп этиладиган газета), “Иди тожик” (1955-91 йилларда “Тожикистони Совет” номи остида чиққан), “Халқ овози” (ўзбек тилида чиқадиган газета 1929-91 йилларда “Совет Тожикистони” номи билан чиққан), “Садои Мардум” (1992 йилдан чиқадиган “Халқ овози” газетаси), “Бизнес и политика” (1994 йилдан чиқадиган “Бизнес ва сиёсат” газетаси), адабий-бадиий журналлардан тожик тилидаги “Садои Шарқ” (“Шарқ овози”), “Маданияти Тожикистон” (“Тожикистон маданияти”), рус тилидаги “Памир” (“Помир”) ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

“Овози тожик” (“Тожик овози”) Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида тожик тилида ҳафтада икки марта чиқадиган газета. Илк марта 1924 йил 25 августда Самарқанд шаҳрида **“Овози тожик камбағал”** номида нашр этилган газета кейинчалик 1925-31 йилларда “Овози тожик”, 1950-64 йилларда “Ҳақиқати Ўзбекистон” номи билан чиққан. 1992 йил 1 январдан ҳозирги номдаги саҳифаларда дўстлик ва биродарлик шиори остида Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришлар жумладан, халқ хўжалигининг турли тармоқларида эришилаётган ютуқлар ёритиб борилади. Фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ахборот ва спорт бўлимлари мавжуд. Газетага турли йилларда Абдулқайюм Қурбий, Муҳаммадjon Ҳасаний, Шаҳобиддин Садруллин, Қамариддин Мирзаев, Муборак Фозилов, Абдулла Ҳакимов, Шавкат Ниязов, Эҳсон Турдиқулов ва бошқалар муҳаррирлик қилган.

2003 йилдан Шерпўлат Вакилов муҳаррирлик қилиб келмоқда.
2005 йилда газетанинг адади 3 минг нусхага етган.

“Садои мардум” – Мажлиси Олий таъсислигида 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган давлат газетаси. Бош муҳаррири Бободжон Абдулвоҳидов. Газета тожик тилида ҳафтада 3 марта чиқади. Олий Мажлиснинг қарорлари, ҳисоботлари ва йиғилишлари ёритиб борилади.

“Чумхурият” – махсус давлат газетаси. Давлат ва Президент таъсисчилигида 1924 йилдан чиқа бошлаган. Бош муҳаррири Камол Абдурахимов. Газета тожик тилида ҳафтада 3 марта чиқади. Тожикистон Республикаси қарорлари, қонунлари, буйруқларини чоп этиб боради.

“Халқ газета” – Давлат ва Президент таъсисчилигида 1925 йилдан чиқа бошлаган ҳафталик ҳокимият газетаси. Бош муҳаррири – Владимир Воробьев. Газета рус тилида чоп этилади. Тожикистон Республикасининг қонунларини, қарорлар маърузасини чоп этади.

“Минбари Халқ”– 1996 йил 7 сентябрдан тожик тилида чиқа бошлаган Тожикистон халқ демократик партиясининг газетаси (НДПТ). Таъсисчиси – ЦИК НДПТ. Бош муҳаррир – Мансур Сайфуддинов.

“Азия-Плюс” – 2000 йил 21 январдан чиқа бошлаган ҳафталик умумий-сиёсий газета. Таъсисчиси ОАЖ ИА “Азия-Плюс”. Бош муҳаррир Умед Бабаханов. Рус тилида чоп этилади.

“Курьер Таджикистана” – ҳафталик газета. “Шарқи озод” нашриёти таъсислигида 1991 йил 5 январдан чиқа бошлаган. Бош муҳаррири – Муҳаммаджон Тоштемиров. Рус тилида босилади.

“(Бизнес и политика)” “Тадбиркорлик ва сиёсат” – 1994 йилдан чиқа бошлаган мустақил умумий сиёсий ва иқтисодий газета. Таъсисчиси НАНТ ва “Шамъ”. Агропромбиржа Бош муҳаррири Раҳмон Улмасов. Рус тилида чоп этилади.

“Тоҷикистон” – 1997 йилдан чиқа бошлаган ҳафталик ахборий-сиёсий газета. Таъсисчиси газета ходимлари. Бош муҳаррир Шариф Ҳамдамов. Асосан тожик тилида, баъзи материаллар рус, инглиз тилида ҳам чоп этилади.

“Зиндаги” – НПО “Бунъеди хитрат” таъсислигида, тожик тилида чоп этиладиган ҳафталик умумий сиёсий газета. Бош муҳаррир Хуршед Ниёзов.

“Дайджест-press” – 1996 йилдан чиқа бошлаган ҳафталик газета. Таъсисчиси “Чархи гардун” МЧЖ, бош муҳаррири Мунаввара

Алиакберова. Рус тилида чоп этилади, айрим пайтларда халқаро идоралар ва чет давлат элчихоналарининг эълонлари инглиз тилида босилади.

“Чархи гардун” – 1997 йилдан чиқа бошлаган “Чархи гардун” МЧЖ таъсислигидаги ҳафталик газета. Бош муҳаррир Акбарали Сатторов.

Тоҷик тилида чоп этилади, айрим реклама манбалари рус тилида ҳам чоп этилади.

“Оила” – 2000 йилдан чиқа бошлаган ҳафталик сиёсий-ахборий газета. Таъсисчи – ижодий жамоа. Бош муҳаррир Феруза Саттори. Тоҷик тилида чоп этилади.

Етакчи вақтли матбуот нашрлари:

Газеталар:

“Жумҳурият” 1925 йилдан,

“Иди тоҷик” 1955-91 йилгача “Тоҷикистони Совет” номида ,

1929 йилдан – 1991 йилгача “Совет Тоҷикистони” номида чиққан

“Садои Мардум” Халқ овози 1991 йилдан чиқа бошлаган газета.

“Халқ овози” ўзбек тилида чиққан газета.

“Бизнес и политика” – (“Бизнес ва сиёсат”) газетаси 1994 йилдан чиқа бошлаган ва бошқалар.

Журналлар: “Садои Шарқ” (“Шарқ овози”),

“Маданияти Тоҷикистон” (“Тоҷикистон маданияти”),

Рус тилида “Памир”(“Помир”) ва бошқа шу каби журналларни кўриш мумкин.

Тоҷикистоннинг телевидение ва радио станциялари.

Тоҷикистонда радиоэшиттиришлар 1928 йилдан, Душанба телевизион маркази 1959 йилдан ишлай бошлаган.

Ватан радиоси Тоҷикистондаги биринчи марказий узлуксиз FM радиодир.

Душанбе шаҳрида 106 FM частотасидаги Ватан эшиттириши 2003 йил 7 майда ишга тушган. Радионинг бош директори Амонов Далер Рахматуллаевич. Радионинг аудиторияси 25-45 ёшли кишилар ҳисобланиб, 1,5 млн кишини ташкил этади. 32 ходим ва 6 та штатсиз ходими ҳам бор. Ушбу эшиттиришнинг 5 та бўлими бўлиб, улар техник, дастурлаш, реклама, хавфсизлик хизмати ва девонхона бўлимидир. Бу эшиттириш ягона рус ва тоҷик тилидаги эшиттириш ҳисобланади.

“Ватан” радиоси ҳар куни тонгги шоу – Субҳи ватан мусиқали эшиттиришини узатади. Кейинги беш йилда ватан радиоси эфирга 200 дан ортиқ турли дастурларни ва радио лойиҳаларни узатган. ТРК “Ватан” бутун дунёга машҳур “Немецкая Волна” радио эшиттириши билан ҳамкорликда ишламоқда. Шунингдек, бу ташкилот биринчи миллий интернет узатишини ташкил этган.

Тоҷикистон радиоси. 2007 йил 1 июнда Тоҷикистон радиоси рақамли эшиттириш сифатида пайдо бўлган. Янги радио мажмуа ўз лойиҳаларини ташкил этиб, “Синхро-Про” компаниясининг шеф-монтаж ускуналари билан жиҳозланиб техник монтажланган. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бешта радиобирлашмаларда, бешта постда эшиттириш эфирга тайёрланади, 13 та аудиомонтаж мажмуасида Gsm 3G овоз картаси ишни бошқарадиган ва таъминлаб берадиган SYNADYN билан таъминланган, материални автоматик тарзда таъминлайди ва қўлда (ручной) эшиттиришни ёзиш ҳамда тайёрлаш ва кўпканалли эфирга узатиш, шунингдек, рекламани мониторинг қилиш, эфирдаги сигналларни техник параметрда назорат қилишни амалга оширади.

Радио “Азия плюс” Душанбе шаҳридаги биринчи мустақил радио бўлиб, 2002 йил 9 сентябрда биринчи марта эфирга чиққан. “Азия плюс” радиоси – тожик ва рус тилларидаги ахборот ва мусиқали эшиттириш ҳисобланади.

Асосан, энг замонавий машҳур мусиқаларни, хорижий хит мусиқаларини эфирга узатади. Кўнгилоҷар дастурлар, интерактив ўйинлар, машҳур кишилар тўғрисидаги қизиқарли шоулар олиб борилади. Дастур узлуксиз равишда эфирга узатилади.

“Телевидение Сафина” давлат корхонаси 2005 йил 22 августда Тоҷикистон республикаси ҳукуматининг №308 буйруғига биноан ташкил этилган. 2005 йил 3 сентябрь соат 8 00 да “Телевидение Сафина” илк эфирга чиққан теледастур бўлиб тарихга кирди.

– Тоҷикистон хизмати “Радио Свобода”

www.ariana.su/.

Ахборот агентлиги. Тоҷикистон ахборот агентлиги (ҳозирги “Ҳовар” ахборот агентлиги) 1933 йилда ташкил этилган.

Бугунги кунда 7 миллион аҳолига эга Тоҷикистонда ўнга яқин маҳаллий ахборот агентликлари фаолият юритади.

Вароруд Ахборот агентлиги²³ 8 йилдан буён ахборот бозорида фаолият юритади. Маҳсулот эгаси Вороруд – ОАВ давлат тизими

²³ www.Varorud.Org

бўлиб, Банк ташкилотлари, Қўшма корхоналар (СП), НПО, халқаро ва дипломатик ташкилотлар, Сўғд вилояти ва бутун Тожикистон Республикасида аккредитациядан ўтади. Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон, Япония, Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия ва бошқа халқаро фондлар ҳамда илмий марказларнинг ОАВни ахборот билан таъминлаб туради.

Миссия: кишиларни ахборот билан таъминлаш, ахборот хавфсизлигининг жамиятга етиб бориш ҳуқуқи, фикрини эркин, шахсий ҳуқуқини ишонарли аниқ баён қилиш.

Вароруд – Тожикистондаги мустақил аналитик ахборот агентлигидир. У 2000 йилда Тожикистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг биринчи номи тожик ва рус тилларида “Заречье” деб номланган. Ахборот агентлигининг бош офиси эски Хўжандда жойлашган.

Памир Медиа ахборот агентлиги²⁴ Памир Медиа тоғли Бадахшон Автоном Республикасига таъсир ўтказади. Ахборот агентлиги бюллетени тожик ва рус тилларида чоп этилади. Вилоятнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий тадбирларини ўтказиб боради.

Азия плюс ахборот агентлиги²⁵ ASIA – PLUS – Тожикистондаги мустақил ахборот агентлиги. 12 йилдан буён ахборот бозорида фаолият юритади. 1996 йилда бир вақтнинг ўзида инглиз ва рус тилларидаги бюллетеннинг биринчи сони чоп этилган.

Ховар ахборот агентлиги²⁶ Ховар Миллий ахборот агентлиги мамлакатдаги марказий давлат ахборот тизими ҳисобланади. Ховар ахборотни тожик, рус, форс, араб, ўзбек ва инглиз тилларида тарқатади.

Авесто ахборот агентлиги²⁷. “Авесто” ахборот агентлиги мамлакатда биринчи он-лайн ОАВ ҳисобланиб, аниқ вақт тартиби билан ишлайди. “Авесто” АА хабарларни тожик, рус ва инглиз тилларида тарқатади. Ўзини мамлакат бўйича ягона ахборот тарқатувчи деб ҳисоблайди. 2004 йил март ойидан бошлаб фаолият юрита бошлаган.

2005 йил ҳисоботида мамлакат бўйича агентлик энг яхши хабар тарқатувчи тизим деб топилди. Бугунги кунда агентлик рус ва инглиз

²⁴ pamirmedia@gmail.com

²⁵ www.Asiaplus.Tj

²⁷ www.Avesta.tj

²⁶ www.Khovar.Tj

тилларида 40 мингдан ортиқ ахборот хужжатларини қидирувчи архивига эга.

Асосий принциплари – тезлик, кенглик ва мустақил.

“Хатлон-пресс” ахборот агентлиги²⁸. Бу агентлик мавжуд бўлсада, аммо у тўғрисида ҳеч қандай маълумот ошкор этилмаган.

Интернети. Тожикистонда интернет 1990 йилда ташкил этилган. 2008 йилга келиб бу давлатда интернет ва мобиль телефон боғланмалари ривожланди ва ИКТ бозорида 180 та компания лицензия олди.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Замонавий Тожикистон матбуоти ҳақида фикрларингиз
2. Тожикистон телевидениесининг дастурлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Тожикистон радиоси дастурларининг ўзига хослиги ҳақида суҳбат
4. Тожикистон Интернет тармоқлари ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
5. Тожикистон Ахборот агентликлари фаолияти ҳақида биласизми?
6. Тожикистон журналистикасининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

²⁸www.khatlonpress.tj

ҚОЗОҒИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Қозоғистон Республикаси байроғи

РЕЖА

- 1.Замонавий Қозоқистон матбуоти
2. Қозоқистон телевидениеси ва радиоси
- 3 Қозоқистон Интернет тармоқлари
4. Қозоқистон Ахборот агентликлари
5. Қозоқистон журналистикасининг истиқболлари

Майдони: 2724,9000 кв.км.

Аҳолиси: 17.753000 киши.

Пойтахти: Астана

– Журналистнинг сифатларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

– ижтимоий фуқаролик, ижтимоий жавобгарлик, аниқлик, қамровлилик, принципалик, ақл-идроқлилик, тўғрилиқ, аниқлик, долзарблиқ,

– малакавий алоқавийлик, иқтидорли, жисмоний юкламаларни ақл билан бажара олиш,

– Онгли равишда асосли ҳаракат қиладиган, чаққон характерли, хотираси тиниқ, фикрлаш доираси кенг, дунёқараши кенг ва бошқалар.

Корпорация Қазреклама акциадорлик жамияти реклама бозорида 1962 йилдан 1996 йилгача Қозоғистон ССР тизимига кирган. 1994 йилга келиб унинг бошқарув тизими инқирозга учради. 1995 йилда Қазреклама давлат акцияси пакетини тўлиқ сотиб олди ва ривожланган замонавий технологиялари сифати 3 баробарга ошди. Янги шаклдаги реклама маҳсулотларига эга бўлди.

Матбуоти. Ҳозирда Қозоғистонда умумий 42 номда газета чоп этилади. Шундан 16 таси қозоқ тилида чиқадиган газеталар. Газеталар сафига “Алматы ақшамы” (Вечерны алматы) “Адам ата-Хауа ана”, “Дидар”, “Алтын Жулдыз”, “Жас Алаш”, “Қозоғисон ҳақиқати” каби нашрларни мисол қилишимиз мумкин. Ушбу газеталар мамлакатдаги етакчи нашрлар саналади. Масалан, “Алматы ақшамы” газетаси 1988 йилдан бошлаб чиқа бошлаган. Ҳозирда ушбу нашрнинг умумий адади 12000 ни ташкил этади. Бунда Алмата минтақасидаги ҳар кунги янгиликлар узатилади. У кунлик нашр. Адам ата-Хауа ана эса 2000 йилдан буён 10.000 нусхада чоп этила бошлаган. Кўнгил очар газеталар сафига биз “Алтын бўсаға”ни киритишимиз мумкин. У давлатдаги энг адади кўп наширлардан ҳисобланади. Яъни, 45 000 нусхада чоп этилади. Газетанинг турли хил рангли, муштарий эътиборини тортадиган “Кун янгилиги”, “Шоу бизнес”, “Ажойиботлар”, “Сизнинг танловингиз” каби рукнлари мавжуд. 1921 йилдан чиқа бошлаган “Жас Алаш” газетаси ёшларбоп газета. Унинг адади 72 634 нусха. Газетада Қозоғистон ёшлари ҳаётидан туркум мақолалар эълон қилинади. Уларнинг муаммолари атрофлича ёритилади.

1. Алматы ақшамы (Вечерны Алматы) умумий сиёсий газета, 1988 йилдан чиқа бошлаган, адади 12000 нусха.
2. Адам ата-Хауа ана. Қозоқ тилидаги ойлик газета, 2000 йилдан чиқа бошлаган. Адади 10000 нусха.
3. Алтын Жулдыз 2000 йилдан чиқа бошлаган, адади 7000 нусха.
4. Аллажар – ойлик газета, 2004 йилдан чиқа бошлаган, қозоқ-рус тилларида материаллар берилади, адади 11 000 нусха.
5. Дидар – 1931 йилдан чиқа бошлаган, адади 14197 нусха.
6. Алтын бўсаға – 2008 йилдан чиқа бошлаган, адади 45 000 нусха.
7. Қазағистан – 2000 йилдан чиқа бошлаган, адади 10.400 нусха.

8. Жас Алаш – 1921 йилдан чиқа бошлаган, адади 72 634 нусха ва бошқа.

“Алма-атынская” правда – вилоят газетаси 1954 йилдан чиқа бошлаган, адади 13000 нусха. Қозоғистонда 7 та қозоқ тилида журнал бор. Улар қўйидагилар:

1. “Темир Қазық”, 1923 йилдан чиқа бошлаган (қозоқ тилида), адади 15 000 нусха.

2. “Туркология” – Қозоғистон халқаро илмий журнали, 2003 йилдан чиқа бошлаган, ойда 2 марта чоп этилади.

3. “Алтын бесик” – қозоқ тилида, 2003 йилдан чиқа бошлаган, адади 23 000 нусха.

5. “Аль-Пари” – Илмий-амалий иқтисодий журнал 1997 йилдан чиқа бошлаган, адади 20 000 нусха,

6. “Азия-Транзит” – ойлик журнал, 2001 йилдан қозоқ ва рус тилларида 12 000 нусхада чиқа бошлаган ва бошқа журналларни айтиш мумкин.

7. **Ай** – 1994 йилдан Алматида чиқа бошлаган ойлик сифатли публицистик журнал. Адади 500 дона. Бош муҳаррир М.Қўжаметова²⁹.

Телерадиокомпаниялар:

Телекомпаниялар. ТРК Қозоғистон телерадиокомпанияси видеоархиви 1996 йил 29 декабрда давлат идораси томонидан ташкил этилди.

Алматы телеканал 2005 йилдан фаолият кўрсатади.

Сана³⁰ – талабалар дастури бўлиб, Қозоғистон республикаси бўйлаб узатилади. Бу дастур Ал-Фаробий номидаги университетнинг Журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари томонидан 1997 йил 3 майда илк марта эфирга чиққан.

Хабар – телеканали³¹. Республиканинг миллий телеканали бўлиб катта эътиборли канал ҳисобланади. Канал давлат тилида эфирга чиқади. Суткасига 16 соат ишлайди. Россия, Хитой ва Марказий Осиёда 21 млн.лик обуначиларга эга. Каналда 600 дан ортиқ малакали журналистлар, операторлар, редакторлар, режиссёрлар, продюссерлар, дизайнер ва видеоинженерлар фаолият юритадилар.

Хабар телеканали да қуйидаги кўрсатувлар бериб борилади: муаллифлик дастури;

²⁹ Кудайбергген Турсын. Қозоқ телевидениеси // Энциклопедия т.1. – Алматы, 2009. – С. 54.

³⁰ Казыбоев С.К., Нода Л.П., Рожков А.В. Журналистика Казахстана// Энциклопедия. – Каз Алматы, 2009. – С. 230

³¹ Ўша манба. – С.442.

- ахборот ва публицистик кўрсатувлар;
- маданий ва маърифий дастурлар;
- телесериаллар;
- хужжатли бадиий фильмлар;
- мусиқали клип ва дастурлар;
- Янгиликлар ва бошқа кўрсатувлар – қозоқ, рус тилларида;
- Аналитик дастурлар “Жеті кун” дастури (Ҳафтанома), “Бетпебет”(Юзма-юз);
- “Деньги” (Саломатлик),

Жамиятнинг ижтимоий саводхонлигини ошириш мақсадида

- Қозоқ публицистикаси, тарихи, этнографияси ҳақида “Ауылдын алты ауызы” “Тіл”, “Линия судьбы”, “1001-мақал-1001 жумбақ”,
- Спорт, маданият ва бошқа кўрсатувлар.

НІТ TV – мусиқавий миллий телеканал 2003 йил 21 октябрдан ўз ишини бошлаган, унинг асосий аудиторияси 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган томошобинлар, 24 соатлик теледастур бўлиб, асосан видеоклиплардан иборат. Ушбу дастур қозоқ ва рус тилларида олиб борилади.

E-mail: info @ hittv. kz; www. hit – tv kz

Телевидениеси.

“Қозоғистон” миллий телеканали давлат канали ҳисобланади. У томошабинларнинг сони бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди. Телеканал 1958 йил мартда ташкил этилган. У ўз дастурларини Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Монголия **каби давлатларга ҳам узатади**. Бунда мамлакат ичидаги ва чет давлатлардаги воқеа-ҳодисалар тезкор ёритилади. Кўрсатувлар аудитория ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳам узатилади. Телеканалда янгиликлар, ток-шоу, кўнгилочар дастурлар, таҳлилий кўрсатувлар кўп. Шунингдек, олам ажойибатлари ҳақидаги информацион кўнгилочар “Таңшолпан” дастурининг аҳамияти катта. Телеканал спорт мавзусидаги туркум кўрсатувларни ҳам тайёрлаб келмоқда. Айниқса, 2011 йилдаги Қишги Осиё ўйинларини тўғридан-тўғри кўрсатишда жонбозлик кўрсатди. Айни пайтда канал “Екі жұлдыз”, “Кеш жарық” каби кўнгилочар дастурларни узатиб, аудитория қизиқишини оширмоқда. Қозоқ тилининг бой хазинасини кўрсатиб берувчи “Сөз мерген” дастури ҳам эътибордан четда эмас. Телеканал доим фильм ва сериалларни бериб боради. Ҳозирда канал орқали “Қазақфильм” киностудиясининг “Тақиялы періште”, “Менің атым Қожа”, “Қызжылаған”, “Көшпенділер”, “Біржан сал” каби фильмлари

намойиш этилмоқда. Телевидение замонавий технологиялардан ҳам унумли фойдаланмоқда. Айни дамда канал фаолиятида ўн иккита камерали юрадиган телевизион мослама мавжуд. Унинг қуйидагича кўрсатувлари бор.

“Балапан” телеканалли. “Балапан” телеканалли болаларга мўлжалланган. У 2010 йилда ташкил этилган давлатга тегишли, ихтисослашган телевидение ҳисобланади. Унинг кўрсатувлари ҳам канал йўналиши билан чамбарчас боғлиқ. Унда болаларнинг ҳаёти, уларнинг орзу-интилиши, ютуқлари ҳамда муаммолари ёритилади. Шунингдек, “Балапан” телеканаллида болаларга мультфильм, кино ҳамда болалар ўйини, мусобақалари узатилади. Эртақлар ўқиб берилади. Унинг онлайнда махсус сайти фаолият кўрсатади. Бунда болалар нималарга қизиқиши ҳақида таклифлар билдиради. Янги ўйин, кино, кўрсатувларни томоша қилади. Ҳозирда телеканалда “Жолын болсын балақай!”, “Дарумендер элеме”, “Бала тили – бал”, “Кәсибін-нәсибін!”, “Табиғат жанашырлары” дастурлари бор. Улар тарбиявий хусусияти билан ҳам болаларни вояга етказишда катта хизмат қилади.

“Мәдениет” телеканалли. “Мәдениет” телеканалли Қозоғистоннинг миллий давлат каналларидан бири ҳисобланади. У мамлакатнинг маданий соҳаларидаги янгиликларни тарқатишга мўлжалланган канал. Канал 2011 йилда ташкил этилган. Бунда мамлакатнинг миллий урф-одат ва дастурларини сақлаш, унга ҳурмат кўзи билан қарашга йўналтирилган дастурлар эфирга узатилади. Телекўрсатувларининг 30 % кўнгилочар дастурлар эгаллайди. Доим кўнгилга хуш ёқадиган кўшиқлар узатилади. Ҳозирда унинг “Алтын кәмбе”, “Келбет”, “Сурет-ғұмыр”, “Жүздесу” каби кўрсатувлари эфирга узатилади.

Қозоғистон радиоси. “Хабар” радиостанцияси – мусиқий, ахборот канали. 1997 йил 31 декабрда 22 соатлик эфирга чиққан.

68,3 МГц частотали диапазонда ўрта тўлқиндаги диапазонни 1071 кГц FMдаги частотага эга.

Эфирга 40 % қозоқ, 30% рус, 30 % чет эл мусиқаси.

100 % эшиттиришдан 50% оригинал эфирнинг асосий блокада “Шанрак” (Ассалом тонг) каби янгилик дастури ташкил этади. Унда:

- миллий маданий дастур маркази
- кокпар кўнгилочар дастури
- осиеда ишланган,

- студия меҳмони,
- сиз учун қўшиқ каби ва бошқа.

Хит – ГМ Қозоғистон. Тижорий радиостанцияси Олмаотада жойлашган, эфирга 1999 йилдан чиқа бошлаган.

“Қозоқ” радиоси. Қозоғистон АССР халқ комиссарлари Кенгаши 1921 йилда Республикада радио узатишни куриш ҳақидаги ечимга келди. Ва радио мамлакат бўйича узатила бошланди. “Қазақ” радиоси давлатдаги асосий радиоканаллардан бири. У Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон худудларида ҳам жаранг сочади. Унда жамиятдаги барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган эшиттиришлар берилади. Унда қозоқ, рус, немис, татар тилларида ҳам дастурлар бор. Айниқса, радиода мамлакатда чиқадиган газеталар шарҳи ҳам ўрин олган. Бу дастур ҳозирда ўз самарасини бериб келмоқда. Радиода турли хил қўшиқлар ҳам жаранг сочади.

Унинг қуйидагича эшиттиришлари мавжуд:

“Алтын қор”, “Эн тындайық”, “Қайырлы таң, Қазақ елі!”, “Күнтізбе”, “Маңызды оқиғалар күнделігі”.

“Шалқар” радиоси. Мазкур радио миллий, давлатга қарашли радиоканал ҳисобланади. У 1966 йилда ташкил этилган. Даставвал икки соатлик кўрсатувларини узатган. Ҳозирда унинг кўлами, аудиторияси катта. Радио 1998 йилда фаолиятини тўхтатди. 2002 йилда эса яна қайтадан ишини давом эттирди. Ва фақат Алматидагина янгиликларини тарқатди. Айни пайтда радиоканал республика минтақасининг 62, 4% ига дастурларини узатади. Унинг асосий мақсади халқнинг миллий маданиятини яна оширишдан иборат. Унинг “Аңдатпа”, “Дала даусы”, “Отырар кітапханасы” каби эшиттиришлари мавжуд.

“Астана” радиоси. “Астана” радиосининг формати информатсион мусиқий канал. У илк бора 1999 йилда эфирга чиққан. Ҳозирда 101.4 ФМ тўлкинида эфирга узатилади. Унинг эфирдаги вақти эса 19 соатни ташкил этади. Ўшандан бери радиоканал “Ақ ниетпен әр үйге” деган шиор билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Радио 2003 йилдан бошлаб ўзининг эфирдаги форматини янгилашга эришди. Радиода янги ўйин дасурлар ҳамда мусиқий эшиттиришлар очилди. Радио 60 % қозоқ тилида, 40 % рус тилидаги эшиттиришларни узатади. 2009 йил “Астана ” радиоси ўзининг 10 йиллигини нишонлади. Ва “Астана қаһармандары” эшиттириши эфирга чиқди. Радио кўп ютуқларга ҳам эришиб келмоқда. Масалан,

1999 ва 2003 йиллари “Алтын Жұлдыз”, 2006 йилда эса “Үздік радио” номинациялари бўйича тақдирланди. Ҳозирда “Атамекен”, “Мен қазақпын”, “Ұлттық мүдде”, “Патриоттық тәрбие”, “Ана тіліміз” каби эшиттиришлар мавжуд.

Қозоғистонда телерадиохабарлар ва аудиосигналли сандик (рақамли кашфиёт) янги технологиясининг пайдо бўлиши спутник технологияларининг кенг тарқалишини таъминлайди ва у сифатли даражада иш бажаради. Телерадиохабарларни уларсиз кенгайтириш мумкин эмас. Стандартга асосланган ёзув, қолипга тушириш ахборотни аниқ бериш ва халқларга етказиш учун телевидениега кенг йўл очади. Ахборот-телекоммуникация сифатининг стратегик масалалари, хабарлар тарқатишнинг ўхшаш юқори даражали спутник инфратузилмаларининг бирлигидир. ҚРнинг ахборот медиа-телекоммуникация секторларида технологияларнинг орқада қолишида хориж инфратузилмаси ётади.³²

Қозоқ авторадiosi. Ягона FM 105,4 тўлқинида эфирга узатиладиган радиоканал ҳисобланади.

Қозоғистон авторадiosiсининг бошқа тижорий радиолардан афзал томони машиналар тўхтаб қолиш жойларида (светофорда) ёки машина юриб кетаётган пайтларда ҳам машиналарда уларнинг хавфсизлиги, машинани рўйхатдан ўтказиш жойларининг қаерда жойлашгани, йўл белгилари ва бошқа хабарларни етказиб туради.

Авторадiao Азия – кундалик мусиқали радио эшиттириш. Бу радио автомашина ҳайдовчиларига турли маслаҳатлар беради. Республика статистикаси ҳақида рус, қозоқ тилларида эшиттиришлар олиб боради. Бош муҳаррири Нурбек Саясат³³.

Азия-Плюс – Қозоғистоннинг Павлодар шаҳрида жойлашган. Худудий хабарларни рус, қозоқ тилларида тарқатувчи радио ҳисобланади.

Бош муҳаррири Александр Юрченко.

Азия тынық – давлатдаги юқори нуфузга эга бўлган медиатўплам, давлатдаги 8 та энг нуфузли радиоканаллар ичида 3-ўринда туради. Азия тынықга 52 та худуднинг 102 етакчи телерадио хабар тарқатувчи компаниялари бирлашган.

АВИ – телерадио хабарлар етказиб берувчи бўлимлар орасидаги бирликни мустаҳкамлаш мақсадида 1984 йилда ишга тушган. 1998

³² Қудайберген Турсын. Қозоқ Телевидениеси //Энциклопедия: т. 1.- Алматы, 2009. – Б. 109.

³³ Қудайберген Турсын. Қозоқ Телевидениеси // Энциклопедия: т. 1.- Алматы, 2009. – Б. 27.

йилда Хабар ахборот тарқатиш агентлиги ахборот тарқатиш мақсадидаги тўлиқ ҳуқуқга эга бўлди.

2003 йил АВИнинг бош органи бошчи бўлди. АВИнинг 41-чи бош ассамблеясини 2004 йилда “Хабар” агентлиги бошчилигида Олматада ўтди. Бунда Азиядаги катта-катта халқлар БАҚнинг 350дан ортиқ раҳбарлари, етакчи ходимлари ва НК (Япония), KBS (Корея), ABC (Австралия) вакиллари қатнашган.³⁴

Ай-айна – Чимкентда жойлашган бўлиб қозоқ ва рус тилларида қозоқ халқи учун янгиликлар тарқатувчи радио.

Интернет тармоғи. Қозоғистонда интернет жуда ривожланган бўлиб, радио, телевидение, газета ва журналларнинг электрон сайтлари мавжуддир. Интернетдан қуйидаги янгилик каналларини топиш мумкин, масалан www.cnn.com/QUICKNEWS/ CNN 24-Hour Non-Sop Headline News ёки [news hotline. kz-holine. Kz](http://news.hotline.kz-holine.kz), электрон газета сайти - [www. navitor. Kz](http://www.navitor.kz)- Навигатор, электрон журнал сайтлари - [www. caraban. Kz](http://www.caraban.kz)-Караван, [www. Time. kz](http://www.Time.kz)- Время,[www. Dn. kz](http://www.Dn.kz)-Деловая неделя; [www. Panorama. kz](http://www.Panorama.kz)-Панорама, www.continent.kz-Қонтинент), Радио ва телекўрсатувларнинг интернетдаги каналлари -[www. radio. Kz](http://www.radio.kz)-Казахстан радиоси каби ва бошқа мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ахборот агентлиги. “Хабар” ахборот агентлиги ёпиқ акциядорлик жамияти ҳисобланади. Доимий равишда халқаро янгиликларни етказувчи ахборот агентликлари “АРТН”, “Reuters”, “Интерфакс” ва “ИТАР-ТАСС” каби 20 га яқин мухбирлар пунктлари МДХ ва 10 га узоқ чет давлатлар халқаро агентликларидан “Хабар” ахборот агентлигининг Европа мамлакатлари, Марказий Осиё, Россия, Туркия, Япония, Эрон ва АҚШда мухбирлар пунктлари фаолият юритади. “Хабар” – ахборот агентлиги Осиё, Тинч океани Телесоюзи АВИ, Осиё Тинч океани ахборот агентлиги ОАНА, институт телевидениени ривожлантириш ЛИВД. Ахборот агентлигининг бош директори Гульнора Иксанова. 2003 йилда Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган Европанинг Олтин Аркаси танловда “Технология ва сифат” номинациясига эга бўлди.

Ахборот портали. www.Khabar.Kz портали Қозоғистоннинг интернет порталларидан биридир. 2003 йилда “Анъанавий ОАВ электрон версияси ” online – овозида 55,8 % овоз билан баҳоланган портал даражаси ошди, кундалик ахборот тарқатувчи веб сайти 3 та рус, қозоқ ва инглиз тилларида олиб борилади.

³⁴ Қудайберген Турсын. Қозоқ телевидениеси энциклопедия т1. Алматы. 2009 – Б. 53.

Жамиятнинг маданий ҳаётини мамлакат ва дунё жамияти билан “Хабар” Ахборот агентлиги боғлаб туради.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Замонавий Қозоқистон матбуоти ҳақида фикрларингиз
2. Қозоқистон телевидениесининг дастурлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Қозоқистон радиоси дастурларининг ўзига хослиги ҳақида суҳбат
4. Қозоқистон Интернет тармоқлари ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
5. Қозоқистон Ахборот агентликлари фаолияти ҳақида биласизми?
6. Қозоқистон журналистикасининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

ҚИРҒИЗИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ



Қирғизистон Республикаси байроғи

РЕЖА

- 1.Замонавий Қирғизистон матбуоти
2. Қирғизистон телевидениеси ва радиоси
- 3 Қирғизистон Интернет тармоқлари
4. Қирғизистон Ахборот агентликлари
5. Қирғизистон журналистикасининг истиқболлари

Қирғизистон матбуоти. Қирғизистонда 183 та газета ва 83 та журнал чоп этилади.

Шулардан энг йирик газеталар “Асаба” – “Байроқ” қирғиз тилида ҳафтада икки марта чиқадиган газета. Бу газета 2001 йилдан нашр этилади. “Вечерний Бишкек” (“Бишкек оқшоми”) рус тилидаги

кундалик газета бўлиб, 1974 йилдан чоп этила бошланди. “Қызыл Туус”³⁵ (“Қизил байроқ”) қирғиз тилида ҳафтада икки марта чиқадиган газета. Бу газета 1924 йилдан чоп этила бошлаган, адади 20000. “Қирғизистон адабиёти” рус тилида йилига 4 марта чиқадиган журнал. “Слова Кыргызстана” (“Қирғизистон сўзи” рус тилида ҳафтада 3 марта чиқадиган газета, 1925 йилдан чиқа бошлаган, “Эркин Тоо” – “Эркин тоғлар” қирғиз ва рус тилларида ҳафтада икки марта чиқадиган ҳукумат газетаси, адади 120 000. 1991 йилдан чиқа бошлаган. Қирғизистон Республикаси телеашиштириш давлат корпорациясига 1937 йилда асос солинган.

“Ўш садоси” ижтимоий-сиёсий газета ҳисобланиб, А4 форматда чоп этилади. 1932 йилда асос солинган, ўзбек тилида чиқади, адади 4000 дона. “Коммунист” газетаси 1932 йил 12 апрелдан чиқа бошлаган, биринчи бош муҳаррири Мурадхан Сабилов. 1938 йилдан газета “Пахта учун”, кейинчалик 1940 йилдан “Ленин йўли” (Путь Ленина) деб номлана бошлаган. “Қирғизистон ҳақиқати” (Правда Киргизии) 1957 йилда Қирғизистон ССР Марказий Комитетининг газетаси ҳисобланган.

“Хуэймин бо” 1932 йилда асос солинган, дунгай тилида чоп этилади, ижтимоий-сиёсий ойлик газета. 2008 йилдан 3000 донада чоп этилади. Бугунги кунда мамлакатда 1500 та оммавий ахборот воситалари рўйхатдан ўтган. Шулардан катта бўлмаган нусхадаги ва аналитик-ахборот газеталар “Вечерний Бишкек”, “Слово Кыргызстана”, “Моя столица – новости”, “Дело №”, “Общественный рейтинг”, “Деловой Кыргызстан”, “Кыргыз Туусу” ва бошқалар. Республика маркази Бишкек шаҳрида кўп миқдорда босма ва электрон нашрлар чоп этилади. Қирғизистоннинг 7 та вилоятида қирғиз, рус, ўзбек тилларида тарқатилади.

Журналлари. Статистик маълумотларга қараганда полиграфик етишмовчиликлар сабабли Қирғизистонда журналлар анча кам. 16 турдаги журналлар чоп этилади шулардан: “Қирғизистон адабиёти” журнали рус тилида йилига 2 марта чиқади, “Адыл сот” журнали, “Ала Тоо” журнали, шунингдек, нафақат Қирғизистонда балки, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистонда номи машхур бўлган “Маданият шарҳи”, “Сихат-саломатликни сақлаш”, “Спорт” журналлари бор.

³⁵ <http://kyrgyztuusu.kg/>

Радиоэшиттиришлар: Кабар давлат радиостанцияси ва Алмаз хусусий радиостанцияси. КООРТ радио ва телевидениеси 1997 йилда тузилган. “Пирамида” телерадиокомпаниясига 1991 йил асос солинган.

Телерадиокомпаниялар: Республика миқёсидаги “Пирамида” 1958 йилда ташкил топган. Ҳозирги кунда унинг таркибида бир қанча теледастурлар фаолият юритади.

Мир (телерадиокомпания). “Мир” – МДХ мамлакатлараро халқаро телерадиокомпания ҳисобланади, 1992 йил 9 октябрда асос солинган, таъсисчилари 10 та давлат-Озарбайжон, Армения, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон. Эшиттиришлар рус тилида олиб борилади. Телекомпаниянинг Штаб-квартираси Москвада жойлашган. Филиаллари эса МДХ давлатларининг барчасида бор, шунингдек, Санкт-Петербург, Владикавказ ва Алма-Атада ҳам “Мир”нинг эшиттиришлари, Белоруссия, Қирғизистон, Россия ва Латвия, каби давлатларда ҳам ахборотлари тингланади. Унинг ахборот портали Mir 24.tv ва спутник тизими “МИР-Телепорт”. Бундан ташқари 1993 йил 6 сентябрдан Останкинонинг 1-каналда пайшанба куни 18.00 дан 18.30 гача чиқиб турган, 1995 йил 1 апрелдан 14 августгача эса умумий Россия телевидениесининг кундалик кўрсатувларидан жой олган. Ҳар куни соат 15.15 дан 15.45 гача, 2000 йил декабрь ойидан соат 14.30 дан 15.00 гача ўз кўрсатувларини узатади. 2003 йил 1 сентябрдан бошлаб эркин тарзда Россия, Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия давлатларига эшиттиришлари узатилган. “Мир” Россияга спутник орқали НТВ+ частотасида кабелли телевидениесини улади. 2012 йил 14 декабрдан телеканал Россиянинг иккинчи мультиплекс рақамли телевидениега ўтди. “Вместе” “Всюду жизнь”, “Миллион вопросов о природе”, “Мечтай! Действуй! Будь!”, “Союзники” “Общий рынок”, “Сделано в СССР”, “Путеводитель”, “Слово за слово”, “Экспериментаторы”, “Тик-так”, “Любимые актёры”, “Кыргызстан в лицах”, “Новости Содружества. Культура”, “Диаспоры”, “Простые числа”, “Мир спорта”, “Содружество. LIVE”, “Большой репортаж”, “Акценты”, “Новости. Содружества”, “Общий интерес”, “Секретные материалы”, “Республика сегодня”, “Добро пожаловать”, “Полуночни-ки”, “Знаем русский”. Россия телеканаллари сериалларига ўхшаш шакллантирилган, шунингдек халқаро Америка кўрсатувларига қиёсланган.

Ахборот агентлиги. “КАБАР” қирғиз миллий ахборот агентлиги “24 KG”, “Кабар”, “АКИ-пресс”, “Вести.KG”, “Komment.KG”, “Gezitter.KG”, “Парус KG.info”, “Kloop.kg” ва бошқа. АКИ press. Ахборот агентлиги ўз веб сайтыда Қирғизистонда бўлаётган 500дан 700 гача кундалик сиёсий, иқтисодий хабарларни нашр қилиб боради. Бундан ташқари маданий дипломатик, спорт янгиликларини 24 соат давомида кузатади.

K-News – Қирғизистон Республикасидаги нодавлат ахборот агентлиги Қирғизистондаги. 2011 йил 20 июнда медиа-менежерлар группасидан ташкил топган.

Интернет³⁶ – K-News 2011 йил 20 июнда ташкил топган, рус тилида фаолият юритади.

Чет эл ОАВ Россия, Хитой, Корея, Туркия ва Ўзбекистон телевидение ва радио дастурлари билан тақдим этилган.

Республика бўйлаб юқори рейтинг тадқиқотида Қирғизистондаги позициянинг етакчиларидан Россия ва ҳудудий русий забон тилидаги Марказий Осиё ташкилотларида телерадиокомпанияси ташкил этилган.

Суткасига битта орбитада хусусий частотада 10 соатгача бўлган бошланғич эшиттиришлар фаолият кўрсатган.

2007 йилга келиб эшиттириш ҳажми 17 соатга узайтирилган. 2008 йил февраль ойида МТРК “Мир”да “МИР+3” телеканали Марказий Осиё, Урал ва Сибир аҳолиси учун 24 соатлик дастурлар тайёрланди. Ҳозирги кунда телеканал медиабозорда ўз ўрнига эга.

2010 йил февраль ойдан бошлаб “Супер-Оптимум” пакети “Триколор ТВ”дан телеканалга бирлашди. 2011 йил 1 августидан MPEG-4 форматини оддий MPEG-2 форматига ўзгартирди (пакет “Оптимум”).

K-News – Қирғизистон Республикасининг махсус янгиликларни ўзатиш нодавлат ахборот агентлиги бўлиб, унга 2011 йил 20 июнда медиа-менежер гуруҳи асос солган.

Ахборот агентлигида “Парламентская хроника”да мамлакат парламенти аъзолари қарорларининг янгиликлари ҳар куни бериб борилади. Сайтнинг “Досье” саҳифасида Қирғизистондаги таниқли шахслар ва сиёсий арбобларининг автобиографияси тўлиқ ёритилиб борилади.

Доимий равишда “Политика”, “События и расследования”, “Экономика”, “Фоторепортажи” ва “Инфографика” саҳифалари

³⁶ www.knews.kg

ёритилади. Агентликда “мутахассислар ва топшириқлар” саҳифаси ўз ўқувчилари эътиборига охирги янгиликларни ҳавола этади.

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ВА МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА

Менталитет – (лотинча *Mentis*-ақл демакдир) – ижтимоий-психологик қарашлар, тасаввурлар, дунёни англаш ва кишилар онгини шакллантирувчи анъанавий идрок этиш усули бўлиб, маълум ижтимоий-маданий жамиятга хос.

Миллийлик эса маълум этник қатламга мансублик билан бир қаторда фикр юритиш ҳамда умумий маънавий қадрият муштараклигидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг шундай сўзлари бор: “Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади”.³⁷

Менталитет ўзгарувчан бўлиб, ундаги шаклланишлар ва янгиликлар жуда секин юз берадиган жараёндр. Ижтимоий психолог Ю.Митке менталитетда ўзаро боғлиқ бўлган психологик реакциялар, тасаввурлар ва аввалги авлодларга хос бўлган хусусиятларга эга жиҳатлар, гуруҳларнинг ўз-ўзини англаши каби омилларни идроки ва жамоавий онгининг синтезлашиши сифатида кўради. Тарихчилар эса менталитетни дунёни англаш, ҳис-туйғулар ва маълум давр одамларга хос хаёл суриш тарзининг умумлашмаси деб ҳисоблайдилар.

Социололингвистлар маданий субъектларнинг онгли муносабатларини белгилаб берувчи семантик матрицани менталитет деб ҳисоблайдилар.

Менталитет тушунчаси таҳлилий фикрлар, идрок этиш шакллариининг ривожланиши кабиларни ярим англаб етилган маданий меъёрлар билан бирлаштириш имконини беради.

Менталитет бир-бирига қарама-қарши бўлган табиий ва маданий, эмоционал, ҳақли рационал ва нораціонал, индивидуал ва умумбашарий тамойилларни бир-бирига боғлаб туради. Шу билан бирга менталитет архаик тузилмалар ва мифологик асосларга эга бўлган узок ўтмишни таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди. Бугунги

³⁷ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2011. – Б. 71.

замонавий менталитет тушунчаси нисбатан кенгроқ маънога эга, фақат маълум йирик ижтимоий гуруҳлар ва умумбашарий маънавий меъёрларга хос бўлган маданий стереотиплар билан чекланмай, фикрлаш тарзи ва баёни, маънавият асосларига эга бўлган кишиларнинг кичик гуруҳини ҳам қамраб олади.

Ижтимоий фан вакилларининг аксарияти менталитет ва миллийлик тушунчаларини синоним тарзда қўллаш тарафдоридир. Бироқ уларнинг тўлиқ синоним тарзда ёки алоҳида эътироф этилиши кузатилмаган.

Менталитет ва миллийлик тушунчалари ўртасига тенглик ишорасини қўйишни истамайдиган баъзи бир олимлар менталитет нисбатан кенгроқ умуминсоний аҳамият касб этади, деб ҳисоблайдилар.

Ўзликни жамоада англаш тамойили эса кишиларнинг оилада, маҳалла-қўйда, ишхонада, жамоат ишларида қандай баҳоланиши билан ўлчанади. Масалан, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбиримизга қандай муносабатда бўлиши яъни, кимлар қатнашиши, қанча одам келишига кўра баҳолашга ўрганганмиз. Бу жиҳат юз йиллар мобайнида турмуш тарзимизда теран илдиз отиб бўлган. Аммо, бугун дунё ва жамиятимизда вазият тамоман ўзгача манзара касб этиб улгурди. Биз бу ҳолатда, яъни ўзгарган дунёни ҳам тўла англаб етмаётганимизни тан олишимиз керак.

Биринчидан, дунёнинг ҳаёт мароми, умр сураъти тезлашиб жўшқин мазмун касб эта бошлади.

Иккинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндошиш, ҳисоб-китобни қатъий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқарди.

Учинчидан, дунё жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш, атроф мамлакатларда юз бераётган жамики воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик туйғусини кучайтириш заруратини муҳим талаблар даражасига олиб чиқди.

Тўртинчидан, ҳар бир сиёсий гуруҳ, жамоа ёхуд шахснинг дунё жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўсди. Бундай шароитда одамларнинг тор, биқик муҳитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, фақат анъаналар доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди.

Дунё ўзгаришларининг муқаррар мантиғи жамият ва фуқароларга ҳам ўз турмуш тарзини мутаносиб ўзгартиришни қатъий талаб қила

бошлади. Истиқлолимизнинг дастлабки палласидаёқ ана шу катта ижтимоий эҳтиёжни ўз вақтида донишмандлик билан англаган юртбошимиз жамият ҳаётини ислоҳ этиш, анъана ва маросимларимизни жамият ривожланиши мантиғига биноан мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқди. Тўй ва маросимларни тартибга солиш, ортиқча исрофгарчилик ва дабдабазлик билан ўтказмаслик тўғрисидаги фармонлар эълон қилинди. Жойларда бу фармон мамнуният билан қабул қилинди. Кўпгина ҳудудларда фармоннинг кучи ва воситасида тўй ва маъракалар ихчамлаштирилди.

Миллий журналистика.

“Бугун биз XXI асрда – глобаллашув деб ном олган шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечиримиз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз зарур. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттириляётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадио эшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу билан бирга оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, уларнинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам ўзининг амалий ижросини кутиб турибди”³⁸ – дейди Ўзбекистон Президенти ўзининг журналистларга бўлган эътиборини билдириш мақсадида. Оммавий ахборот воситаларининг таъсири, интернет сари яқинлашиш, коммуникациянинг тез тарқалиши натижасида одамлар онгида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Сериаллар,

³⁸ Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир:Т.19. – Т.; Ўзбекистон, 2011.

ҳар хил интим кўрсатувлар ва турли бемаъни матбуот нашрларининг таъсири ҳам жуда катта. Бу ҳам менталитетда маълум маънода ўзгаришлар ясайди.

Миллий идрок характери журналист фаолиятида ўз аксини топмаслиги керак. Профессионал журналист ёки тадқиқотчи олим менталитетга хос қарашлардан ҳоли бўлиб халққа ахборот, янгилик ва илмни тақдим этишда прогрессив йўл тутиши лозим. Информация (ахборот) баёни ёки интерпретациясининг бошқа йўлларда амалга оширилиши турли хил халқаро қоидаларга зиддир. Шундан келиб чиқиб журналист ахборотни мафкура ва миллий меъёрлардан ҳоли ҳамда объектив тарзда узатиши лозим.

Илгари битта асосга эга бўлган дунёқарашлар коммуникацион жараён вакиллари учун қўл келиб, бошқарилиши қулайлаштирилган.

Ҳозирги кунда жамоавий қарашлардаги турфалик ОАВ аудиториясига таъсир ўтказишнинг эски усулларидан воз кечишни талаб этади.

Замонавий журналистика амалиётини таҳлил қилиш анча қийин жараёнга айланиб қолди.

Бу борада Елизавета Глаковская замонавий Россия ОАВ фаолиятини хорижий нашрлар билан солиштириш воситасида таҳлил қилишга уринди. Унинг илмий ишида миллийлик масалалари биринчи ўринга қўйилди. Ҳар қандай ОАВ аудиториясининг маълум миллатга хослиги ва хабарни қабул қилишда унинг катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, муаллиф Россия ва АҚШ давлатлари нашрларини қиёслаб тадқиқот ишини ёзди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам оммавий ахборот воситалари кенг ривож топиб, такомиллашиб бормоқда. Тошкент телеканалларида ўнлаб хориж каналларини улаб, хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиш имкониятига эга бўлинди. Бугун сериаллар ҳам анча авж олиб кетди. Корея сериалларининг ўзига хослигини кўрадиган бўлсак, бунда албатта, тарбиявий аҳамиятга эътибор қаратиш керак. Бу сериалларда Кореянинг ўзига хослиги, миллий кўриниши билан таҳсинга сазовордир. Ўзбек сериаллари ҳам айни кунда кенг ривож топиб бормоқда, лекин шу ерда бир нарсага эътибор бериш лозимки, нима бўлишидан қатъий назар, қайсидир бир давлатнинг сериалларига тақлидлиги кўриниб туради.

Бугунги замонавий менталитет тушунчаси нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб фақат маълум йирик ижтимоий гуруҳлар ва умумбашарий маънавий меъёрларга хос бўлган маданий одат тусига

кириб қолганлиги ва фикрлаш тарзи чекланмаган гуруҳларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбек менталитетини замон талабига мувофиқ эволюцион ўзлаштиришнинг яхлит тизими кўпгина жиҳатлар рўёбини тақозо этади.

Ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Замонавий Қирғизистон матбуоти ҳақида фикрларингиз
2. Қирғизистон телевидениесининг дастурлари ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Қирғизистон радиоси дастурларининг ўзига хослиги ҳақида суҳбат
4. Қирғизистон Интернет тармоқлари ривожланиши ҳақида нималар биласиз?
5. Қирғизистон Ахборот агентликлари фаолияти ҳақида биласизми?
6. Қирғизистон журналистикасининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЖУРНАЛИСТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

XXI аср ахборот асри сифатида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, янги асрга келиб ҳаёт шу қадар жиддийлашиб кетдики, бу жараённинг кудратли оқимида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти янада ортди. Ҳозир жаҳоннинг у ёки бу бурчагида рўй бераётган ёхуд содир бўлаётган воқеа-ҳодиса ҳақида газета ва журнал, радио-телевидение орқали тез фурсатда ҳатто тўғридан-тўғри ахборотлар олиш имконити бор. Шу боис бугунги кунда жамиятимиз беҳисоб оммавий ахборот воситалари туфайли янгилик ва хабарлардан тезда хабардор бўлмоқда. Айниқса телекоммуникация, ахборот технологиялари соҳасида рўй бераётган кашфиёт ва ихтиролар, ахборот олиш ва тарқатиш учун кенг имкониятлар очиб берувчи компьютер техникаси, халқаро ахборот алоқа тизими, интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши жамиятимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда давлат ва жамиятнинг ривожланганлиги ва маданийлашганлиги мамлакатда ахборот технологиялари қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади.

Ахборотларни тарқатувчи, дунёда кечаётган турли-туман жараёнлар, воқеалар ҳақида хабар, янгилик ва маълумот берувчи оммавий ахборот агентликлари ҳақида, интернетнинг фаолияти хусусида муҳим маълумотлар, шунингдек, журналистиканинг шаклланиши ва раванқ топиши бугунги илмий таснифий масалаларни қисқача баён этиш мақсадга мувофиқ.

Оммавий ахборот воситалари мажмуини ташкил этувчи журналистика жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти, инсонлар фаолиятининг барча томонларига доимий ва фаол таъсир кўрсатувчи ғоявий восита бўлиб хизмат қилади. Ходимларга иккита асосий талаб қўйилади: касбий профессионализм ва садоқатлилик. Иккинчи талаб ривожланган мамлакатлар журналистикаси тамойилларига тўғри келмайди. Бу эса Хитойнинг халқаро журналистлари учун асосий муаммодир.

Хитой анъаналарига кўра, мамлакатнинг юқори лавозимида ишлайдиган ходимларни танқид қилиш мумкин эмас. Репортаж ва таҳлилдан кўра эътибор кўпроқ умумий тарздаги ахборотга қаратилади. Агентликка ходимлар ишга олинаётганида мафкуравий мезон етакчилик қилади. Анжуман ва семинарларда касбий маҳоратдан кўра, кўпроқ миллий сиёсатнинг нозик томонлари тушунтирилади: давлат

сиёсатининг ижобий томонларини қандай кўрсатиш мумкин, давлат ходимларига қандай саволлар бериш керак, матбуот анжуманларида миллий журналистлар ўзларини қандай тутишлари керак ва ҳ.к.

Халқаро янгиликлар икки кўринишда тайёрланади. Биринчи тўплам фақат давлат даражасидаги раҳбарлар учун мўлжалланган бўлиб, санокли нусхаларда босилади ва уларга тарқатилади. Бундан мақсад – раҳбарларни дунё ОАВ Хитой ҳақида қандай фикрда эканлигинидан хабардор қилиш. Иккинчиси – бутун мамлакат аҳолиси учун текширилган ва керакли жойлари тузатилган ахборотдир.



Домо-кун (яп. どーもくん До:мо кун?) – Япония телеканали NHK нинг тумор белгисидир. Рангли турдаги кўринишлар оғзини очиб турган кичик жигарранг монстри намоён этган кўрсатув дастурлари орасида 30 секундлик роликларда намоёндыр.

2008 йилда каналда янги мультисериал пайдо бўлди. Домо-кун иштирокида ҳар икки минутда сериал давомидаги эпизодлар намоёйиш этилиб борилди. 2009 йилда сериал “Nickelodeon” каналида тўлалигича намоёйиш этилди.

Домо-кун тасвирланишича “тухумдан чиққан ғалати махлуқ” Усадзий номли аллома, кекса куён билан бирга ер тагида ғорда яшайди (яп. うさじい, инглизча. Mr. Usaji), аччиқ чой ичиб телевизор кўришни жуда яхши кўрадиган домо-кун телевидениени севади ва унинг севимли мусиқий гуруҳи Guitar Wolf ва МАХ. Севимли овқати – гўшт, японча тузланган картошка, олмани хуш кўрмайди.



Домо-кун ингичка овозда мулоқотда бўлади. Баъзида унинг исмига ўхшаш. Гоҳида бошқа кўринишларда уни яхши тушунишади. Бу кўриниш асосан томошабинларни қизиқтириш мақсадида ишланган.



2015 йил 30 августдаги маълумотларга таяниб айтиш лозимки, бугунги кунда Японияда интернет жадал суръатда ривожланган.

Ахборот кўринишини режалаштириш dialup (56 кбит/сек) ва ISDN (64 кбит/сек)дан **оптик-тола симларидан узатиш** (FTTH), авваламбор NTT линияларини сотиш учун тижоратчилар ҳар қандай шароитда ўз компанияларини сақлаб қолишлари мақсадида турли йўналишлардан фойдаланадилар. 1990 йил охирларида кабелли телевидение операторлари ўзларининг шахсий кенг йўналишдаги хизматларини, қиммат баҳодаги уланишларни арзонлаштирилган нархларда таклиф қила бошлади.



1999 йилга келиб Tokyo Metallic ADSL технологиясига ўтилди. Шундан кейин бу компания NTT ва бошқа кузатувчи компаниялар ҳам ADSL технологиясига ўта бошлади. 2001 йилда SoftBank медиакорпорацияси ADSL (12 Mbit/s)га обуначиларни қабул қила бошлади. Бу ҳақиқий янгилик эди, нимагаки, нарх 3000 йен (30 \$), яъни бошқа аналитик тарифдаги компанияларга нисбатан икки баробар арзон. Маркетинг сиёсатида ҳаракатчанлик компанияни катта даромадга эга бўлишга олиб келади. Softbank рақобати ҳақиқий нарх жангини келтириб чиқарди. Ҳар ким нархни туширишга ҳаракат қиларди, бу орқали барча ўз хизматларини таклиф қила бошлади (12 Mbit/s 24 Mbit/s, 50 Mbit/s), мижозларни йўқотмаслик учун 2004 йилда Япония дунёда энг сифатли хизмат кўрсатувчи, кейинги йиллар ичида ўз нуфузини йўқотмаган Интернет ADSL (50 Mbit/s, 35 \$) технологиясини қўллаш бошлади.



Ҳиндистон Республикаси (хинди, Bhārat Gaṇarājya IAST, инглиз. Republic of India) – Жанубий Осиё давлати. Ер кенглиги бўйича дунёда еттинчи ўринда, халқининг кўплиги бўйича эса иккинчи ўринда туради. Ҳиндистон Покистон, Хитой, Непал, шарқда Бангладеш ва Миянма, жанубда Шри-Ланка билан чегарадош. Ҳиндистон ўз бой

қадимий маданиятига эга давлат. Ҳиндистонда индуизм, буддизм, сикхизм ва джайнизм каби динлар пайдо бўлган. Эрамизнинг биринчи минг йилликларида Ҳиндистонга субконтинент маданияти ва урф-одатлари кириб келдики, натижада зароастризм, христианлик ва мусулмон динлари, жуда катта худудни эгаллади. XVIII – аср ўрталарида Ҳиндистон Британия империясига секинлик билан ўта бошлади ва бу XX – аср ўрталаригача давом этди. Ҳиндистон 1947 йилда мустақилликка эришди. Мамлакат иқтисодиётида, ҳарбий ривожланишида катта муваффақиятлар қозонди ва XX – асрда Ҳиндистон иқтисодиёти дунёдаги тез ривожланувчи мамлакатлардан бирига айланди. Менталитет (баъзан уни миллий характер деб ҳам аташади) жамиятда айрим сифат ва ақлий салоҳиятга эга бўлсада, доимо мавжуд. Миллатларнинг менталитетлари асрлар давомида ўзгармай яшайверади. Бу жараён эса давлатлардаги тарихий ўхшашликлар, қайтарилишлар сабабини уларда миллий менталитет таъсирини аниқламай туриб ўрганиш мумкин эмас, деган фикрга олиб келади.

ГЛОССАРИЙ

Ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ахборотлилик – телекоммуникация, инфрабоғлаш, тарқатиш, рақамли телевидениега хос.

Ахборотга бўлган ҳуқуқ – инсоннинг дунёга келиши билан унга бериладиган, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ахборотни олиш, сақлаш, тарқатиш, янгилаш (агар бундай ҳолат бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг ахборот бўйича хавфсизлигига зарар етказмаса) мумкин бўлган ҳаракатларнинг фундаментал ҳамда комплекс ҳуқуқи.

Ахборот борасидаги хавфсизлик – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

Ахборотни муҳофаза этиш – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси; алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки ва бошқа ахборот тизимлари)даги ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўплами.

Ахборот соҳаси – субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳаси.

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Ахборот хуружи – ахборотга қарши ахборот, ахборотларнинг кўпайиб кетиши билан боғлиқ турли телекўрсатув, радиоэшиттиришлар, матбуот маълумотларининг берилиши.

Ахборотлаштириш – юридик ва жисмоий шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган

ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараён.

Ахборот терроризми – кишилар хулқ-атворини маълум йўналишда бошқариш, улар онгида манипулятор (бошқарувчи)га самарали бўлган фикр ва мулоҳазаларни таркиб топтириш, ўз ғаразли мақсадларини мажбурий сингдиришга интилиш.

Амалиёт – билишнинг негизини ташкил қилувчи вазият, инсоннинг бутун билиш жараёни, сезгилардан бошлаб, илмий мавҳумликларга қадар ижтимоий-амалий фаолият асосида ривожланиши, унинг эҳтиёжлари ва муваффақиятлари билан белгиланиши ва йўлга солинишини англатади.

Ахборот – объектив реалликнинг муҳим қисмини ифодаловчи тушунча бўлиб, ўзини сақлаш, қайта ишлаш ва таъсир натижалари (излари)дан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий тизимларда намоёндыр.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамғариш таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир.

Ахборотлашган жамият концепцияси – информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси.

Бадий билим – борлиқни тушуниб етиш рефлексининг ўзига хос шакли бўлиб, у санъат воқеилигининг барча боқичларида – асар ғоясидан бошлаб унинг одамлар томонидан қабул қилинишигача – ўзига хос тарзда рўёбга чиқади.

“Broadcasting” тизими – ҳозирда барча ОАВда кенг қўлланиладиган, эфирга узатиладиган, барча аудитория учун ягона бўлган ахборий маҳсулотни англатадиган тизим. Тингловчи бунда берилаётган материалнинг нофаол қабул қилувчисига айланади.

Гиперматн – интернетдаги бошқа электрон хужжатларга боғланадиган электрон матн.

Глобал муаммолар – оламшумул иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча

мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациянинг энг долзарб масалалари.

Дизинформация – сохта ахборот, овоза ва шов-шув тарқатиш, конфиденциал (сирли) маълумотларнинг “оқиб кетиши”ни ташкил қилиш.

Европа Иттифоқи (ЕИ) – Ғарбий Европанинг 25 та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

E-mail –electronic mail, электрон почта хизмати.

Жаҳон журналистикаси – “жаҳон адабиёти”, “дунё санъати” иборалари сингари журналистик фаолиятнинг бой анъана ва тажрибасига эга иқтисодий ва технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар журналистикасини ўзида ифодалайди.

Журналистика атамасининг маънолари – 1) ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолият; 2) ОАВ учун мўлжалланган асарлар тизими; 3) ОАВ мажмуи; 4) ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан боғлиқ касб тури; 5) жамиятнинг ижтимоий институти.

Ижтимоий ахборот – билимнинг шундай бир қисмики, у маълум моддий жисмларда қайд этилган ва белгилар тизимида ифодаланган ҳолда ижтимоий – коммуникатив, субъектлараро жараёнга қўшилиб, идрок этилади ҳамда олимнинг билим даражасини ўзгартиради, шунингдек, унинг ўзи ҳам ўзгартирилиб, ундан фаолиятнинг турли жабҳаларида фойдаланилади.

Илмий ахборот – илмий билиш жараёнида олинган тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар, назариялар ва гипотезалар тизимида қайд этилган, табиий ёки сунъий белгилар тизими ёрдамида ифодаланган, объектив борлиқни олимнинг маънавий фаолияти натижалари орқали аниқ акс эттирадиган ва ижтимоий – тарихий амалиётда фойдаланиладиган, ижтимоий аҳамиятга молик ва мантиқий жиҳатдан (шаклан) умумийлаштирилган ахборот.

Импорт – ички бозорда сотиш учун мамлакатга хорижий ОАВ маҳсулотларини киритиш ва хорижий ОАВ хизматини йўлга қўйиш.

Интеракционизм – “интер” – ўзаро, “акцио” – фаолият, яъни ўзаро фаолият юритиш, ахборот алмашиш, кенг маънода эса ижтимоий таъсир кўрсатиш даражасини кўтариш, яъни мулоқот

жараёнида ахборот алмашинувининг икки тарафлама фаоллашувини билдиради, ўзаро ўрганмоқ маъноларини англатади.

Интернет – дунё бўйлаб бир-бирига уланган компьютерлар тармоғидир. **Internet** сўзи икки хил талқин қилинади, яъни халқаро тармоқ (**International network**) ва ўзаро уланган тармоқлар (**Interconnected networks**). Бу тармоқда минглаб – деб аталувчи суперкомпьютерлар маълумотлар учун манба вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам интернет марказлашмаган тармоқ ҳисобланади, унда ҳар қандай киши жамоатчилик серверида ёки сайтида хоҳлаган маълумотини жойлаштириши мумкин.

Концерн – манфаатларнинг мос келиши асосида корхоналар умумлашуви, бирлашувининг ривожланган шакли. Концернга кирувчи корхоналар мустақил корхона ҳисоблангани билан ҳақиқатда ягона хўжалик раҳбарлигига бўйсунди.

“Mass media” – Ғарб мамлакатларида “журналистика”, “оммавий коммуникация”, “коммуникация воситалари” атамалари билан бир қаторда, уларга маънодош сўз сифатида қўлланиладиган атама. ОАВ каналлари тизимининг умумий номи, биринчи навбатда, тармоқларга бўлинган ахборотнинг компьютерлашган ва электронлашган тизимини назарда тутди.

“Narrowcasting” ва **“индивидуал”** (баъзи маълумотларда “шахсий”, “персонал” – муаллиф) тизим – тингловчи ва мухлисларга ахборий маҳсулотни ўз хохишларига кўра ўзгартириш имконини берадиган, ўзи учун керакли ва муҳим бўлган ахборотни танлаб олишга имконият яратадиган тизим.

Монополия – бирор нарсага нисбатан фавқулодда ҳуқуқ. Масалан, товарлар ишлаб чиқаришга, савдо қилишга, ташқи савдога, хизматлар кўрсатишга ва бошқа.

Монополлашув – ахборот бозорларида ўз ўрни ва даромад топиши учун ҳаракатлар маълум даражада монополия ўрнатишдан иборатдир. Монополия ўрнатилган ҳолда ахборотни ва газеталар, радио, ТВ дастурларни аудиторияга сотиш енгиллашади.

Мультимедиа – матн, расм, овоз ва тасвир каби ахборот узатиш воситаларининг бирлашуви.

Оммавий ахборот (Гиперматн) – чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот – босма, аудио, аудиовизуал ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар.

Оммавий ахборот воситалари глобаллашуви – ОАВ нинг яхлит тизимга бирлашиши, бундай ҳолатда чегара билан вақт нисбий тушунчага айланади.

Паблик рилейшнз (Жамоатчилик билан алоқалар) – бутун дунёда кенг тарқалган хизмат тури, оммавий коммуникация воситалари ёрдамида ташкилотнинг имиджи ва ижтимоий қиёфасини шакллантириш вазифасини бажаради.

Реклама – ахборот узатишнинг тижорий тури бўлиб, у ахборот етказишнинг замонавий шаклларида биридир. Унинг мақсади – оммавий ёки шахсий онга кучли таъсир ўтказиш йўли билан ҳосил бўлган, улар томонидан тўпланган ахборотни тарқатиш йўли билан ҳиссиётларга таъсир қиладиган, танлаб олинган истеъмолчилар аудиториясига зарурий жавоб таъсирини кўзғатадиган, ишга нисбатан ижодий ёндошув ва ахборот тўплаш, ҳамда режалаштиришда касбий маҳоратни талаб қиладиган маиший ёки бошқа хил ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва жамоат ташкилотларининг вазифаларини амалга оширишдир.

Репортаж – воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан ОАВ орқали тезда хабар етказиш ва шундай характердаги журналистик асар.

Телекоммуникация воситалари – электромагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлар.

Телекоммуникациялар – сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш.

Телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факс, e-mail турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи.

Сейлз промоуши – тижорат ва ижодий ғояларни амалга ошириш бўйича фаолият бўлиб, реклама берувчининг хизматлари ёки маҳсулотларини (кўпинча қисқа муддатларда) сотишни тезлаштиради. Хусусан, у сейлз промоушнинг турли хил воситалари (масалан, машҳур инсонлар, мультфильм қаҳрамонларининг сувратлари, автомобилларнинг қимматбаҳо русумлари)ни жойлаштириш билан маҳсулотларни ўраш, шунингдек, савдо масканларидаги махсус тадбирлар ёрдамида қўлланилади.

Сервер (server) – инглиз тилидан олинган сўз, “хизмат кўрсатувчи” маъносини билдиради. Интернет клиентлари фойдаланиш учун веб-саҳифалар ва бошқа ҳар хил файллар сақланадиган супер компьютерлардир.

Этика – грекча “ethika”, “ethos” сўзидан олинган бўлиб, “характер”, “одат”, маъноларини билдиради. Бу одамларнинг ахлоқий юриш-туриш стандартларини, принципларини белгилаб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 42 б.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Ж. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 410 б.

Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Ж. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Ж. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 382 б.

Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Ж. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Ж. 9. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 432

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ж. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

Каримов И.А. Ватанчимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Ж. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 270 б.

Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Ж. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 348 б.

Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Ж. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиши сари. Ж. 18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 280 б.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. Ж. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Ж. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 367 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Ж. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Ж. 12. – Т.: Ўзбекистон, 399 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Ж. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 429 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Ж. 10. – Т.: Ўзбекистон, – 432 б.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Ж. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 382 б.

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Ж. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.– Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:

Ўзбекистон, 2012. – 439 б.

Каримов И.А. “Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов оммавий ахборот воситалари ҳақида”: Тўплам. – Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, 1997. – 214 б.

Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ишонч марказ сервис, 2009. – 210 б.

Асосий адабиётлар

1. Атамухамедов Ш. Интернет жаҳон ахборот тизими сифатида. infoCOM.uz. – 2006. – № 5.
2. Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси: Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
3. Вестник Моск. ун-та . – 2002.- № 5.
4. Дўсмухаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
5. Жабборов С. Оммавий ахборот воситалари қонунчилиги. – Т.: УзМУ, 2000.
6. Кудайберген Турсун. Казак телевиденияси // Энциклопедия. 1-қисм. – Алматы, 2009.
7. Круглов Е.В. Индийская печать сегодня: новые тенденции развития // Зарубежная журналистика: 2005: Ежегодник. – М., 2006.
8. Круглов Е.В. Индийская пресса в 2008 – 2009 гг.// Зарубежная журналистика: 2008: Ежегодник. – М., 2009.
9. Круглов Е.В. Индийская пресса и глобальный экономический кризис//Мировые СМИ в условиях финансового кризиса и новых технологий.- М., 2009.
10. Круглов Е.В. Индустрия информационных технологий Индии// Зарубежная журналистика в 2003 году:Ежегодник. – Москва, 2004.
11. Круглов Е.В. Массовая коммуникация в Восточной и Юго-Восточной Азии: тенденции и особенности развития накануне 21 – го века. // От книги до Интернета. – М., 2000.

12. Круглов Е.В. Печать Восточной и Юго-Восточной Азии в условиях азиатского экономического кризиса 1997-99 гг. //Вестник Моск. Ун-та, 2000.- №1.
13. Круглов Е.В. Печать Индии//Вестник Моск. Ун-та, 2006.- № 5.
14. Круглов Е.В. Печать Сянган (Гонконга) до и после 1 июля 1997 г. //Альманах кафедры журн-ки РУДН “Журн-ка и общество”, 2001.
15. Круглов Е.В. Полстолетия становления и развития тайваньской прессы /Вестник Моск. ун-та. – 2000. – № 3.
16. Круглов Е.В. Пресса Южной Кореи. – М., : “ВК”, 2005.
17. Круглов Е.В. СМИ Индии // Зарубежная журналистика в 2002 г. – Москва, 2003. – № 3.
18. Круглов Е.В. СМИ Южной Кореи//Зарубежная журналистика накануне 21-го века. М., 2003.
19. Круглов Е.В. Экономическая журналистика Индии // Зарубежная журналистика: 2004, часть 2. – М., 2005.
20. Круглов Е.В. Телевидение Южной Кореи накануне и в начале 21-го века. Альманах кафедры ТИЖ РУДН “Журналистика и общество”, № 7, 2005.
21. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон. 1997 й, 320-б.
22. Е.В. Южная Корея: быстрый рывок в развитии индустрии коммуникаций как двигатель национального роста. В книге “От книги до Интернета. 10 лет спустя”. М., 2009.
23. Лазутина Г. В. Технология и методика журналистского творчества: Методические указания.- М. : МГУ, 1988.
24. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
25. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: ТошДУ, 1998.
26. Мўминов Ф.А. Журналистика самарадорлиги. – Т.: ТошДУ, 1996.
27. Мўминова Ф.И. История мировой журналистики: Материалы к курсу. – Т.: ТошДУ, 1994.
28. Мўминова Ф.И. Современная зарубежная журналистика: Тексты лекций. – Т.: ЎЗМУ, 2001.
29. Почепцов Е. Теория и практика коммуникации. – М.: ЦЕНТР, 1998.
30. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. – Т.: ТошДУ, 2002.
31. Рэндалл Д. Универсальный журналист. – Алматы, 1997.

32. Телевидение кеча, бугун, эртага. – Москва: Искусство, 1989. – 174 – б.
/Тўплам. 1. Круглов Е.В. СМИ Индии в 2001 г.
33. Туркменистан // Международный журнал. – № 7 – 8 (40 – 41), №9 (42)
34. Федотова Я.Н. Массовая информация: стратегия, производства и тактика потребления. – М. : МГУ, 1996 .
35. Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари: Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: Шарқ, 2002.
36. Худойқулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. – Т.: ТошДУ, 1999.
37. Шермухаммедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Т.: Ношир, 2011. – 463-б.

Қўшимча маълумотлар

1. News агентлиги ҳамкорларининг материалларини ҳам чоп этиб боради янгиликлар рейтинги сервиси (Яндекс. Новости, Google. News, Rambler. Новости, Новости@Mail.ru, Namba Media), Қирғизистон халқаро махсус сайтлари, Шунингдек, К-News чет эл босма маҳсулотларидан цитаталар келтириб ўтади. (Regnum, Lenta.ru, РосБалт, Центр Азия, Internews Kazakhstan, Известия, Фергана.ру)

Live Internet.ru

www. Varorud. Org

pamirmedia @ gmail. Com,

www. Asiaplus. Tj

www. Khovar. Tj.

www. Avesta.tj

journ.editor@gmail.com

<http://indonet.ru/forum/3674#ixzz2IRWa4jzy>.

© Ҳиндистон манбалар каталоги портали Indonet.Ru, 2006

Россия ва Ҳиндистон ОАВ Маркази + 7 (495) 629 37 80.

[http:// www. gov. Uz](http://www.gov.Uz)

[http:// www. lex. Uz](http://www.lex.Uz)

[http:// www. press-service. Uz](http://www.press-service.Uz)

[http:// www. tsil. Uz](http://www.tsil.Uz)

М у н д а р и ж а

Кириш	3
Осиё журналистикаси ривожланишининг тамойиллари	7
Хитой журналистикаси	10
Япония журналистикаси	19
Ҳиндистон журналистикаси	28
Араб мамлакатлари журналистикаси	41
Марказий Осиё Мамлакатлари журналистикаси (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Турманистон)	54
Туркманистон журналистикаси	55
Тожикистон журналистикаси	60
Қирғизистон журналистикаси	66
Қозоғистон журналистикаси	74
Миллий менталитет ва миллий журналистика	77
Осиё мамлакатлари журналистикаси истиқболлари	82
Глоссарий	86
Адабиётлар рўйхати	92

Салиева Муҳаббат Кушановна

Замонавий Осиё мамлакатлари журналистикаси

Бичими 60x84 1/16. Ризограф босма усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи: 6,125. Адади 100. Буюртма № 17.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонасида чоп этилган.

Босмахона манзили: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй.

“Navro`z” нашриёти.